O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **30** ноябрь, жума № **48** (2227).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **30** ноября, **2007** год, № **48** (2227).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена договорная

Бугун Ўзбекистон ўзининг ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, етарли даражада қуролланган, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини, юртимиздаги барқарорликни, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армиясига эга, деб ғурур ва ифтихор билан айтиш учун барча асосларимиз бор.

Ислом КАРИМОВ

ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ – САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 ноябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Ивановни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2005 йили имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон-Россия муносабатларини ривожлантиришда мамлакатларимиз раҳбарларининг бир-бирига ҳурмат ва ишончи, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, халқаро муаммолар борасидаги қарашлари ўхшаш ва яқин эканлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ташқи савдосининг 30 фоиздан ортиғи Россия ҳиссасига тўғри келади. Экспорт ва импорт таркиби ҳам бой – машина ва ускуналар, энергия манбалари, қора ва рангли металлар, пахта толаси, пластмасса, ёғочни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари. 2006 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотиб олди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони беш юздан ошади. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган 284 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, савдо, энергетика, кончилик, металлургия, суғурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётир.

Саноатнинг электротехника, машинасозлик, самолётсозлик каби мураккаб тармоқларида ҳам алоқалар кенгаймоқда. Телекоммуникация ва дастурий таъминот, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларида катта имкониятлар мавжуд ва уларни тўлиқ ишга солиш устувор вазифалар сирасидандир. Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари билан Россия Федерацияси субъектлари ўртасида бевосита алоқалар йўлга қўйилган.

Мамлакатларимизнинг гуманитар соҳадаги ҳамкорлиги таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, фан ва технологиялар каби соҳаларни қамраб олган. Маданият ва санъат намояндаларининг ҳамкорлиги доирасида турли кўргазма ва гастроллар ташкил этилмоқда. Ўзбекистонда Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг филиали фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили пойтахтимизда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг, жорий йилда И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари очилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматлараро қўшма комиссияси мунтазам равишда мажлислар ўтказиб, алоқаларни кенгайтиришнинг янги имкониятларини кўриб чиқади, устувор соҳаларни белгилайди.

Шу йил июль ойида Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари С.Иванов юртимизга Ўзбекистон-Россия ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг ҳамраиси сифатида биринчи бор ташриф буюрган эди.

Қўшма комиссиянинг Тошкентда ўтган бу галги мажлисида, шунингдек, "Ўзбекистон-Россия: стратегик ҳамкорлик" мавзуидаги иқтисодий форумда ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг истиқболлари, хусусан, ёқилғи-энергетика мажмуи ва авиасаноат соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Россия ва Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

С.Иванов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Россия Ўзбекистон билан ҳамкорликни, барча соҳаларда ривож топаётган шериклик алоқаларини юксак қадрлашини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)



Йигит сўзим – содиқлик онтим

Зоҳид ТУЛАЕВ суратга олган.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 29 ноябрь куни Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Бухоро округ сайлов комиссияси раиси Ф.Аминов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Иқтисодиётимиз ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари мутассил ошмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда. Булар ислоҳотларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиб, халқ фаровонлиги ва даромадларини ошириб боришга доир стратегик вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётгани туфайли эришилаётган юксак натижалардир.

Ислом Каримов Бухоро инсоният цивизилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Абдухолиқ ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд сингари буюк мутафаккирлар ватанидир, деб таъкидлади. Уларнинг ворислари бугун ҳам кўплаб соҳаларда катта муваффақиятларга эришмоқда – олий ўқув юртларига киришдаги тест синовлари натижалари бўйича бухоролик йигит-қизлар етакчилик қилади, Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчилари халқаро илмий олимпиадаларда совринли ўринларни қўлга киритмоқда.

Учрашувда Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб-интернат директори Тўхтамурод Жумаев, Жондор туманидаги "Оллоҳназар-Бобоназар-Шоҳназар" фермер хўжалиги раиси Бобоназар Чориев, модельер-дизайнер Насиба Йўлдошева, Бухоро давлат университети талабаси Дилноза Исаева, бокс бўйича жаҳон чемпиони Аббос Атоев, шоир Садриддин Салим Бухорий ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро мақёсдаги нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби масалаларни амалга оширишда муҳим кафолат бўлишини алоҳида қайд этдилар.

А.БОБОЕВ,
Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Оқсаройда 29 ноябрь куни Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари мазкур йиғилишдан мақсад ўтган беш йил мобайнида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилган ишларни атрофлича таҳлил этишдан иборат эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини мустаҳкамлаш, фарзандларимизнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш, уларда спортга муҳаббат туйғуларини кучайтириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш, ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш умумий ўрта таълим тизимининг, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ажралмас қисмига айланди.

– Спорт – соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим воситасидир, – деди Президентимиз. – Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда балоғат ёшидаги болаларнинг бўйи аввалгига нисбатан ўртача 5 сантиметрга, вазни 4-8 килограммга ортгани, кўкрак қафасининг эса 6-8 сантиметрга кенгайгани кузатилмоқда. Бу рақамлар – юртимизда ҳаёт сифатини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилаётган саъй-ҳаракатларнинг ижобий самараларидир.

Мамлакатимизда оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш бўйича ишлар янада кенг кўлам ва изчиллик касб этмоқда. Ўтган қисқа даврда юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш борасида катта ютуқларга эришилди. Бевосита рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2003-2007 йилларда мамлакатимизда 715 спорт мажмуи барпо этилди. Шундан 583 таси қишлоқ жойларда қурилгани эътиборга лойиқдир.

Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналиши спорт иншоотлари барпо этиш жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, қайд этилган кенг қамровли қурилиш ишларига ўтган беш йил мобайнида 85,4 миллиард сўм маблағ сарфланди.

– Жойларда ёш авлод камолоти йўлида бунёд этилаётган болалар спорти иншоотлари наинки замонавий ва қулай, айни вақтда, шаҳар ҳамда қишлоқларимизнинг кўркига кўрк бўлиб тушиши зарур, – деди мамлакатимиз раҳбари. – Шу маънода, маданият объектлари, коллеж, лицей, мактаб ва болалар спорти иншоотларида қурилиш ишларининг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш бўйича ихтисослашган пудратчи ташкилотлар фаолиятини шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



БАРҚАРОР ЎСАЁТГАН ИҚТИСОДИЁТИМИЗ

Президентимиз Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида иқтисодиётимизнинг истиқлол йилларида ўсиш даражаларини таҳлил қиларкан, унинг бундайин суръатлари макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро мутаносиблиги, инфляция даражасининг пасайиши, миллий валютамизнинг барқарорлиги ва унинг харид қобилияти, экспорт ва олтин-валюта захирамизнинг ортиб бораётгани, бир сўз билан айтганда, бутун иқтисодиётимизнинг изчил тарзда ривожланаётганидан эканлигини алоҳида таъкидлайди.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ: ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар шароитида Ўзбекистон ёшларининг муҳим устувор вазифалари ва ижтимоий нуқтаи назарини аниқлаш мақсадида навбатдаги ижтимоий сўровни ўтказди. Ушбу тадбир Президент Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз ёшларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифаларнинг ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилди.

(Давоми 8-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ДОИМ УСТУВОР

Қуролли Кучларимизда олиб борилган изчил ислоҳотлар самарасини ҳар томонлама такомиллашган, замонавий техника ва қурол-яроғлар билан таъминланган, тезкор ва ихчам, профессионал миллий армиямиз қиёфасида кўрамиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишларга юксак баҳо берар экан, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш, давлатимиз сарҳадларини қўриқлаш ва ҳимоялашни кучайтириш мақсадида устувор вазифаларни белгилаб бериб, жумладан шундай дейди: «...ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

(Давоми 8-бетда).



4 ASKAR UYIGA QAYTDI

OFITSERLIK – ORZUSIDIR, UNING



10 ГЕРОИ IV ВСЕМИРНЫХ ВОЕННЫХ ИГР

«СЕРЕБРО» – НЕ ПРЕДЕЛ



11 НОВЫЕ ТРАДИЦИИ

НАГЛЯДНЫЙ ПРИМЕР



12 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

«САНЪАТ – ФИДОЙИЛИК ДЕМАК»

ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Ҳарбий қасамёд тантанаси

САДОҚАТ БАЁТИ

Ҳарбий қасамёдни бежиз садоқат баёти демаяпмиз. Негаки у шунчаки ўқиладиган матн эмас. Эр йигит юрти, халқи олдида онт ичмоқда, садоқатни, матонатни юрагининг туб-тубига жо этмоқда. Бурч деган олижаноб туйғуга ранг бермоқда, куч бермоқда.

Ҳарбий қасамёд қабул қилаётган эр йигитларга яхшилаб разм солинг. Уларнинг қарашлариданоқ сезасиз – кўксини фахр, ғурур тўлдириб турганлигини.

Ватанингга, Президентингга, халқингга тантанали қасамёд қилаётган ўғлон! Шу ондан бошлаб сенга бурч туйғуси куч берсин, қувват берсин. Содиқлик онтинг – садоқат баётинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида эзгу ишлар сари руҳлантирсин.

Қалби депсиб, кўзлари чақнаб турган йигит, сенга ишонамиз – истиқлолни, халқимизнинг тинч-фаровон ҳаётини мардонавор ҳимоялайсан, мамлакатимиз равнақи ва истиқболи йўлидаги мақсадларимизнинг, ишларимизнинг ривожига ҳисса қўшасан. Негаки юрагингда садоқат баёти бугундан эътиборан мардликни янада кучайтиради, буюк аждодлардан мерос жасоратни уйғотади.

Қасамёд қабул қилган йигит сафга қайтди. Уни кузатаман. Ўзига ишонч кучли экани қарашларидан билинади. Демакки, юрагида бир куч уйғонди. Демакки, у ватанимизда бўлаётган улкан ўзгаришлар, янгиланишлардан, истиқлол сабаб янада чирой очиб бораётган Ўзбекистонимиздан янада ғурурланади, руҳланади ва кучи, билимини шу йўлда сарфлайди.

Офицер Жўра Азизов хизмат қилаётган қисмда Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантанасида кўнгилдан шундайин фикрлар, хаёллар кечди.

Оддий аскар Аброржон Муллаев Фарғона вилоятидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган. «Бошланғич ҳарбий тайёргарлик дастури бўйича соҳа илмидан илк сабоқларни олдим. Йиғинда бизга тажрибали кичик командирлар, офицерларни бириктириб қўйишди. Шунинг учун ҳам армиямиз ҳақида кенг тасаввурларга эга бўлдик. Ҳаётимда бир умрга муҳрланиб қолувчи бу тантанага яқинларим келишган. Улар олдида ваъда бераманки, юртимга содиқ фарзанд бўламан», – дейди у.


Оддий аскар Баҳром Жабборов Қашқадарёнинг фарзанди. Муддатли ҳарбий хизматни бошлаганига бир ойдан ошди. Суҳбатлашганимизда, аввало унда миллий армиямиздан фахрланиш, ғурурланишдек туйғуларини сездик. «Ҳарбий Қасамёд тантанасига келган онам, «тўлишибсан, чиниқибсан, болам» дейди.

Она, бизга яратилган шарт-шароитлар, юксак эътибор бунга сабаб. Сизни ишонтириб айтаманки, бурчимни шараф билан ўтаб, юзингизни ёруғ қиламан, дедим». Аскарнинг ҳаяжон аралаш айтганлари шундай бўлди.

Жасорат, матонат, садоқатнинг баёти – Ҳарбий қасамёд юрагингда Ватан ҳимояси йўлидаги кучни, эзгуликларни, олижаноб туйғуларни уйғотгани рост бўлсин, мустақил Ўзбекистоннинг посбони!

Майор Сафар АЛИЕВ.
Зоҳид ТЎХТАЕВ суратга олган.





ЭР ЙИГИТЛАР ОНТИ

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли, бугун аскар бўлиш, эл-юрт корига камарбаста бўлишнинг қанчалар шараф, фахр эканлиги барчамизга маълум. Муддатли ҳарбий хизматнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб, ёшларимиз Ватан ҳимоячиси бўлиш, миллий армиямиз сафларида сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёнаётгани, уларнинг бу вазифани муқаддас бурчлари деб билганларидандир.

Сафларга яқинда келиб қўшилган ёш аскарларнинг қалбида ҳам ана шундай туйғулар жўшураётгани шубҳасиз. Бунга алоқачилар ҳарбий қисмида бўлиб ўтган Ҳарбий қасамёд тантанасида гувоҳ бўлдик. Ҳарбий қисм саф майдонини тўлдириб, бир текис тизилишган юрт посбонларига қараб кўз қувнайди. Ҳарбий қисм ҳудудида шу кун ўзгача бир манзара намоён бўлди. Тадбирга ташриф буюрган ота-оналар, меҳмонлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, қисм ҳарбий хизматчилари юзида қувонч, ҳаяжон ва фахр туйғусини кўриш мумкин.

Мана, ниҳоят орзиқиб кутилган дақиқалар етиб келди. Ёш аскарларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилишларига бағишланган тантанали маросим бошланди.

«Қасамёд қабул қилишга киришилсин» буйруғи янграгач, ҳарбий либослари ўзларига ярашиб турган аскарлар бирин-кетин сафдан шаҳдам қадамлар билан чиқиб, Президентига ва халқига садоқат ила хизмат қилишга қасамёд қилдилар.

Ҳарбий қасамёд қабул қилган фарғоналик оддий аскар Зокир Ҳакимов сафдошлари номидан сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

– Профессионал миллий армиямизга муносиб аскар бўлиш, асл ватанпарвар бўлиб, юртимиз сарҳадлари ва унинг тинчлигини ҳимоя қилиш биздек йигитларга ишонилган экан, ваъда бериб айтаманки, мен ва сафдошларим ўз лафзимизга содиқ қолиб, билдирилаётган юксак ишончни сидқидилдан оқлаймиз.

Ҳарбий қасамёддан кейин бўлиб ўтган митингни офицер Мавлон Юнусов кириш сўзи билан очди. У ёш посбонларни ва уларнинг яқинларини бугунги унутилмас тантана билан табриклаб, Ҳарбий қасамёднинг эр йигит учун муқаддас туйғу, шарафли бурч эканлигини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг сўзга чиққан офицерлар Ўктам Аҳмедов, Акбарали Усмонов, туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Пўлатова, туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари вакиллари, маҳалла раиси Эдуард Каграмонов ҳамда ёш аскарларнинг ота-оналари ҳам йигитларни бугунги тантана билан табриклаб, ўзларининг самимий тилакларини билдиришди.

Икки азамат ўғлининг, яъни Ҳасан ва Ҳусан Набиевларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантанасига узоқ Наманган вилоятидан ташриф буюрган Манзура Раҳимова ўз ҳаяжонларини яшира олмасдан, қуйидаги дил сўзларини билдирди:


– Менинг қалбимда бугун ўзгача бир қувонч, ажиб бир ҳис, ҳаяжон бор. Камдан-кам оналарга насиб қиладиган эгизак фарзандларим дунёга келганда барча оила аъзоларимиз билан қувонгандик. Буни қаранг, менинг ўғлонларим ҳам ҳақиқий эр йигитлар бўлиб, эл- юрт, Ватан тинчлиги йўлида хизмат қила оладиган, мардлар сафидан жой олиб туришибди. Бу менга фақатгина фахр, ғурур бағишлайди. Уларга қараб, кўзим қувнайди, ҳарбий либослари бирам ўзларига ярашиб турибдики, бирор сўз айтишга лолман.

Митингдан сўнг, ота-оналар ва меҳмонларга ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар кўргазмаси ташкил қилинди. Шунингдек, аскарларнинг кундалик истеъмол қиладиган таомлари, витаминларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда уларнинг яшаш шароитлари билан яқиндан таништирилди.

Ёш аскарларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантаналари катта байрамга айланиб кетди.

Ишончимиз комилки, бу азамат ўғлонлар ўз қасамёдларига доимо содиқ бўлиб, Ватанимиз осудалиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши йўлида ҳақиқий ватанпарвар посбон бўлиб хизмат қиладилар.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.



23 ДЕКАБРЯ – ВЫБОРЫ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ЗАКОННЫМ ПРАВОМ ВОСПОЛЬЗУЕТСЯ КАЖДЫЙ

Конституция Республики Узбекистан признает за каждым гражданином нашей страны право участвовать в управлении делами общества и государства. В эти дни военнослужащие наших Вооруженных Сил готовятся принять самое активное участие в предстоящих выборах Президента Республики Узбекистан. Недавно наши корреспонденты побывали на одном из избирательных участков, где ознакомились с ходом подготовки к выборам.

– На нашем избирательном участке создан информационный стенд для избирателей, где каждый желающий может познакомиться с биографиями и предвыборными программами кандидатов в Президенты Республики Узбекистан, – говорит председатель избирательной комиссии офицер Икром Хикматов. – С учетом особенностей нашего учреждения на избирательный участок в день голосования придут не только военнослужащие, которые проходят здесь службу, но и вместе с ними будут голосовать и те, кто находится на стационарном лечении в медицинском учреждении. Для тех же лиц, которым будет предписан постельный режим, предусмотрены переносные урны. Члены избирательной комиссии участка непременно прибудут к ним непосредственно в отделения.

– Я впервые буду принимать участие в выборах Президента Республики Узбекистан, – говорит рядовой Уктам Раджабов. – За годы независимости в нашей стране осуществлены значительные преобразования. Ощутимо вырос уровень жизни народа. Последовательно развивается экономика, активно ведется реформирование общественно-политической сферы. Углубляются процессы модернизации и демократизации страны, либерализации экономической и политической жизни. Впервые в истории нашей Родины сформирован профессиональный двухпалатный парламент. Участие всех политических партий страны в выборах Президента Республики Узбекистан, которые состоятся 23 декабря 2007 года, свидетельствует об углублении демократических реформ. Поэтому я обязательно воспользуюсь своим конституционным правом выбора Президента Республики Узбекистан, проголосую за продолжение позитивных преобразований.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**



СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Барпо этилаётган иншоотларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш изчил амалга оширилмоқда. Республикамизда янги қурилган спорт мажмуалари, мактаб спорт заллари ва бошқа болалар спорт иншоотлари учун замонавий спорт жиҳозларини хориждан келтириш кўп жиҳатдан ўзини оқламайди. Шу боис зарур спорт инвентарларини юртимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Давлатимиз раҳбари юртимизда тайёрланаётган спорт жиҳозларининг сифат кўрсаткичлари ягона ва мустаҳкам тизим асосида яратилиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратиб келади. Ўтган даврда бу борада, илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, сифатли маҳсулотларни маҳаллий шароитда тайёрлаш амалиёти кенг жорий этилди.

Замонавий корхоналаримизда сифатли болалар спорти жиҳозларини кенг кўламда ишлаб чиқариш имкониятлари чуқур ўрганилиб, янги қурилган болалар спорти иншоотларини жиҳозлаш учун тавсия этиладиган спортнинг ҳар бир тури бўйича энг қулай ва мақбул жиҳозлар каталоги яратилди. Шу асосда 55 корхонада болалар спорти объектларини жиҳозлаш учун зарур 120 хил инвентардан 118 хилини ўзимизда тайёрлаш йўлга қўйилди.

– Олдимизда турган муҳим масалалардан бири ана шу маҳаллий корхоналарда тайёрланадиган спорт ускуна ва анжомлари, спорт кийимлари ва жиҳозларининг жаҳон андозалари талабларига тўла мос бўлишига эришишдир, - деди Президент. – Шу мақсадда ушбу спорт жиҳозлари ва анжомларининг сифатини баҳолайдиган махсус комиссия тузиш даркор.

Юртимизда спортнинг оммавий, шу жумладан, футзал, аёллар футболи, синхрон сузиш каби янги турлари изчил ривожланмоқда. 2003 йилда болалар секциялар ва клубларда спортнинг атиги 8 тури билан шуғулланган бўлса, эндиликда замонавий спорт залларимизнинг жиҳозланиш даражаси спортнинг 23 тури билан шуғулланиш имконини яратмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш борасидаги эзгу ташаббус, хайрли ишлар ўз самарасини бермоқда. Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги замонавий спорт иншоотларида, турли спорт секциялари ҳамда клубларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ёшларнинг сони тобора ортмоқда..

Ўтган беш йил мобайнида 140 нафар ёш спортчи халқаро тоифадаги спорт устаси, 569 нафари – спорт устаси, 7380 нафари спорт усталигига номзод унвонини қўлга киритгани бу соҳадаги муҳим кўрсаткичлардандир.

Энг муҳими, бу жараёнлар, бир томондан, мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, Ватанимиз спортчилари халқаро спорт мусобақаларида шоҳсупанинг юқори поғоналаридан жой олиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришларида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Жорий йилнинг ноябрь ойида навқирон спортчиларимиз ўзларининг дунё спорт майдонларида қозонган қатор ғалабалари билан юртдошларимизнинг қалбига катта қувонч, фахр ва ифтихор туйғуларини олиб кирди. Хусусан, АҚШнинг Чикаго шаҳрида бокс бўйича ўтган жаҳон чемпионатида бухоролик Аббос Атоев жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси эса футбол бўйича 2008 йили бўладиган Осиё чемпионати саралаш мусобақаларини муваффақиятли якунлаб, финал босқичига йўлланма олди.

– Спорт фарзандларимизнинг иродасини тоблайди, қалбида ўз халқи, юрти билан фахрланиш туйғуларини мустаҳкамлайди,– деди Президентимиз Ислом Каримов. – Зеро, фахру ифтихор инсон учун ўзининг юксак мақсадларига эришишда катта таянч ва мадад бўлади.

Болаларни спортга кенг жалб этишда жойларда ўтказилаётган мусобақаларнинг аҳамияти катта. Ўқувчи-ёшлар иштирокидаги "Алпомиш – Барчиной", "Қувноқ стартлар", "Соғломжон – полвонжон", "Умид ниҳоллари", "Ёзги таътил" каби спорт мусобақалари, Жамғарма соврини учун футбол, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, спорт ва бадиий гимнастика, акробатика, сузиш, шахмат, шашка, стол тенниси бўйича ўтказилаётган беллашувлар яхши самара бераётир.

Юртбошимиз қишлоқ мактабларида спортни ривожлантиришнинг бугунги аҳволи ва истиқболига атрофлича тўхталди.

– Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини болалар, ёшлар ташкил этади. Уларнинг асосий қисми эса қишлоқларда яшайди. Биз бугун кўпроқ қишлоқ болалари ҳақида қайғураётганимиз ўз самарасини бермоқда, – деди Юртбошимиз. – Мактаблар қуриш, таъмирлаш, умуман мактаблар фаолияти билан шуғулланиш 3-4 йиллик иш эмас, балки доимий, узлуксиз жараёндир.

Ҳар қандай муаммога мантиқий нуқтаи назардан ёндашмай туриб, ечим топиш мушкул. Жумладан, ўзбек қизларини спортга жалб этишдан олдин, масаланинг нозик жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш лозим. Аввало, спортнинг ҳамма тури ҳам халқимизга, айниқса, иффатли ва иболи қизларимизга тўғри келавермайди. Шу маънода кейинги йилларда чекка қишлоқларда ҳам спортнинг нафис тури бўлган бадиий гимнастика ва спорт гимнастикаси изчил ривожланаётгани таҳсинга сазовор. Бунда Ўзбекистон Бадиий гимнастика федерациясининг ёрдами катта бўлаётир. Ҳозир жойларда спортнинг мазкур тури билан 7 мингга яқин қиз мунтазам шуғулланмоқда.

Мактабларда болалар спортини ривожлантиришда мутахассис ўқитувчи-мураббийларнинг алоҳида ўрни бор. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 25134 нафар жисмоний тарбия ўқитувчисининг салмоқли қисми олий маълумотлидир.

Юртбошимиз уқтирганидек, шаҳар ва қишлоқларимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун тегишли шарт-шароит яратиш болалар спорти мураббийларини, хусусан, хотин-қиз мураббийларни тайёрлаш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Шу маънода Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига 2006-2008 ўқув йилларида 436 нафар қиз ўқишга қабул қилингани эътиборга лойиқдир.

Президентимиз яна бир муҳим масалага эътиборни қаратди. Жойлардаги мутасадди раҳбарлар, аввало Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари мактабларда спортни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларни самарали ҳал этиш наинки ижтимоий, балки давлат аҳамиятига молик сиёсий масала эканини янада теранроқ англамоғи даркор.

Ҳар бир раҳбарнинг асосий вазифаси – мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатни, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларимизни чуқур англаб етиш, одамларимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит, шу жумладан спорт билан шуғулланиш учун зарур имкониятлар яратишдан иборат. Зеро, спорт билан машғул бўлиш маънавий юксалишнинг муҳим мезонларидандир.

Йиғилишда қайд этилганидек, Болалар спортини ривожлантириш дастурини бажаришда муайян камчиликлар ҳам мавжуд. Айрим вилоятлардаги қурилиш ташкилотлари спорт иншоотларини қуриш нархларини ошириб, фойдаланишга топшириш муддатини асоссиз равишда чўзиб юбормоқда.

Сирдарё, Тошкент, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида эса спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш, спорт секциялари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, бунда қизларни спорт машғулотларига кенгроқ жалб этиш борасида сусткашлик кўзга ташланмоқда. Баъзи ҳудудларда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича малакали тиббиёт ходимлари, мураббийлар, айниқса, аёл мураббийлар етишмайди.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларни спортга жалб этиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Ҳар бир Меҳрибонлик уйи ўзи жойлашган ҳудуддаги тегишли спорт мактабига бириктириб қўйилмоғи даркор. Қишлоқ мактабларида ўқийдиган қизларни, кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандларини спорт машғулотларига фаол ва мунтазам жалб этиш масаласи ҳам доимий эътиборни талаб этади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов, Н.Хонов, иқтисодиёт вазири Б.Хўжаев, халқ таълими вазири Т.Жўраев, халқ таълими вазирининг ўринбосари – Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Очилов, Навоий кон-металлургия комбинати бош директори Н.Кучерский ва баъзи вилоятлар ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Гулом МИРЗО,
ЎзА мухбири.

ВАТАНГА ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

Конкурс на звание лучшего специалиста по профессии

ТРЕТИЙ ФИНАЛ КАПИТАНА ХАМИДОВА

Во всех округах под знаком высокой активности личного состава прошли окружные туры смотра-конкурса на звание лучшего специалиста по профессии. Вот и в Ташкентском военном округе определены победители и призеры. Отрадно, что третий год подряд примет участие в решающем, республиканском туре и капитан Анвар Хамидов. В минувшем году он был признан победителем в номинации «Лучший командир взвода».

В этом году компанию офицеру Хамидову составят капитан Бахром Кулматов и старший лейтенант Зафар Нигматов, набравшие наибольшую сумму баллов вслед за ним. Капитану А. Хамидову на окружном этапе было под силу обойти товарищей из других частей, а вот каким будет исход финального тура, читатели узнают уже в декабре.

Однако преемственность традиций, когда капитану А.Хамидову удается второй год подряд удостоиться чести стать лучшим командиром взвода, на нем и заканчивается. Кстати, еще раньше молодому офицеру удавалось становиться лучшим в финале и в номинации «Лучший командир группы».

В номинации «Лучший командир батальона» сильнейшим стал офицер Анвар Джаббаров, а конкуренцию в финале ему составит офицер Собиржон Абдураимов.

Номинация «Лучший командир группы» представлена капитаном Нурулло Саидкасымовым, старшим лейтенантом Санжаром Рузиевым и лейтенантом Мехрожем Восеевым.

В соперничестве на звание «Лучший сержант» младшим сержантам Илхому Турсунову и Жасуру Холдорову достойно противостоял курсант третьего курса ТВОКУ младший сержант Азамат Фозилов. Независимо оттого, примет он участие в финале или нет, этот успех на окружном этапе смело можно заносить в актив будущего офицера.

В праздничном поздравлении защитникам Родины Президентом Республики Узбекистан, Верховным Главнокомандующим Вооруженными Силами Исламом Каримовым дана высокая оценка этому традиционному конкурсу: **«Главными целями всей этой работы являются создание в войсках атмосферы состязательности в поддержании высокого уровня боевой готовности и профессионализма, воинской дисциплины, развитие у военнослужащих лидерских качеств, формирование здоровой духовно-нравственной обстановки в воинских коллективах».** Одним словом, победители выявлены, но проигравших здесь нет, ведь в итоге вырос уровень профессионального мастерства всех участников конкурса.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.

«Энг илғор мутахассис» танлови

МАҲОРАТ ЮКСАЛАР, БУНДА

Ватан меҳри, Ватан ишончи уларни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Уларни фақат ҳис қилиш мумкин. Ватан чорловига муносиб жавоб бериб, эл-юрт корига камарбаста бўлиб келаётган ҳарбий ўғлонларимиз қалбида эса бу туйғулар доимо жўш уриб туради.

Маълумки, жанговар шайликни оширишда ҳарбий хизматчиларнинг юксак маҳорати, малакаси, тажрибаси ҳамда ҳарб илми бўйича эгаллаган билимлари муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз ташаббуси билан Қуролли Кучлар бўйича ташкил этилган «Энг илғор мутахассис» танлови ҳарбийларимизнинг ҳар томонлама профессионаллашувида катта ўрин тутмоқда. Йилдан-йилга танловда иштирок этаётганлар сони кўпайиб бормоқда. Бу эса танловнинг янада юқори савияда ўтишини таъминламоқда. Танловдан кўзланган асосий мақсад ҳам Қуролли Кучларимиз жанговар қудратини, посбонлар ҳарбий маҳоратини оширишдан иборатдир.

Шу кунларда барча округларда танловнинг иккинчи босқичи ўз ниҳоясига етиб, ғолиблар республика босқичига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Жумладан, Марказий ҳарбий округда танлов юқори савияда ўтказилиб, барча номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

– Танловнинг биринчи босқичи ҳарбий қисм ва гарнизонларда ўтказилиб, унда ғолибликни қўлга киритган посбонлар округ миқёсида бўлиб ўтган иккинчи босқичда ўз маҳоратларини намоён қилишди, – дейди офицер Зокир Жўраев. – Танлов қизғин курашлар остида ўтди. Чунки посбонларнинг барчаси ўз соҳалари бўйича етук мутахассисдирлар. Уларнинг ҳаракатларига, тезкорлиги ва билимдонлигига қараб, фахрни, ғурурни ҳис қиласан, киши. Ҳа, бизнинг посбонларимиз маҳоратда, билимда ҳеч кимдан кам эмаслар, мен танлов давомида шунга тўлиқ амин бўлдим.

Танлов иштирокчилари шахсий таркиб билан ишлаш, жисмоний тайёргарлик, отиш, тактик машғулотлар, Умумҳарбий низомлар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ҳамда мутахассисликлари бўйича тест ва амалий синовлардан муваффақиятли ўтишиб, илғорлар сафидан жой олишга ҳаракат қилишди.

Танловнинг якуний натижаларига кўра, «Энг илғор батальон командири» номинациясида биринчи ўрин офицер У.Тошевга насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни офицерлар – З.Назаров ва Ф.Раҳмонқуловлар қўлга киритишди.

«Энг илғор взвод командири» номинациясида эса, офицерлар – Б.Қосимов(1-ўрин), Т.Ҳамроев(2-ўрин), О.Мақсудов(3-ўрин)лар сазовор бўлишди. «Энг илғор гуруҳ командири» номинациясида ғолиблик офицерлар – А.Ҳамдамов(1-ўрин), Ш.Умаров(2-ўрин), Б.Тўхтаназаров(3-ўрин)ларга насиб этди.

– Барча эришаётган муваффақиятларим аҳил ҳарбий жамоамизнинг хизматлари деб биламан, – дейди офицер А.Ҳамдамов. – Ушбу танлов мени ўз соҳам ва мутахассислигим бўйича қай даражада билимга, маҳоратга эга эканлигимни кўрсатиб берди. Устоз офицерлардан ўрганган билимларим зое кетмабди. Албатта бу билан чекланиб қолмасдан ўз устимда янада кўпроқ ишлаб, ҳар томонлама етук юрт посбони деган номга лойиқ бўлишга ҳаракат қиламан.

«Энг илғор сержант» номинациясида кичик сержант Х.Маматкаримов биринчи ўринга муносиб деб топилди. Шунингдек, кичик сержантлар – С.Салимов(2-ўрин), Ж.Саъдиев(3-ўрин)лар ҳам касбий маҳорат бобида нималарга қодир эканликларини намойиш қилишди.

Ҳа, профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз сафлари ҳар томонлама етук, ўз соҳасининг асл билимдони бўлган, ҳақиқий ватанпарвар, шарафли ва масъулиятли касбни ўз ҳаётларининг мазмуни, деб билган Ватан ҳимоячилари билан тўлиб бормоқда. Шуни фахр билан таъкидлаш лозимки, мазкур танлов юрт ҳимоячиларининг юксак ҳарбий, касбий маҳоратга, мустаҳкам иродага, ўз халқига, Ватанига садоқатли ва матонатли посбон бўлишдек олижаноб туйғуга эга бўлишларида муҳим омил бўлиб келмоқда.

Нозим АҲРОРОВ.

ЕТУК САРДОРНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИ

Кексаларимизнинг гапларига қулоқ тутсангиз, улар доимо дуога қўл очганида сўзининг аввалида «Юртимиз тинч бўлсин», деган иборани ишлатишади. Бу албатта бежиз эмас. Оддийгина, уч сўздан иборат ушбу жумла орқали миллатимизнинг, халқимизнинг тинчликпарварлигининг бир намунасини кўришимиз мумкин. Ўз ўрнида миллий истиқлол ғоясининг муҳим тамойилларидан бири – бу юрт тинчлигини, осойишталигини таъмин этишдан иборатдир. Сабаби барчамизга бирдек аъён. Чунки, сизу биз яшаб турган ушбу замин тинчлиги қанчалик барқарор бўлса, ўша ерда тараққиёт бўлади. Ҳа, тинчлик бу бебаҳо неъмат, улуғ бир саодатдир. Ўз навбатида халқимизнинг тинч, осойишта яшаши, Ватанимиз, юртимиз тақдири миллий армия билан чамбарчас боғлиқ. Агар армиямиз қанчалик мустаҳкам бўлса, юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон бехавотир, тинч умргузаронлик қилиши мумкин. Ушбу мақоламизда юртимиз осмонининг мусаффолигини таъминлашда ўзининг шарафли хизмати билан кўпчилик сафдошларига намуна бўлиб келаётган офицер ҳақида ҳикоя қиламиз.

Майор Иброҳим Турсунов миллий армиямизнинг дастлабки кунларида сафларга қўшилган мутахассис кадрлардан саналади. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тугатган йигит жанговар сафларда ўз тажрибасини ошириш баробарида юртимиз осойишталиги йўлида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айни пайтда офицер Бахтиёр Солиев хизмат қилаётган ҳарбий жамоанинг етакчиларидан бири бўлган Иброҳимнинг сафдошлари орасида ўз ўрни бор.

– Қуролли Кучларимизни шакллантиришда билимдон, ўз касби сир-асрорларини мукаммал даражада эгаллаган ҳарбийларнинг алоҳида ўрни бор, – дейди биз билан суҳбатда офицер Евгений Чиботару. – Мана шундай етук офицерлардан бири Иброҳим Турсунов ўзининг фидокорона хизматлари билан буни амалда исботлаб келмоқда. Айни пайтда ушбу тажрибали офицердан кўплаб ёшлар ўрнак олса арзийди.

Тоғли қишлоқдаги аҳоли пунктларидан бирини шартли душман эгаллаб олганлиги ҳақидаги хабар етиб келди. Ушбу хавфни бартараф этиш ҳамиша вазиятни тўғри баҳолаб, ҳар қандай шароитда ҳам ўз малакасига таяниб, иш кўрадиган офицер Иброҳим Турсуновга топширилди. Тажрибали офицер бир зумда қўл остидагиларни атрофига йиғиб, вазиятни тушунтирди. Мавжуд хавфдан огоҳ бўлган посбонлар ўзларига тегишли бўлган позицияларни эгаллаб «жанг»га киришди. Қисқа фурсатда жанговар вазифани аъло даражада уддалаган ўғлонлар ўзларига билдирилган ишончни оқлашди.

Бу дала-ўқув машғулотларидан бир лавҳа эди. Ҳар доим юксак чўққиларга интилиб келган офицер Турсунов етакчилигидаги ҳарбий жамоа шунқорларининг маҳорати бу гал ҳам юқори баҳоланди. Зеро, улар бундан-да қийинроқ ва қалтисроқ вазиятларда ҳам ўз вазифаларини муваффақиятли амалга оширишган.

– Жамоанинг ҳар бир ютуғида посбонларнинг якдиллиги муҳим роль ўйнайди, – дейди биз билан суҳбатда офицер Турсунов. – Уюшқоқлик, ҳар қандай мураккаб вазиятда аниқ ҳаракат қилиш, буйруқ ва кўрсатмаларни белгиланган муддатда бажариш жамоамизнинг ҳар бир посбонига хос фазилатдир. Айниқса, шартнома бўйича хизматчилар Адҳам Холматов ҳамда Саодат Барноеваларнинг маҳоратини алоҳида эътироф этмоқ лозим.

Офицер Турсунов ўз касбининг масъулиятини чуқур ҳис қилади. Шу пайтга қадар унинг қўл остидаги жанговар техникалар бирон марта панд бермаган. Автомобилларни техник назоратдан ўтказиб, уларнинг камчиликларини ўз вақтида бартараф этиб келаётган командирнинг қўл остидаги қудратли техникалар доимо жанговар шай ҳолатда эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Юрт осойишталиги йўлида югуриб елиб, ҳамиша ўқув машғулотларида етакчиликка интилиб келган офицер Иброҳим Турсуновнинг фидокорона хизматлари муносиб тақдирланган. Унга Президентимиз Фармонига кўра 2001 йили, истиқлолимизнинг ўн йиллиги арафасида «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 10 йил», 2006 йил эса «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» кўкрак нишонларининг берилиши Иброҳимни янада руҳлантирди. Бундай эътибордан янги куч-ғайрат олган етакчи ўз маҳоратини тобора сайқаллаб, миллий армиямиз тараққиётига ўз улушини қўшиб келмоқда.

Комилжон ҲАСАНОВ.

2007 – 2008 ЎҚУВ ЙИЛИ ШИОРИ:

«Ҳарбий ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлиш, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини, Ватан сарҳадларининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, ҳарбий техника ва қурол-яроғлардан самарали фойдаланиш борасидаги кўникмалар ва касбий билимларни такомиллаштириб бориш, ҳарбий-техник мулкни асраш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи».

●

ДЕВИЗ 2007 – 2008 УЧЕБНОГО ГОДА:

«Быть активным проводником военных реформ, надежно защищать мир и спокойствие граждан, неприкосновенность рубежей Родины, совершенствовать навыки и профессиональные знания по эффективному применению военной техники и вооружения, сбережение военно-технического имущества – долг каждого военнослужащего».

Сержантлар тайёрлаш мактабларида

ПРОФЕССИОНАЛ ПОСБОНЛАР

Яқинда офицер Назиржон Саидов хизмат қилаётган сержантлар тайёрлаш мактабида навбатдаги битирувчиларга сертификат ва унвон бериш тантанаси бўлиб ўтди.

Битирувчилар бир қатор мутахассисликлар бўйича малакали устоз-офицерлардан таълимнинг янги дастури асосида таълим олишиб, ўз билим ва маҳоратларини янада оширишди.

Курсантларга ҳужжатлар тантанали равишда топширилганидан сўнг бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан офицерлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ва меҳмонлар ҳам кичик командирларга улкан парвозлар тилашиб, миллий армиямиз сафлари мана шундай юксак салоҳиятли ва профессионал кадрлар билан тўлиб бораётганини алоҳида таъкидлашди.

Дилшод Темиров, Муқаддас Холмуҳаммедова, Шерзод Турсуналиев, Турсунмурод Сангинов, Юсуф Эргашев каби ўнлаб битирувчилар мактабни имтиёзли ҳужжат билан тугатишди.

Ҳа, бугунги битирувчилар ҳарбий касбни шарафли билиб, замон талабига монанд, олға қадам ташлаётган қалби қайноқ посбонлардир. Уларнинг келажакда профессионалликнинг янги-янги чўққиларини забт этишларига ишончимиз комил.

Аҳрор НУРБЕКОВ.

ЁВҚУР СЕРЖАНТ

Қуролли Кучларимиз бугун ўз қудрати билан халқимиз осойишталиги, мустақиллигимиз, тинчлигимиз барқарорлигини асрашга қодир метин қалқондир. Бугун соҳадаги ислоҳотлар самарасини ҳар қадамда ҳис қилиш мумкин. Сержантликнинг муҳим касбга айлангани, уларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликлар шулар сирасидан. Шу ўринда Юртбошимизнинг ушбу сўзларини эслаш кифоя: «Бугун сержантлар таркиби армиямизнинг том маънода таянч устунига айланганки, улар аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашимиз лозим».

Ҳа, айни дамда Қуролли Кучларимизнинг асосий негизини ташкил этаётган сержантлар шахсий таркиби, сержантлар тайёрлаш мактабларининг фаолияти ва нуфузи хусусида ижобий фикрлар билдиришга ҳақлимиз. Сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган лавҳамиз қаҳрамони ҳам мана шу оловқалб сержантлар сафидан муносиб жой эгаллаган ўғлонларимиздан бири.

Ижодий сафарда бўлганимизда қисм командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Акмалжон Жумабоев ҳақида илиқ фикрлар билдириб, мақоламизга муносиб қаҳрамон бўлишини таъкидлаб ўтди. Аълочи посбон билан суҳбатимиз жуда самимий кечди.

Акмалжон Наманган ўғлони. У вилоятнинг энг сўлим гўшаси бўлмиш Чортоқ туманида вояга етган. 2001 йилда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг автомобилчилар тайёрлаш мактабида таҳсил олган йигит муддатли хизматни намунали тугаттач, ҳарбий касбга бўлган ҳурмат ва иштиёқи инобатга олиниб 2002 йилда Сержантлар тайёрлаш мактабига юборилди. Назарий ва амалий билимлар жараёни Акмалжонни ёвқур сержантлар сафидан жой эгаллашига замин яратди. Шундай қилиб йигитнинг ҳаёти Ватан илк босқичининг ҳимоясига масъулликнинг бедор онларига уланди. У ўз вазифасини сидқидилдан бажаришга, намунали хизмат қилишга интилиб турғани боис қўмондонлик томонидан кўп бора рағбатлантирилди. 2005-2006 йилларда «Энг илғор мутахассис» танловининг биринчи босқич ғолиби бўлган қаҳрамонимиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг дипломини олишга сазовор бўлган аълочи посбонлардан. Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларидаги фаоллиги учун эса у «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Кўриб турганингиздек, Акмалжон Жумабоевнинг эришган ютуқлари ҳақида узоқ тўхталиш мумкин. Хўш, унинг ўзи танлаган касби ҳақида қандай фикрда:

– Ҳар бир йигит болалик чоғлариданоқ аскар бўлишни орзу қилади, – дейди намунали кичик сержант суҳбат жараёнида. – Чунки йигит киши учун ҳаёт мактабида тобланиш катта шараф. Ҳарбий хизматга умрини бахшида этиш, касб сифатида эъзозлаш эса барчага ҳам насиб этавермайди, албатта. Шунинг учун мен танлаган касбимдан фахрланаман. Хизмат сирларини эгаллашимда катта таянч бўлган устозларим катта лейтенант Рустам Валиев, шартнома бўйича хизмат сержанти Оқилжон Холмуродовлардан миннатдорман. Дўстларим шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Олим Умеров, Ҳасан Чориев, Жўрабек Жўраев ва Абдуҳаким Маматовлар билан ўзаро мусобақадошмиз ва доимо олдинги сафда бўлишга ҳаракат қиламиз. Мақсадим касбимга садоқатли бўлиб, ҳаётда ўз ўрнимни мустаҳкам эгаллаш ва албатта ота-онамга муносиб фарзанд бўлиш.

Акмалжоннинг командирлари унинг отиш тайёргарлиги бўйича эришган ютуқлари ва спортнинг қўл жанги ва каратэ турлари билан шуғулланиши хусусида ҳам тўхталиб ўтишди.

Ота-оналари Аҳмаджон ака ва Комилахон опалар эса бағирларидан йироқда хизмат қилаётган ўғилларига дуолар улашиб, «бошини икки» қилиш учун ҳаракат қилишаётган бўлса ажабмас. Биз эса унинг орзуларига рўёб, жанговар хизматига омад ёр бўлсин деймиз.

Зулфия НОСИРОВА.



POSBON BO‘LAR YIGITNING MARDI

Ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotida

YURT ISHONCHIN OQLAGIN, O‘G‘LON!

Qurolli Kuchlarimiz saflarida xizmat qilayotgan har bir posbonning ma‘naviy tarbiyasi yuksak darajada shakllangan bo‘lib, o‘zini yurt taqdiri uchun mas’ul deb bilishi hamda bu kabi tushunchalarni shakllantirish borasida qism va bo‘linmalarda ishlarning to‘g‘ri yo‘lga qo‘yilishi bugunning asosiy talablaridandir. Aynan shunday tadbirlarni hayotga keng tadbiq etish va yanada rivojlantirishda ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlari salmoqli o‘rin tutadi.

Ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlari yurt himoyachilarining tarbiyaviy soatlaridir. Bunday mashg‘ulotlarda posbonlar chinakam vatanparvarlikni o‘rganadi, ona diyorimizga, bunyodkor xalqimizga va eng asosiysi, barchamiz uchun bebaho ne’mat bo‘lgan muborak istiqlolga hamisha sodiq bo‘lib xizmat qilishdek ulug‘vor maqsadni qalblariga jo aylaydi. Bir so‘z bilan aytganda, mazkur tayyorgarlik soatlarida har bir posbon ta’lim-tarbiya oladi, mas’uliyat hissini teran tushunib etadi va shuning barobarida dunyo voqealaridan ham xabardor bo‘ladi. Bundan esa ko‘rinadiki, tarbiya ishi barcha zamonlarda ham eng muhim vazifa sifatida qaralgani bejizga emas.

Prezidentimiz tarbiya ishining dolzarbligi borasida shunday deydi: «Barcha bo‘g‘indagi komandirlarning eng muhim vazifasi – armiyadagi tarbiyaviy ishlarni yanada takomillashtirish, har qaysi harbiy xizmatchi ongida mamlakatimiz taqdiri uchun chuqur mas’uliyat tuyg‘usini mustahkamlash, ularda yuksak ma’naviy va axloqiy fazilatlarni tarbiyalash, faol hayotiy pozitsiyani shakllantirish, vatanparvarlik hissiyotini kuchaytirishdan iborat ekanini yaxshi anglab olishimiz zarur».

Tarbiya masalasining dolzarbligi haqida ortiqcha izohga hojat yo‘qligini bizningcha, zukko mushtariylar allaqachon anglab oldilar. Biroq oldinda belgilab berilgan vazifalarni amalga oshirishdek yuksak vazifa turibdi. Keling, bu borada saf va bo‘linmalarimizda olib borilayotgan ishlar xususida qisqacha ma’lumot berib o‘tamiz.


– Posbonlarimizning tayyorgarliklarini yuksak saviyaga ko‘tarish va ularning intellektual salohiyatlarini o‘stirishda ularga beriladigan ma’naviy-ma’rifiy bilimlar, aniqrog‘i ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlarining o‘rni muhimdir, – deydi tarbiyachi ofitser Shuhrat Yusupov. – Ushbu masalaning hamisha dolzarb ekani e’tiborga olinib, mashg‘ulotlarda bunga alohida e’tibor beriladi. Ofitserlar o‘z qo‘l ostidagilarga mashg‘ulot o‘tishga puxta tayyorgarlik ko‘radilar. Mavzuga mos adabiyotlar, ommaviy axborot vositalari nashrlaridan keng foydalaniladi. Kutubxonadagi shu sohaga doir qo‘llanmalar posbonlarga yetkaziladi. Bundan tashqari ko‘rgazmali vositalar, jumladan, video yoki o‘quv filmlari ham namoyish etiladi. Maqsad, mavzuning posbonlarga har tomonlama tushunarli bo‘lishini ta’minlashdir.

Ofitser Ramz Imomov muddatli harbiy xizmatchilarga ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotidan saboq berayotgan o‘quv sinfiga kiramiz. Mashg‘ulot mavzusi “Davlat siri va harbiy sirni saqlash, davlat mulki va harbiy mulklarni asrab-avaylash har bir harbiy xizmatchining burchi” deb nomlanadi.

– Bugun yurtimizda Prezidentimiz rahbarligida Qurolli Kuchlarni isloh etish borasida muhim ishlar qilinmoqda. Ya’ni armiyani takomillashtirish, zamonaviy qurol-yarog‘ va jangovar texnikalar bilan ta’minlash barobarida posbonlarning bilim-mahorati, intellektual salohiyatini yuksaltirish, ta’lim-tarbiyani tubdan yaxshilashga qaratilgan tadbirlar hayotga keng joriy etilayotgani ana shunday ezgu sa’y-harakatlar sirasidandir. Bugun istiqlol sharofati bilan yurtimiz yanada ko‘rk ochgan. Hamma joyda yaratuvchanlik nafasi, bunyodkorlik hissi barqaror. Ana shu betakror go‘zallikni, xalqimizni, muqaddas ona Vatanimizni yot nigohlardan asrash har bir O‘zbekiston fuqarosi, avvalo biz posbonlarning muqaddas burchimizdir. Buni har bir harbiy xizmatchi ongli ravishda tushunib yetishi, qalban his etishi shart. Ana shunda uning qalbida chinakam vatanparvarlik tuyg‘usi shakllanadi, yurtga mehr, sadoqat hislari yuragida jo‘sh uradi. Bu holat uning kuchiga kuch, g‘ayratiga g‘ayrat qo‘shadi. Bunday posbonni esa aslo yengib bo‘lmaydi. Egniga harbiy libosni kiygan har bir yurt himoyachisi buni yaxshi anglab olishi kerak. Mana, yangi o‘quv mavsumini boshlash arafasidamiz. Bu posbonlar uchun o‘ziga xos jiddiy sinovlar davridir. Menimcha, ayni lahzalarda har bir harbiy xizmatchi egallagan bilimlarini takrorlab, o‘zini o‘zi imtihon qilsa, yomon bo‘lmaydi. Zero ortda qolgan mavsumda ulgurmaganlarimizga bu safar erishishimiz shart, – dedi ofitser so‘zi avvalida. Shundan so‘ng mavzu yuzasidan tegishli ma’lumotlarni etkaza boshladi.

Mashg‘ulot davomida har qanday holatda ham oshkor etish mumkin bo‘lmagan muhim sir mustahkam saqlanishi va uni saqlay bilish harbiy xizmatchi uchun yuksak sharaf ekani posbonlarga yetkazildi. Fikr yuzasidan qator misollar keltirilib, tushunchalar kengaytirildi. Oqibatlar haqida mulohazalar bayon etildi. Shuningdek, harbiy xizmatchining qurol va jangovar texnikalardan mahorat bilan foydalanib, ularni doimo asrab-avaylashi muhim talablardan sanalishi, bulardan tashqari posbon xizmatning ilk kunidan boshlab barcha turdagi harbiy va davlat mulklariga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo‘lishi shart ekani ta’kidlandi.

– Bugungi mashg‘ulotdan juda ko‘p kerakli ma’lumotlar oldim, – deydi oddiy askar Asror Safarov. – O‘rganganlarim xizmatim davomida asqotishiga shubha yo‘q. Vatan bizga ishonch bildirgan, qo‘limizga qimmatbaho qurol va jangovar texnikalarni ishonib topshirgan. Biz ularga do‘stimizdek munosabatda bo‘lishimiz kerak. Chunki ular bizga doimiy hamrohdir. Agarda yaxshi qarab, ehtiyotkorona munosabatda bo‘lsak, yaxshi qaralgan qurol hamda jangovar texnika zarur paytda pand berib qo‘ymaydi. Bu esa o‘z navbatida g‘alaba demak, shu bilan birgalikda mulkka nisbatan ham ehtiyotkorona munosabatda bo‘linmoqda.



Darhaqiqat, tegishli nizom qoidalarida «Harbiy xizmatchi o‘ziga ishonib topshirilgan qurol-aslaha va harbiy texnikani bilish va ishlatishga, doimiy shaylikda saqlashga, harbiy mulkni asrashga majburdir», deyiladi. Demak, mazkur vazifani ado etish qat’iy talab degani. Shu bois xizmatni endi boshlagan yosh posbonlarni harbiy va davlat mulkiga e’tiborli qilib tarbiyalab borish barcha komandirlarning muhim vazifasi desak, xato qilmaymiz.

Yashin KOMILOV.

Safda – yosh askarlar

SHIJOATLA BOSHLANDI XIZMAT

Kuzgi chaqiruv bo‘yicha Qurolli Kuchlarimiz saflarini to‘ldirgan chaqiriluvchilar ayni paytda qaynoq harbiy hayotga kirishib ketganlar. Zero ularni munosib tarzda kutib olish va joylashtirishga puxta hozirlik ko‘rilgandi. Yosh posbonlar armiyaga kelib olgan taassurotlari haqida o‘rtoqlasharkan, milliy armiyamizdagi o‘ziga xos jihatlarni baralla e‘tirof etishdi.

Tarbiyachi ofitser Doniyor Eshonxo‘jaev xizmat qilayotgan qismda ham mudofaa ishlari bo‘limlaridagi barcha sinovlardan muvaffaqiyatli o‘tib, armiya hayotiga qadam qo‘ygan yigitlarda harbiy xizmatning ilk ko‘nikmalarini hosil qilish uchun jiddiy harakat qilinmoqda. Mashg‘ulotlarga malakali ofitser va fidoyi ustoz-murabbiylar jalb etilgan.

– Men maktabda o‘qigan kezlarimda chaqiruvga qadar boshlang‘ich tayyorgarlik fani mashg‘ulotlarida katta ishtiyoq bilan qatnashganim uchun armiyamiz haqida tasavvurlarga ega edim, – deydi qo‘qonlik oddiy askar Ilhomjon Sobirov. – Biroq muddatli harbiy xizmatchilarning yashash va xizmat qilishlari uchun barcha shart-sharoitlarning yaratilgani men uchun yangilik bo‘ldi. Yotoqxonalar issiq, ozoda va shinam. Keng va yorug‘ sinflar yangi mebellar, zamonaviy o‘quv qurollari va texnik vositalar bilan ta’minlangan. Dam olish burchagida harbiy xizmatchi bo‘sh vaqtlarini maroqli o‘tkazishi mumkin. Men ayniqsa, sport zalidagi katta imkoniyatlar, trenajyorlarni ko‘rib hayratga tushdim. Komandirlarimizning mehribonligi, jonkuyarligini doimo his qilib turibmiz. Safdoshlarimiz bilan samimiy, do‘stona munosabatdamiz. Men yigitlik burchimni munosib o‘tab, tavsiyanoma olishga va oliy harbiy bilim yurtiga o‘qishga kirishga ahd qilganman. Bugun ana shunday ezgu niyatlar og‘ushida xizmatni o‘tayapman.

– Men xizmatga chaqirilganimdan xursandman, – deydi o‘zbek tilida binoyidek so‘zlayotgan oddiy askar Vitaliy Xvansev. – Bu yil Farg‘ona davlat universitetining tarix fakultetini tamomlagan edim. Endi esa yurt himoyachisi, degan sharafli nomga muyassar bo‘lib turibman. Maqsadim, askarlik xizmatidan so‘ng yana oliy o‘quv yurtida ikkinchi mutaxassislik uchun o‘qishga hozirlik ko‘rish. Ishonchim komilki, bu yo‘lda menga hukumatimiz tomonidan yaratilgan imtiyozlar, safdoshlarim, komandirlarimning beminnat ko‘magi asqotadi.

Mayor Alisher MAHKAMOV.

Ma’naviyat maskanida

HAR SOHADA YETUK SHUNQORLAR



Ma’lumki, insonning ma’naviy kamolotida ta’lim-tarbiyaning muhim qismi sanalgan ilm-ma’rifat, aniqrog‘i, kitoblarning o‘rni kattadir. Inson biror asarni mutolaa qilish orqali undagi voqealardan xabardor bo‘ladi, qahramonlar hayotiga kirib boradi, yaxshi tomonlaridan ibrat olsa, yomonliklardan nafratlanish hissini, uning oqibatlarini chuqurroq anglab yetadi. Bir so‘z bilan aytganda, bilimini oshiradi. Shu bois bugun yurt himoyachilarining ma’naviy jihatdan ham barkamol shakllanishlariga alohida e’tibor qaratilib, mavjud barcha imkoniyatlardan keng foydalanilmoqda.

Bugun zamonaviy kompyuterlar, internet, televideoapparaturalar, turli xil tehnika va texnologik vositalar posbonlar ixtiyorida. Harbiy qismlarning kutubxonalari yangi adabiyotlar bilan boyitib borilayapti. Bunday ma’naviyat o‘choqlarida vaqtli matbuot nashrlari ham xilma-xil. Ko‘pchilik harbiy muassasalarda elektron kutubxonalar ham tashkil etilib, yurt himoyachilarining ma’naviy oziqlanishlariga xizmat qilmoqda. Xullas, o‘qiyman, o‘rganaman, deganlarga shart-sharoitlar muhayyo. Quvonarli tomoni, bu kabi imkoniyatlardan saralar ichra saralar sifatida tanlab olinib, sharafli sohaga jalb etilgan shunqorlar samarali foydalanishmoqda.

– Men kelajakda oliy harbiy bilim yurtida o‘qimoqchiman; – deydi muddatli xizmat oddiy askari Rustam Shukurov. – Shu bois tinmay o‘qib-o‘rganib, tayyorlanib borishim kerak. O‘ylashimcha, jangovar sohaga tayyorlanish uchun hayot maktabi bo‘lgan armiya xizmatidan qulayroq imkoniyat bo‘lmasa kerak. Chunki bu yerda bevosita harbiy ko‘nikmalarimni oshirib borish bilan birga, o‘qib-izlanishimga ham imkoniyatlar yetarli.

Rustamni men qism kutubxonasida uchratgandim. Suhbat davomida uning yaxshigina sportchi ekanini ham bilib oldim. Boks bilan muntazam shug‘ullanib keladigan posbon 2-razryad sohibi ekan. Intilishlarini, shijoatini ko‘rib uning albatta maqsadiga yetishiga shubham qolmadi. E’tiborimni uning yana bir safdosh do‘sti oddiy askar Mirzohid Umarov jalb qildi. Berilib izlanayotgan bu posbonni suhbatga chorladim.

– Toshkent viloyatidan armiya xizmatiga chaqirilganman, – dedi oddiy askar Mirzohid Umarov. – Mening maqsadim, armiyadan keyin ichki ishlar akademiyasiga o‘qishga kirish va yurtimizga xizmat qilish.

Yigitlarning har biri o‘z maqsadlari yo‘lida qat’iy intilayotgani ko‘rinib turardi. Biroq ularning har ikkalasi ham sog‘lom turmush tarzi sanalgan sport bilan qalin o‘rtoq ekani ayniqsa, ko‘proq zavqimni keltirdi. Chunki Rustam boks bilan shug‘ullangani kabi Mirzohid ham karateda yaxshigina darajaga erishgan ekan.

– Kutubxonamizda posbonlarimiz uchun zarur barcha adabiyotlar yetarli, – deydi kutubxona mudirasi, Qurolli Kuchlar xizmatchisi Mohira Tairova. – Harbiy sohaga oid o‘zbek tilida chop etilgan kitoblar, ilmiy va badiiy adabiyotlar, shuningdek, respublikamizda nashr qilinayotgan gazeta va jurnallar, axborotnoma va darsliklar ular ixtiyorida. Shinam va yorug‘ o‘quv zalida posbonlarimiz kundalik yangiliklardan xabardor bo‘lishlari uchun axborot burchagi tashkil qilingan. Bu yerda posbonlar respublikamizda ro‘y berayotgan ijtimoiy-siyosiy, madaniy-ma’rifiy va iqtisodiy yangiliklardan doimo ogoh bo‘lib borishadi. Bilim maskanida posbonlar bilan “Eng yaxshi kitobxon” tanlovini o‘tkazish an’anaga aylangan. Davlat va jamoat tashkilotlari bilan uzviy hamkorlikni yo‘lga qo‘yganmiz. Birgalikda tadbirlar o‘tkazamiz. Rejamizda hali yana ko‘pgina ishlar bor.

Sharafli soha vakillarining har jihatdan o‘z nomlariga munosib ekanliklari va hech kimdan kam emasligi, ta’bir joiz bo‘lsa, jismonan chiniqqan, ma’nan barkamol, jangovar shay va intellektual salohiyati yuksak, tadbirkor, yetakchilik qobiliyati shakllanganligi bilan boshqalardan bir qadar ustunligi yaqqol ko‘rinib turibdi. Shu bois ularni asl saralar, yurtning yetuk shunqorlari desak xato qilmaymiz.

Katta leytenant Jamshid MO‘MINOV.

Sarkardalar sabog‘i

NAVKARNING BEGIGA VA BEKNING NAVKARIGA MUOMALA QILISHI TUZUGI

(Davomi. Boshi gazetaning № 46-sonida).

Qaysi bir navkar o‘z ixtiyori bilanmi yoki ixtiyorsizmi begidan ajrab ketgan bo‘lsa-yu, keyinroq yana qaytib kelsa, uni hurmatlasinlar, chunki u ajralib ketganidan pushaymon bo‘lgani uchun ham qaytib kelgan.

Yana amr qildimki, g‘anim tomonidan bo‘lgan navkar bizga qarshi qilich ko‘targan bo‘lsa, o‘z yurtining tuz haqini halollagan bo‘ladi. Agar shunday kishilardan birontasi jang vaqtida qo‘lga tushsa yoki g‘anim tomonidan umidi uzilib, bizga kelib xizmat qilishni ixtiyor qilgan bo‘lsa, uni aziz tutsinlar, martabasini oshirib, vafodor odam deb bilsinlar. Chunonchi, Mengli Bug‘o, Haydar Andxudi va amir Abu Sayid – bular olti ming otliq askar bilan Balx daryosi bo‘yida menga qarshi jang qildilar. Keyinroq Tug‘luq Temurxondan noumid bo‘lib, mening panohimga kelganlarida ularga izzat-ikrom ko‘rsatib, Hisori Shodmon, Andijon va Turkiston viloyatlarini ularga in’om qildim.

Va amr qildim, har bir navkar g‘anim nazdida hurmat-e’tiborga ega bo‘lib qadrlansa-yu, biroq jangu jadal vaqtida o‘z begiga xiyonat qilib, uning dushmaniga do‘stlik qilsa, tuz haqini, bek hurmatini, navkarlik (burchini) va (undan) ko‘rgan noz-nematlarini unutsa, o‘z begining dushmaniga yon bosib, uni o‘z begidan ustun qo‘ysa, bunday kimsani xizmatga yo‘latmasinlar. Hayotning o‘zi bundaylarning qilmishiga yarasha jazosini beradi.

Qaysi bir navkar yurish vaqtida o‘z begidan yuz o‘tirib, undan ajralib, (sizning) oldingizga xizmat istab kelsa, unday navkarga ishonib bo‘lmaydi. Agar u ma’lum muddatdan keyin ko‘p xizmat qilib vafodorligini ko‘rsatsa, u chog‘da uni olib qolsa bo‘ladi. Agar (biron navkar) yurish vaqtida emas, urush bo‘lmagan chog‘da kelib, xizmat qilishni ixtiyor etsa, unga izzatu ehtirom bildirsinlar.

Agar vazirlardan yoki navkarlardan birontasi (urush kunlarida) tadbirkorlik ishlatib, dushman bilan aloqa bog‘lab unga oshnolik qilsa va shu libosda o‘z begining ishini bitirmoqchi bo‘lsa, unday odamni eng aqlli do‘stlardan va xizmatkorlardan deb hisoblash zarur. Lekin biron navkar dushman bilan kelishib, o‘z xojasiga munofiqlik qilsa, bunday navkarni dushmanga taqdim etish kerak.

Agar navkarlardan biri qilich chopishib, g‘animni sindirar ekan, g‘arazgo‘y odamlarning uning haqida aytgan gaplariga quloq solmasinlar. Uning qilgan xizmatlarini yashirmaslik lozim, aksincha, bir xizmatini o‘nga yo‘ysinlar, martabasini oshirsinlar, toki boshqa navkarlar buni ko‘rib jonbozlik qilishga rag‘batlansinlar.

Sipohiy favjlardan yoki amirlardan qaysi biri dushman bilan kelishib, do‘stu oshno bo‘lib yashash yo‘lidan burilib, g‘animlar safiga birlashar ekan, ularni yurtdan chiqarib, hech yerdan o‘rin bermasinlar. Bunga misol, Kesh lashkarining sarkardalari mendan yuz o‘girib, amir Hoji barlos qo‘shiniga qo‘shildilar. Shundan keyin men ularga ishonmay qo‘ydim.

Agar navkarni biron mamlakatga hokim qilgan bo‘lsalar-u, u bevafoligidan dushman bilan kelishib, mulkni unga taslim qilsa, o‘lim jazosiga mahkum qilsinlar. Mamlakatni himoya qilib, dushmanni yo‘latmagan navkarni yuqori martabaga ko‘tarib, hurmatlasinlar.

Qaysi bir amir urush kunlari, ahvol tang bo‘lgan paytda, jang maydonida ixlos qadamini mahkam qo‘yib, do‘st-oshnolik haqini saqlagan bo‘lsa, uni o‘z og‘a-inisidek ko‘rsinlar. Chunonchi, Kesh amirlari va lashkari mendan butunlay yuz o‘girganlarida va amir Joku barlosdan boshqa hech kimsa oldimda qolmagan bir paytda, men amir Jokuni o‘z aziz og‘amday ko‘rib, davlatimga sherik qildim. Uni amir ul-umaro etib tayinlab, Balx va Hisor mamlakatlarini unga in’om qildim.

“Temur tuzuklari”dan.

Askar uyiga qaytdi

OFITSERLIK – ORZUSIDIR, UNING



«Suyunchi bering, suyunchi, Umid tog‘am armiyadan keldilar», deya ko‘chadan chopqillab borayotgan Zafarjonning ovozini butun mahalla ahli eshitdi. Ko‘chaga chiqqanlar bir-birlari bilan suhbatlashib, Bahodir akaning uyi tomon kelishardi. Bahodir aka Gaipov bir necha yillardan buyon haydovchilik kasbida ishlaydi. Vaqti kelganda mahalladoshlaridan o‘zining beminnat xizmatini hech ayamagan. Shuning uchun ham poytaxtning “Guliston” mahallasida kattayu kichik uni hurmat qiladi.

Bundan bir yil muqaddam o‘g‘li Umidjon tengdoshlari qatori muddatli harbiy xizmatga chaqirilib, tuman mudofaa ishlari bo‘limida o‘tkazilgan saralash bosqichlaridan muvaffaqiyatli o‘tib, o‘z yigitlik burchini o‘tagani armiya safiga jo‘nagan edi. Vaqtni oqar daryo, deb bejizga aytishmaydi-da, bir yil ham ko‘z ochib yumguncha o‘tib ketibdi. Hozirgina uyi eshigidan kirib kelgan alp kelbatli o‘g‘liga qarab, ko‘zi to‘ymaydi. Bo‘yi ham ancha cho‘zilibdi, qadam tashlashlarida, ko‘z qarashlarida qandaydir jiddiylik, qat’iyat bor, hatto gap-so‘zlari ham boshqacha, ma’noli, xuddi kattalardek mushohada yuritadi. “Ha, armiya hayot maktabi deganlaricha bor ekan”, deya xayolidan o‘tkazdi Bahodir aka. Bir yil davomida o‘g‘lim ancha o‘zgaribdi, bilaklari kuchga to‘libdi, muomalasi joyida, yigitmisan-yigit bo‘libdida, o‘ziyam. Endi to‘y taraddudini ko‘raversam ham bo‘larkan”.

Mahalla raisi Shavkat aka Isaevning gapi uning xayolini buzdi.

– Ha, Bahodirjon Umidjondan ko‘z uzolmay o‘tiribsizmi? O‘ziyam chaqmoqdek yigit bo‘libdida.

– Nimasini aytasiz, rais, hozir armiyaga borgan yigitlarning barchasi xuddi Umidjon singari har tomonlama barkamol bo‘lib qaytishmoqda, – deya gapga aralashdi Hafiz ota Xolmirzaev.

Bahodir aka barcha askar ko‘rdiga kelgan mahalladoshlarini uyga taklif qildi. Bir zumda qarindosh-urug‘, yoru do‘stlar to‘planishdi. Umidjonning jiyanlari uning o‘ziga yarashib turgan harbiy libosidan ko‘z uzisholmaydi. Jajji bolajonlarning, “men ham katta bo‘lsam Umid tog‘amga o‘xshab askar bo‘laman” degan gaplarini eshitib onalar, “nasib bo‘lsa, sen ham askar bo‘lasan, tog‘angga o‘xshab Vatanni, bizni qo‘riqlaysan”, deya kulib qo‘yishadi. Ayniqsa, Yoqutxon opa xursandchiligining cheki yo‘q. Ko‘z qorachig‘iday asrab-avaylab o‘stirgan yakkayu yagona o‘g‘li muqaddas burchini sharaf bilan o‘tab, yana bag‘riga qaytib keldi. Qaytganda ham, haqiqiy er yigit uo‘lib qaytdi.

Umidjonning armiya hayoti, taassurotlari, o‘rgangan ishlari, orttirgan do‘stlari, u yerda yaratilgan sharoitlar va ko‘rsatilgan g‘amxo‘rliklar haqidagi gaplari uning tengdoshlarida armiyaga nisbatan katta havas uyg‘otdi.

– Armiya menga ko‘p narsani o‘rgatdi, har tomonlama tobladi, chiniqtirdi, – deydi uning o‘zi. – Ham ma’nan, ham jismonan shakllanishimda, kamol topishimda, eng asosiysi, kelajak hayotimda o‘z yo‘limni topib olishimda armiyaning o‘rni beqiyos bo‘ldi. Ofitserlar – Ismat Muhammadiev, Abdusattor Taypiev, serjantlar – Xurshid Malikov, Zafar Karimovlardan harbiy soha sir-asrorlarini o‘rgandim. Shuningdek, xorazmlik Sardor Yusupov, buxorolik Feruz Qo‘ldoshev, toshkentlik Aziz Sodiqov kabi sadoqatli do‘stlar orttirdim. Namunali xizmatim tufayli tavsiyanomaga loyiq topildim. Shu bilan birga, ushbu xizmat menga harbiylik kasbiga havas va ishtiyoq orttirdi. Kelajakda rejalarim ulkan, nasib etsa oliy harbiy bilim yurtiga o‘qishga kirib, ofitser sifatida Qurolli Kuchlarimiz safida xizmat qilish mening eng ezgu maqsadimdir.

Umid etti yoshidan boshlab, sportning boks turi bilan muntazam shug‘ullanib keladi. Bir necha bor yoshlar o‘rtasida shahar va respublika miqyosida o‘tkazilgan musobaqalarda qatnashib, faxrli o‘rinlarni egallagan. U o‘qishga tayyorgarlik ko‘rish barobarida, boks bo‘yicha ham mahoratini yanada oshirib borishni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘ygan.

Ha, Umidjondek azamat o‘g‘lonlarning barchasi o‘z oldilariga mana shunday oliy maqsadlarni qo‘yishgan. Ishonchimiz komilki, hayot maktabida toblanib, barkamol inson bo‘lib yetishgan bu yoshlar qaysi jabhada faoliyat yuritishmasin, yurtimiz iqtisodining rivojlanishida, Vatan ravnaqida ilg‘orlar safida bo‘lishadi.

Ahror NOZIMOV.
Bahrom ABDURAHIMOV suratga olgan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

КОНСТИТУЦИЯ – ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ



Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва миллий давлатчилик пойдеворини барпо этишда жуда қисқа муддатда Асосий қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилиб, қабул қилингани алоҳида таъкидланди. Бу қомусий ҳужжатда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодалаб берилган. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд соҳаларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёрлардан устунлиги ҳам Конституцияда муҳрлаб қўйилди.

Асосий қонунимизда ҳеч бир мафкуранинг давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт сиёсий институтларнинг ранг-баранглиги, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллигига асосланиши белгиланган. Айни пайтда барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги шароитида хусусий мулкнинг устуворлиги конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Конституция – ҳаётимиз қомуси" мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда шу ҳақда сўз борди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова, адлия вазири ўринбосари А.Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси У.Бозоров ва бошқалар бундан ўн беш йил муқаддам Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ҳамда халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган Конституциямизда белгиланган меъёрларнинг амалда ўз ифодасини топаётгани мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий замини ҳам, аввало, Конституциядир.

Мазмун-моҳиятига кўра, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган Асосий қонунимизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилган. Ушбу йўналишда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мазкур тамойилнинг ҳаётимизда ўз ифодасини топиб, амалда кенг самара бераётганини нафақат халқимиз, балки бутун дунё жамоатчилиги эътироф этмоқда. Инсонпарварлик ва одиллик тамойилига асосан жиноий жазо тизимидан ўлим жазосининг бутунлай чиқариб ташланиши жиноят қонунчилигимизни либераллаштириш борасидаги жаҳон прогрессив тенденцияларига тўла мос келиши бунинг ёрқин далилидир.

Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тегишли вазирлик ва идоралар, олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган анжуманда фуқаролик жамияти, ижтимоий ҳимоя, сайлов ҳуқуқи, одил судловга бағишланган маърузалар тингланди. Мазкур йўналишларда қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Жамият ва давлат қурилишининг бошланғич асосини, халқ оммасининг эркини, иродасини ўзида мужассамлаштирган давлатнинг Асосий Қонуни ҳуқуқшуносликда Конституция деб юритилади. Конституция — муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, ҳокимият, шахснинг ҳуқуқий ҳолати, давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши каби масалалар унинг мазмунини ташкил этувчи асосий манба бўлиб ҳисобланади. Конституциянинг меъёрлари давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва бизнинг ҳудудимизда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фаолиятига умумасос бўлиб хизмат қилади.

Табиийки, мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўзининг тараққиёт йўлини излайди, янги жамият ва давлат қурилишининг ўз моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Ўзбекистон ўзининг янгиланиш ва тараққиёт йўлини белгилаб олди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўналиши ишлаб чиқилди. Миллий урф-одатларга ва анъаналарга мувофиқ, адолатли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қурилмоқда. Мустақил мамлакатимизнинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташқи сиёсат йўналишлари ва тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорлик принциплари белгилаб олинди. Конституция барча соҳаларда амалга оширилаётган бундайин демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг маънавий, маданий мероси, миллий тафаккури, кўп асрлик ўзбек давлатчилиги тажрибаси ҳамда ҳуқуқий анъаналарига асосланган ва уларнинг бой ижобий тажрибасини ўзида акс эттирган.

Бош Қомусимизнинг маънавий, тарихий асослари негизида жаҳон маданияти ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз — Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Носир Мотурудий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа даҳоларнинг қолдирган маънавий-ахлоқий мероси мужассам. Уларнинг инсонни маънавий комилликка чорловчи ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари Конституциямизга руҳ бағишлаган, десак муболаға бўлмайди.

Шу ўринда бир тушунчага изоҳ бериб ўтсак. Бу юридик Конституция тушунчаси. Айтиш лозимки, Юридик конституция эса аввало асосий, олий юридик кучга эга бўлган, қабул қилиниши, ўзгартирилиши ҳамда таркибига қўшимча киритилиши мураккаб тарзда амалга ошириладиган ҳужжатдир.

Юридик конституциянинг моҳиятан тўрт белгиси мавжудлиги алоҳида эътиборга молик:

– биринчидан, у асосий қонун, яъни ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти бўйича бирламчи манба;

– иккинчидан, конституция олий юридик куч манбаи, яъни қолган барча қонунлар, қонун ости актлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти фақат Конституцияга мос келиши шарт, акс ҳолда улар ўз кучини йўқотади;

– учинчидан, Конституциянинг қабул қилиниши махсус таъсис мажлислари ёки бошқа олий вакиллик органлари томонидан, улар таркибидан кўпчилик овозлар ёқлаши орқали амалга оширилади, шу билан биргаликда ушбу талаблар Конституция моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартибига ҳам тааллуқлидир;

– тўртинчидан, Конституция томонидан мавжуд алоҳида махсус, яъни ижтимоий-иқтисодий тузум асослари, сиёсий тизим, шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, жамиятдаги маънавий, маданий, диний муносабатларнинг тартибга солинишидир. Булардан ташқари, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан унинг таъсир доираси кенглиги, умумийлиги билан диққатга сазовордир.

Конституциянинг юридик табиати унинг таркибини ташкил этувчи меъёрлар мазмуни ва кўламига боғлиқ. Конституция меъёрлари ижтимоий тузум асосларини (мулк шакллари, иқтисодни бошқаришни ташкил қилиш, партиявий тизим ва ҳоказо), давлат тузумини (давлат бошқарув шакли, давлат тузилиши шакли, сиёсий режим), шахслар ҳуқуқий ҳолатининг асосий томонларини (меҳнат ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, сўз эркинлиги ва ҳоказо) белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий хусусиятлари орқали унинг моҳияти ҳамда аҳамиятини янада кенгроқ тушуниш имкониятига эга бўламиз. Ушбу хусусиятлар сирасига бевосита қуйидагиларни киритиш мумкин:

– Ўзбекистон халқи ўз тарихида биринчи мустақил Конституциясини яратди ва шу орқали келажак тақдирини белгилаб олди;

– Ўзбекистон Конституциясининг яратилишида жаҳон конституциявий тажрибасидан кенг фойдаланилди ва шу билан бирга Асосий Қонунимиз жаҳон конституциялари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Буни дунёнинг етакчи давлат ва фан арбоблари эътироф этиб келмоқда;

– Конституциямиз миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни, аждодларимизнинг маънавий меросини ўзида мужассам этган ғоялар билан суғорилди;

– Конституциямизнинг энг асосий мақсади инсонни, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган;

– жамият ҳаётини эркинлаштириш, сиёсий парокандаликларга чек қўйиш, сиёсий онгни шакллантириш билан кўппартиявийликни таъминлаш, ҳурфикрлиликни қўллаб-қувватлаш бош вазифалардан деб эътироф этилди;

– кўп миллатли Ўзбекистон давлатида барча халқлар ва миллатларнинг тинч-тотув яшашлари учун кафолатлар яратилди.

Конституция ўз ғоя ва тамойиллари билан узоқ даврларга мўлжалланганлиги, халқимизнинг дунё халқлари орасидан, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишига ҳуқуқий замин яратаётганлигини амалда ифода этаётганлиги бебаҳо ютуғимиздир.

Капитан Қамбарали АЗИЗОВ,
Тошкент давлат техника университети ҳарбий кафедраси ўқитувчиси.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

КОНТРАКТ МУДДАТИ ҚАНЧА?

Контракт асосидаги ҳарбий хизматга кирмоқчиман, бунинг учун нима қилишим керак ва контракт муддати қанча?

Шерзод НОРБОЕВ.

Сиз ўзингиз яшаб турган туман ёки шаҳар мудофаа ишлари бўлимига мурожаат қилишингиз лозим. Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ва асосий шартлари контрактда белгиланади. Дастлабки контракт фуқаролар билан оддий аскарлар ва сержантлар учун 3 йил ва офицерлик лавозимидагилар учун 5 йил қилиб белгиланган. Бу муддат тугаши билан томонларнинг келишуви билан янги контракт тузилиши мумкин.

Ҳарбий хизмат даврида содир этган жинояти учун ҳарбий суднинг ҳукмига асосан жазо муддатини интизомий қисмларда ўтаган ҳарбий хизматчилар судланган ҳисобланадиларми?

Оддий аскар Фазлиддин ТОЖИБОЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддаси 1-қисми «б»-бандига асосан, жазо муддатини интизомий қисмда ўтаган ҳарбий хизматчининг судланганлик ҳолати ушбу жазони ўтаб чиққан кундан тугалланган ҳисобланади ҳамда ушбу кодекснинг 77-моддаси 5-бандига асосан улар судланмаган ҳисобланадилар.

Мен уч йил муқаддам судланганман. Контракт асосидаги ҳарбий хизматга ўтмоқчи эдим, мени хизматга олишадими?

Жуманазар.

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 82-моддаси 5-бандида муқаддам судланган фуқаролар билан контракт тузилмаслиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг қонунчилик тарғиботи тармоғи.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР СЕМИНАРИ

2007 йилнинг 22–24 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси органларида хизматни ўтаб келаётган ёш мутахассислар билан «Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини Қуролли Кучларда таъминлашнинг алоҳида хусусиятлари» мавзусида амалий-семинар бўлиб ўтди.

Бундан асосий мақсад, Республика Ҳарбий прокуратуси органларида хизматни ўтаб келаётган ёш мутахассисларнинг зарурий касбий билимга, амалий тажрибага эга бўлиши, иш фаолиятини чуқур ўрганиш ҳамда малакасини ошириб бориши, ўзига юклатилган вазифаларни лозм даражада бажаришларига қаратилган бўлиб, тадбирда малакали мутахассислар ўз амалий ҳамда илмий тажрибалари билан ўртоқлашиши, жамият ва давлат қурилишидаги ўзгаришлардан хабардор қилиниши кўзда тутилган.

Шунингдек, амалий-семинарда ёш ходимларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил август ойидаги Фармони асосида тайёрланиб, мамлакат парламенти томонидан 2007 йил 29 июнь куни қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти тушунтириб ўтилди.

Мазкур анжуманда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлган мутахассислари, Республика Ҳарбий суди судьялари ва Республика Ҳарбий прокуратурасининг бўлим ва тармоқ бошлиқлари ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Амалий-семинар иштирокчилари кун тартибидаги масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Тасдиқланган Дастур асосида амалий-семинарнинг учинчи куни Ҳарбий прокуратура органларида хизматни ўтиб келаётган ёш мутахассислар «Шаҳидлар майдони»га ташриф буюрдилар.

Адлия подполковниги Ў. ХАМРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг қонунчилик тарғиботи бўйича ёрдамчиси.

ОСНОВА ВСЕХ СТОРОН НАШЕЙ ЖИЗНИ

Интересно и познавательно для личного состава подразделений Ташкентского высшего общевойскового командного училища (ТВОКУ) прошла встреча с преподавателями-правоведами Ташкентского государственного юридического института (ТГЮИ), посвященная предстоящему празднованию Дня Конституции Республики Узбекистан.

Преподаватели юридического института Ж. Шодиев и Б. Эшмуродов подробно рассказали о том, как готовилась к принятию наша Конституция и разрабатывались отдельные положения статей Основного Закона Республики Узбекистан.

Прошло 15 лет с того памятного дня, когда наше независимое государство обрело свой Основной Закон. День Конституции – это особый праздник. Он прямо затрагивает интересы каждого гражданина. Наша нынешняя Конституция, в отличие от других Конституций стран СНГ и Дальнего зарубежья, уделяет правам человека и их гарантиям первостепенное внимание. Другими словами, отметил в своем выступлении профессор Б. Эшмуродов, конечная цель строительства правового демократического государства и проводимых в стране реформ – это служение человеку и всему нашему народу.

Характеризуя нашу Конституцию, Президент И. А. Каримов говорил: «Мы выдвинули мысль о том, что самой великой ценностью на земле является человек, и на этой основе стремились найти мудрое правовое решение взаимоотношений между гражданами, обществом и государством». И такими благородными помыслами наполнена каждая статья Основного Закона Республики Узбекистан.

8 декабря наш народ отмечает важнейшую историческую дату в жизни страны — 15-ю годовщину со дня принятия Конституции Республики Узбекистан, отметила в своем выступлении преподаватель ТГЮИ З. Хидирова.

После выступления преподавателя кафедры гуманитарных и социально-экономических дисциплин ТВОКУ служащей Ф. Узаковой курсанты 3-го курса стали активно задавать вопросы о нашей Конституции.

Далее в живой и непринужденной обстановке завязалась дискуссия между курсантами и преподавателями-гостями. Курсанты ТВОКУ в процессе обучения в училище изучают ряд дисциплин, где детально рассматриваются статьи Конституции и области их применения.

Например, курсант 3-го курса С. Джандавлетов, отлично успевающий по данным предметам, рассказал участникам встречи, что Конституция Республики Узбекистан создала прочную основу для реформирования всех сторон нашей общественной жизни, в том числе и военной области. Она закрепила правовое положение Вооруженных Сил и определила их историческое предназначение. В ней четко установлено, что Вооруженные Силы Республики Узбекистан создаются для защиты государственного суверенитета и территориальной целостности Республики Узбекистан, мирной жизни и безопасности ее населения.

Поддержав выступление курсанта, в разговор вступил начальник кафедры Ташкентского ВОКУ подполковник Ш. Гаппаров, который отметил, что в нашей стране делается все для того, чтобы провозглашенные Конституцией цели и ценности были наполнены конкретным содержанием, в целях создания общества, достойного наших идеалов. И поэтому важнейшим элементом нашего успешного продвижения вперед, без которого немыслимо правовое демократическое государство, должна стать соответствующая ему правовая культура как отдельного человека, так и всего общества.

Этот вопрос приобретает особую значимость и для нашего училища, готовящего офицерские кадры – будущее Вооруженных Сил Республики Узбекистан. В настоящее время в нашем училище закладывается и совершенствуется учебно-материальная база и научный фундамент соответствующий образу высшего военного учебного заведения XXI века.

Старший лейтенант Умиджон КАМАЛОВ,
командир взвода ТВОКУ.

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ ЮКСАК БЎЛСИН!

Маълумки, миллий армиямизни профессионал асосга ўтказиш бугун амалда ўз якунига етяпти. Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, айни пайтда Қуролли Кучларимиз ихчам, яхши таъминланган, тезкор, сафарбар ва буткул янгича мазмун-моҳият ҳамда шакл касб этган. Қимматбаҳо қурол-аслаҳа ва жанговар техникалар ҳарбий хизматчиларга ишониб топширилмоқда. Соҳанинг барча бўғинларида ижобий ўзгариш ва янгиланишлар амалга оширилаяпти. Профессионал асосдаги армиямизда биргина сержантларга берилаётган эътибор ва умуман, сержантнинг ўрни мисолида фикр юритадиган бўлсак ҳам салмоқли ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Давлатимиз раҳбарининг шахсан ғамхўрликлари туфайли сержантликнинг мақоми ўзгарди. Эндиликда сержантлик муҳим бир касбга айланди. Сержант – аскарларнинг устози, аскар ва офицер ўртасидаги муҳим кўприк, офицерларнинг биринчи ёрдамчилари ва армиямизнинг таянч устунлари, дея эътироф этилмоқда.

Шунингдек, юрт ҳимоячиларининг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида ҳам ҳукуматимиз томонидан бир қатор ибратли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Кўрсатилаётган бу каби ғамхўрлик ҳамда билдирилган юксак ишонч туйғуларига ҳарбий хизматчилар муносиб хизматлари, бурчларини виждонан, сифатли ва шараф билан адо этишлари орқали жавоб қайтариши зарур.

Ҳарбий хизматнинг ўзига хос томонларидан бири – унда қатъий тартиб-интизомга ҳар доим сўзсиз амал қилинишидадир. Посбон бевосита хизматни ўташ пайтида, шунингдек, хизмат вақти тугаганидан кейин ҳам белгиланган тартиб-қоидалар ҳамда тегишли низом талабларига оғишмай амал қилиши унинг ўз бурчига содиқлигидан, эгаллаб турган вазифасига ҳар томонлама лойиқлигидан далолат.

Ҳарбий хизматчилар учун ҳар қадамда муҳим дастуриламал саналган Умумҳарбий низомлар талабларига кўра, ҳарбий хизматчи хизматни ўташ ҳудудидан ташқарига чиққанида, аҳоли орасида ва жамоат жойларида ўзини тутиши, юксак маънавияти ва фазилатлари билан ажралиб туриши, теварак-атрофидагиларга ҳар томонлама ўрнак бўлиши лозим. Худди шунингдек, сафарга чиққанда ёки таътил пайтида ҳам ўзи ҳақида тегишли маълумот қолдириб, ҳар доим хизмат жойидагилар билан алоқани мустаҳкам тутиши ва шай туриши посбоннинг бурчи ҳисобланади.

Албатта, саралар ичра сара ўғлонлар сифатида шарафли касбнинг этагидан тутган мардларимиз ўз зиммаларидаги масъулият ҳиссини теран англаб, вазифаларини сидқидилдан адо этиб келишмоқда. Бироқ минг афсуски, гуруч курмаксиз бўлмагани каби гоҳ-гоҳ тартиббузарликлар, яъни хизматга сабабсиз келмай қолиш ёки хизматдан ўзбошимчалик билан кетиб қолиш каби ҳолларнинг ҳам учраб туриши жуда ачинарлидир.

Бундай ҳолатларнинг содир этилиши посбонлик шарафи учун доғ бўлиб тушади. Бу каби ҳолатларнинг содир бўлмаслиги учун белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этиб, ўз вазифасини виждонан, ҳалол ўтаб юришнинг ўзи кифоя қилади. Аммо айримларнинг ана шу оддий ҳақиқатни ҳам унутиб қўяётгани ўз бошларига ортиқча ташвиш келтириб чиқараяпти. Қуйида тартиббузарликнинг оқибати ва бу воқеанинг бошқаларга сабоқ бўлишини кўзлаб, бир воқеани эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти У.Хидиров қисм командирининг буйруғига мувофиқ берилган қисқа муддатли таътилдан хизматни ўташ жойига ўз вақтида етиб келмади. Шунингдек, уни олиб келиш учун юборилган ҳарбий қисм вакилларини ҳам турли йўллар билан чалғитишга муваффақ бўлди. Бу қилмишлари билан у хизматдан бўйин товлаш жиноятини содир этаётганини ва эртага оқибати яхшиликка олиб келмаслигини ўйламади. Ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий маданияти талаб даражасида эмаслигини кўрсатди. Натижада унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, қора курсига ўтиришга мажбур бўлди. Мазкур ишни кўриб чиққан суд ҳайъати унинг ўз айбига иқрорлиги ва эндиликда пушаймон эканлигини, ушбу воқеани юзага келтирган сабабларни батафсил ўрганиб чиқиб, унга амалдаги қонунларга мувофиқ жазо тайинлади.

Қилмиш-қидирмиш, дейди халқимиз. Ҳар ким қилмишига яраша ё мукофотини, ёки жазосини олади. Жиноят учун эса жазо муқаррардир.

Бундай хатти-ҳаракатларнинг умумжамоа ютуқларига салбий таъсир этишини ўйласак, айбдорнинг қилмишига шунчаки қараб бўлмаслигини яққол тушунамиз. Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат бурчини ўтаб юрган юрт посбонлари билан бундай нохуш ҳодисаларнинг такрор содир этилмаслиги учун эса улар билан тарбиявий ишларни яна ҳам чуқурроқ олиб бориш, ҳуқуқий саводхонликка эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Зеро тарбия иши ҳамма даврларда ҳам энг муҳим ва устувор вазифа сифатида қаралган. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, армиядаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш ҳарбий хизматчиларнинг онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш ва ватанпарварлик ҳиссиётини кучайтириш демакдир.

Адлия катта лейтенанти
Суннат ҲАСАНОВ

ЯКУНИЙ БОСҚИЧНИНГ МУТЛОҚ ҒОЛИБЛАРИ



Қуролли Кучларимиздаги янгиланишлар, ўзгаришлардан дил қувнайди. Буни ислоҳотлар самараси, дейдилар. Ҳарбий тиббиёт гўшаларидаги ўзгаришлар, тиббиёт ходимлари эришаётган ютуқлар фикримизнинг яққол далилидир. Мудофаа вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган «Энг илғор қўшин врачи» ва «Энг илғор фельдшер» танловлари ҳарбий шифокорлар учун ўзларидаги бор имкониятларни юзага чиқарувчи синов майдони бўлмоқда, десак арзийди. Бу йил ҳам ушбу танлов ўзининг янги қаҳрамонларини кашф этди. Яъни ҳарбий қисм ва муассасалардаги тиббиёт пунктлари ҳарбий врач ва фельдшерлари бир қатор йўналишларда беллашиб, ғолиблар юзага чиқди. Биз газетамизнинг ўтган сонида бу ҳақда маълумот берган эдик. Ушбу мақоламизда эса ғолиблар ҳақида сўз юритамиз.

ШИФОКОРЛАР СУЛОЛАСИ ВАКИЛИ

Билим, иқтидор, тажриба ҳар бир касб эгасининг малакали мутахассис сифатида қад ростлаши учун зарур жиҳатлардан ҳисобланади. Тиббиёт ходимлари ҳақида сўз кетганда эса бедорлик, фидойилик сўзларини ҳам уларнинг таърифига қўшмоқ лозим. Чунки инсон ҳаёти, унинг саломатлиги билан боғлиқ соҳада янглишиш, эътиборсиз бўлиш кўнгилсизликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун шифокорлар ўз «пост»ларида бедор турмоқлари, тажрибага таяниб иш кўрмоқлари шарт. Балки шу сабаб шифокор бўлишга барчанинг ҳам журъати етавермайди. Лавҳамиз қаҳрамони Шукрулло тоғалари сабаб бу соҳага жуда эрта меҳр қўйди. Унинг ота-онаси шифокор бўлмаса-да, доно халқимиз таъриф этган «Ўғил тоғага тортади», ҳикмати унинг ҳаётида ўз исботини топди. Чунки уч тоғаси Сурхондарёнинг кўзга кўринган шифокорлари эди. Шундай қилиб оиланинг икки ўғлони шифокорлар сулоласининг вакилига айланишди. Самарқанд тиббиёт институтини 1997 йилда битирган Шукрулло дастлаб Термиз шаҳрида, кейинчалик ўзи туғилиб ўсган Қизириқ тумани юқумли касалликлар шифохонасида соҳаси бўйича хизмат қилди. Фаолияти давомида маълум тажрибага эга бўлиб улгурган иқтидорли шифокор 2000 йилдан ҳарбий тиббиёт ходимлари сафидан муносиб жой эгаллади. Шубҳасизки, энди унинг ҳаёти ҳарбийларга хос бўлган бурч мажбурияти билан давом этди. Мана, етти йилдирки тиббий хизмат майори Шукрулло Сафаров Шарқий-ҳарбий округнинг энг тажрибали тиббиёт ходимлари сирасидан. Албатта, бу мавқега эришгунга қадар бир қатор ҳарбий қисм тиббиёт пунктларида астойдил хизмат қилишига тўғри келди.

– Инсон интилиши, ҳаракати билан ўз соҳасида етакчи бўлиши, юқори довонларни эгаллаши мумкин, – дейди суҳбат чоғида «Энг илғор қўшин врачи» танлови ғолиби биз билан суҳбатда. – Ҳар бир эришган ютуғимизда соҳа сирларидан сабоқ берган устозларнинг ўрни беқиёс. Мен бу борада тиббий хизмат офицерлари – Баҳром Давронов, Фахриддин Шукуров ва Александр Анларнинг номларини алоҳида тилга олишни истардим. Эришган муваффақиятларимда албатта, уларнинг катта ҳиссаси бор.

Ғолиб шифокорнинг келажак орзуларидан бири ҳарбий госпиталда хизматини давом эттириб, беморларни даволаш борасидаги малакасини янада мустаҳкамлаш. Шукрулло «Энг илғор қўшин шифокори» танловида ғолиблик билан бир қаторда иккинчи тоифали шифокор мақомига ҳам эга бўлди. Шифокорлар сулоласини давом эттириб, ўз касбини улуғлаган қаҳрамонимизнинг фарзандлари Тўлқинжон, Мафтуна ва Зубайдалар оталари касбини келажакда ўзи сингари эъзоз этсалар ажаб эмас.

КАСБИГА МУНОСИБ ЎҒЛОН

Бу йилги «Энг илғор фельдшер» танлови ғолиби тиббий хизмат сержанти Дониёржон Расулов билан суҳбатлашган ҳар қандай инсон унинг ғайрат ва шижоатини ҳар қадамда ҳис қилиб туради. Ватан посбонлари сафида мана шундай оловқалб тиббиёт ходимлари хизмат қилиши бежиз эмас. Унинг сўзи билан айтганда, тиббиёт асбоблари билан тўла сафар халтасини елкага ортиб, чўлу тоғлик ҳудудларда ҳарбий хизматчилар билан бир сафда юришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун нафақат касбий маҳорат, балки куч, ирода ҳам талаб этилади. Бизнинг қаҳрамонимиз эса ўз вазифасини аъло даражада уддалаш билан бирга юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, маҳорату чаққонлик борасида танлов ғолиблигини қўлга киритган шоввозлардан.

Келинг, унинг ҳаёт йўлига биргаликда назар ташлайлик. Андижон вилоятининг Балиқчи туманида истиқомат қилаётган Юсуфжон ака ва Турсуной опалар хонадонида саккиз фарзанд вояга етган бўлиб, шулардан тўрттаси тиббиёт соҳаси вакилидир. Бўз тумани тиббиёт билим юртини тугатган Дониёржон дастлаб армия хизматига отланди. Хизматда ўқиган соҳаси бўйича фаолият юритиш имконига эга бўлди. Ўша онларда у ҳарбий шифокорлар сафида хизмат қилишни ният қилган бўлса ажабмас. Йигитлик бурчини ўтаб қайтган ўғлон дастлаб туман марказий шифохонасида жонлантириш бўлими фельдшери сифатида иш бошлади. 2001 йилда эса ҳарбий либос кийишга муваффақ бўлди. Ҳарбий тиббиёт соҳасини ўз йўналиши, ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд. Шу сабаб ёш ҳарбий фельдшер 2003 йилда олти ой, бу йил эса уч ой давомида сержантлар тайёрлаш мактабида ҳарбий тиббий тайёргарлик бўйича таҳсил олди. Тажриба ва малакасини янада мустаҳкамлади. Тиббий хизмат офицерлари – Хайрулла Убаев, Баҳодир Турсунбоев, Фарҳод Новиков каби устозлари сабаб иқтидорли фельдшерлар сафидан муқим жой эгаллади. 2006 йилда «Энг илғор фельдшер» танловида иккинчи ўринни қўлга киритган йигит, астойдил ҳаракати сабаб бу йил биринчи ўрин соҳиби бўлди.

Бу йилги танловда ҳар икки ўрин ҳам Шарқий ҳарбий округ тиббиёт ходимларига насиб этганини таъкидлаш жоиз. Бу борада округ масъул ходими тиббий хизмат офицери Александр Аннинг жонкуярлигини эътиборга олиш лозим. Чунки ҳар икки ғолиб ҳам бу инсоннинг меҳнатига, фидойилигига алоҳида урғу бериб ўтишди. Шубҳасизки, Мудофаа вазирлиги тизимида анъанавий тарзда давом этиб келаётган «Энг илғор қўшин врачи» ва «Энг илғор фельдшер» танловлари ҳарбий шифокорларнинг малака ва иқтидорини юзага чиқишига замин яратаверади.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Аббос Улуғхўжаев олган сурат.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»

ЗАРУР ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Маълумки, қиш фаслида бошқа даврларга нисбатан аҳолининг иситиJмосламаларига бўлган эҳтиёжи бир мунча ортади. Бу эса ўз навбатида, жойларда ёнғин чиқиш хавфининг ҳам кескин ошишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан мамлакатимизда 15 ноябрдан 15 декабрга қадар «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад газ, энергетика, сув хўжалиги ва иситиш мосламаларининг тўлиқ созлигига эришиш, ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилишининг олдини олиш,қисм муассасалардаги ўт ўчириш гуруҳларининг тайёргарлик даражасини ошириш, уларни тегишли воситалар билан таъминлашни янада яхшилаш, ишчилар, хизматчилар, ўқув юртлари ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, жамоатчиликни ёнғин ҳавфсизлиги билан боғлиқ тадбирларга кенг жалб қилиш ва бошқа чора-тадбирлар кўришдан иборат.

Мудофаа вазирининг Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан чиқарган буйруғида ҳам тизимга қарашли ва ҳарбий шаҳарчаларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида бир қатор вазифа ва масалаларга катта эътибор қаратилган.

Бу борада Тошкент гарнизони ёнғиндан сақлаш ва қутқариш ишлари хизмати ходимлари томонидан олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир.

–Барча ташкилот ва муассасаларда бўлгани сингари Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда, объект ва ҳарбий шаҳарчаларда ёнғин хавфсизлигини янада кучайтириш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда, – дейди офицер Рамазон Атажонов. – Мудофаа вазирининг тегишли буйруғида бу борадаги асосий вазифалар белгиланган бўлиб, барча ҳарбий объектларни ҳамда ҳарбий хизматчилар яшаб турган уй-жойларни, ҳарбий шаҳарчаларда жойлашган боғча ва мактабларни ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолатга келтириш, газ, энергетика ва сув билан таъминлаш тизимининг, иситиш мосламаларининг ҳолати ва созлигига алоҳида эътибор қаратиш, ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини доимий соз ҳолатда сақлаш шулар жумласидандир. Бизнинг хизмат ходимлари томонидан бу борада турли тадбирлар назарий ва амалий машғулотлар асосида олиб борилмоқда.

Шунингдек, ёнғиндан сақлаш ва қутқариш ишлари хизмати ходимлари томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида ҳамда ҳарбий ўқув юртларида, мактаб ва боғчаларда кенг кўламли тушунтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Жумладан, Любовь Муротова, Мавлуд Файзиев, Ортиқ Сапарметовлар фаолият юритаётган ҳарбийлар ётоқхонасида ойлик доирасидаги тадбирлар бўлиб ўтди.

– Ушбу тадбирлар давомида асосий эътибор, – дейди сержант Мурод Матсафоев, – бинолардаги ёнғин хавфсизлиги бурчаги ва асбоб-анжомлари, электр токи ва иситиш мосламаларининг созлигига, ўт ўчириш гуруҳларининг фавқулодда ҳолатларда ҳаракатланишига, шахсий таркибнинг билим ва кўникмаларини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, чироқ, газ ва иситиш мосламаларидан тўғри фойдаланиш бўйича мутахассислар томонидан тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Тадбир давомида аниқланган камчиликлар ва носозликлар ўз ўрнида бартараф этилиб, тегишли чоралар кўрилаётир.

Таъкидлаш жоизки, бу каби тадбирлар мобайнида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари фаоллигини ошириш, жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Мақсадга эришиш учун барча омиллар ишга солинаяпти. Шу туфайли, ҳар бир фуқаро ва ҳарбий хизматчи ёнғин содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш, уни бартараф этиш учун нима чора кўриш лозимлигини яхши англаб етмоқда.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.



МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИ БЎЙЛАБ САЁҲАТ





Музейлар тарих кўзгуларидир. Сиз қайси йўналишдаги музейга кирманг, аввало мозий билан юзлашасиз. Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли деганларидек, юрт, миллат тарихини билмоқ ҳар бир инсон учун фарздир. Чунки ўзлигингни англамоқ учун Ватанинг, аждодларинг тарихини ўрганмоғинг шарт. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, «Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди». Музейлар эса мана шу тарихни жонлантиришга қодир маданият гўшаларидир. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Маданият ва спорт ишлари вазирликларининг «Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларининг Ўзбекистон давлат музейлари билан ҳамкорлигини ташкиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори ҳам айнан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ушбу ўзига хос маданият даргоҳлари билан доимий равишда танишиб боришлари, маънавий озуқа олишлари учун янада кенг имконият яратди, десак арзийди. Қўшма қарор ижроси ҳозирда ҳар бир ҳарбий қисм ва муассасалар томонидан кенг кўламда амалга ошаётганига гувоҳмиз.

Куни кеча Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг биринчи курс курсантлари Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлишди. Билимга чанқоқ, тарихининг ҳар бир қиррасини билишга интилиб турган бу ўғлонлар учун шубҳасизки бундай тадбирларнинг ўрни беқиёс. Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий музейи ва ҳарбий билим юрти раҳбарияти ҳамкорлигида уюштирилган ушбу саёҳат курсантларда катта таассурот қолдиргани, маънавий баркамолликка эга бўлишлари учун хизмат қилгани аниқ. Бу борада билим юрти офицери Акмалжон Салимов ўз фикрларини қуйидагича изоҳлади.

– Курсантларимиз йил давомида йигирмадан зиёд музей ва театрларда бўлишди. Шунингдек, биз уларнинг қизиқиш ва истакларини ҳам инобатга оламиз, албатта. Билим юрти раҳбарияти музей ва тарихий гўшаларга саёҳатлар уюштиришда мана шундай маданият даргоҳлари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган. Бунинг ижобий натижалари хусусида узоқ тўхталиш мумкин. Чунки бўлажак офицерларнинг интеллектуал салоҳияти, ижтимоий-сиёсий машғулотлардаги фаоллиги ана шундай тадбирлар билан узвий боғлиқ.

Музей залларидаги экспонатларни қизиқиш ва эътибор билан томоша қилаётган курсантларни кузатаман. Уларнинг нигоҳидаги ҳайрат ва ҳаяжонни англаш қийин эмас.

– Юртимиз, миллатимиз тарихи билан боғлиқ ҳар бир осори-атиқалар, экспонатлар биз учун жуда қизиқарли,– дейди курсант Сардорбек Расулов. – Мен бу ерда олдин ҳам бўлганман. Лекин ҳар гал янги-янги таассурот билан қайтаман. Айниқса, музейдан жой олган Темурийлар сулоласи даврига оид экспонатлар менда доимо катта қизиқиш уйғотади. Чунки ўша давр маданияти, архитектураси аждодларимиз қай даражада маънавияти юксак, маърифатли миллат бўлганлигидан далолат бериб туради.

– Ҳар бир музейда ўзига хослик мужассам, – суҳбатга қўшилади курсант Паҳлавон Юнусов. – Шу сабабли музейлардан янги-янги таассуротлар билан қайтамиз. Бу йил сафдошларим билан Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий музейида, Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейида, Ўзбекистон давлат санъат музейида, Темурийлар тарихи давлат музейи каби бир қатор мана шундай улуғ даргоҳларда бўлдик. Бу тарихимиз, қадим маданиятимизни чуқурроқ ўрганишимизда катта ёрдам беради.

Курсант Акбаржон Расулов ҳам дўстларининг фикрини қувватлаб, бундай маданий тадбирлар учун Мудофаа вазирлиги ва билим юрти раҳбариятига курсантлар номидан миннатдорлик сўзларини айтиб ўтди.

Курсантлар билан суҳбат жараёнида сездимки, музейларга уюштирилган бундай ташрифларнинг ўрни беқиёс. Чунки авлодларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун аждодлар тарихини ўрганмоқ муҳим ўрин тутади. Бу барча даврларда ўз исботини топиб келган. Таъкидланаётган қўшма қарор эса ана шундай эзгу ишларга бевосита хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Зарина НИШОНОВА.

1 декабрь – Халқаро ОИТСга қарши кураш куни

БАЛОИ ОФАТДАН УЗОҚ БЎЛАЙЛИК

Олимлар томонидан одам иммун яъни, ҳимоя тизими танқислиги вируси (ОИВ) ва орттирилган иммун танқислиги синдроми (ОИТС) аниқланганига ва бу йўналишда илмий изланишлар олиб борилаётганига 25 йилдан ошганига қарамай, ҳозирги кунгача ушбу касалликни бутунлай тузатиб юборадиган дори-дармон, унинг олдини олувчи вакцина (эмдори) топилганича йўқ. Демак, инсониятни бу балою офатдан асрашнинг асосий йўли аҳоли ўртасида ОИВ/ОИТС касаллиги, унинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни кенг тарғиб қилиш ҳисобланади.

Бунинг учун биринчи навбатда ОИВ/ОИТС ҳақида ўзимиз етарли маълумотга эга бўлишимиз, тавсияларга қатъий амал қилишимиз, хизматдошларимиз, оила аъзоларимиз, дўст-биродарларимизни хавфдан ўз вақтида огоҳ этишимиз даркор.

Ушбу касалликка қисқача изоҳ берадиган бўлсак, одам иммун танқислиги вируси асосан одам танаси ҳимоя тизимини жароҳатлайди, натижада организм турли хил касаллик қўзғатувчиларига қарши курашиш қобилиятини йўқотиб, улар олдида ҳимоясиз бўлиб қолади.

«ОИВ инфекцияси» – ОИВи организмга тушишидан бошлаб унинг ҳимоя тизими асосини ташкил этувчи оқ қон ҳужайраларида пассив ҳолатда сақланиш даври организмнинг ҳимоя қобилиятига қараб бир неча ойдан 8–12 йилгача давом этиши мумкин. Бу даврда одамда касаллик белгилари намоён бўлмаганлиги сабабли уни соғлом одамдан ажратиб олишнинг имкони бўлмайди. Бироқ у бошқаларга касалликни турли йўллар билан юқтириши мумкин.

ОИВ эса ОИТС инфекциясининг сўнгги босқичи бўлиб, бунда емирилган иммунитет, яъни ҳимоя тизими инфекцияларга қарши кураша олмайди ва касаллик ўлим билан якун топади.

ОИВ жинсий алоқа йўли, парентерал, яъни қон ва қон маҳсулотлари қуйилганда, аъзо ва тўқималар кўчириб ўтказилганда, тери ва шиллиқ қаватлар бутунлиги бузилиши билан кечадиган барча муолажаларда, тиббий муолажа жараёнида ностерил тиббий асбоб-анжомлар, шприц ва инадан фойдаланилганда, соқол олиш ускуналари, тиш ювиш воситаларидан умумий фойдаланилганда, татуировка, пирсинг қилишда, ҳомиладорлик пайтида онадан ҳомилага йўлдош орқали ёки кўкрак сути орқали ҳам юқиши мумкин.

ОИВ билан касалланганларнинг асосий қисмини соғлом турмуш тарзидан йироқ бўлган кишилар, яъни гиёҳвандлар, фоҳишалар ва тартибсиз жинсий ҳаёт кечирувчилар ташкил этади. Айниқса охирги йилларда ОИВнини жинсий йўл билан юқтириш ҳолатлари кўп кузатилмоқда.

ОИВ /ОИТСдан қандай ҳимояланиш мумкин:

– тасодифий жинсий алоқадан ўзини сақлаш;

– гиёҳванд моддаларни истеъмол қилмаслик;

– шахсий гигиенага қатъий риоя қилиш – биров ишлатган устара, тиш чўткасини ишлатмаслик;

– татуировка, пирсинг, нина билан даволаш каби тери бутунлигини бузиш билан кечадиган муолажалардан ўзини сақлаш орқали.

Мабодо жинсий алоқа йўли билан юқадиган касалликларга чалинган бўлсангиз, ўз вақтида ва тўлиқ даволанинг. Муолажа тугагандан сўнг эса тегишли лаборатория текширувидан ўтиб, касалликдан тўлиқ фориғ бўлганлигингизга ишонч ҳосил қилинг!

Энг асосийси, спиртли ичимликлар, гиёҳвандмоддаларни қабул қилишдан сақланинг! Чунки киши маст ҳолда ўз хатти-ҳаракатини назорат қила олмайди, тасодифий жинсий алоқаларга йўл қўяди, тегишли ҳимоя воситаларидан фойдаланмайди.

Одамнинг ташқи кўринишига қараб ОИВ инфекциясини юқтириб олганлигини билиб бўлмайди. ОИВ инфекцияси бор-йўқлигини фақат лаборатория таҳлиллари орқалигина аниқлаш мумкин. Демак, лаборатория таҳлили ўтказилиб, ОИВ инфекцияси ташувчиси аниқлангунга қадар у атрофдагилар учун жуда хавфли ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикасининг «Одам иммун танқислиги вирусининг олдини олиш тўғрисида»ги қонунига кўра ОИВга текширтириш фақат кўнгилли равишда, хуфёна (яъни текширтираётган шахс ўз исм-фамилияси, касби ва иш жойини айтиши шарт эмас) ва конфиденциал ҳолда ўтказилади. Бунинг учун республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларида ишончҳоналар фаолият юритмоқда. ОИВга текширтириш барча лабораторияларда бепул ва сизнинг хоҳишингизга кўра хуфёна амалга оширилади. (Шунингдек, Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази махсус лабораториясида ҳам ОИВ инфекциясига текширтириш ёки ОИВ/ОИТС ҳақида батафсил маълумотлар олиш мумкин).

Хулоса қилиб айтганда, соғлом турмуш тарзи, гиёҳвандлик иллатидан узоқроқ юриш, спиртли ичимликларни истеъмол қилмаслик, бетартиб жинсий алоқалардан ўзини тийиш ва юқорида айтиб ўтилганларга амал қилиш орқали ОИВ /ОИТСдан сақланамиз, теварак-атрофдагилар учун хавф туғдирмаймиз.

Тиббий хизмат майори Абдуғани ЮЛДАШЕВ.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

ОИВ/ОИТСнинг дунё муаммосига айлангани бугун ҳеч кимга сир эмас. Дунё тиббиёти статистик маълумотлари ҳам қувонарли эмас. Мазкур маълумотларга кўра ушбу юқумли касаллик билан касалланганлар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ачинарлиси шундаки, бу даҳшатли касалликдан батамом даволаниш имконияти йўқ.

Қуролли Кучларимизда ҳам ОИТС, унинг хавфлилик даражаси, юқиш манбалари, ҳимояланиш воситалари ҳақида батафсил маълумот берадиган семинар-тренинглар ташкил қилинган. Мазкур тадбирлар Қуролли Кучлар учун БМТ томонидан махсус ташкил қилинган лойиҳа доирасида ўтказилган эди. Бу албатта, ўзининг ижобий самарасини кўрсатди. Посбонларимиз даҳшатли юқумли касалликка қарши энг ишончли кураш воситаси бу соғлом турмуш тарзи эканлигини яхши биладилар. 1 декабрь –Халқаро ОИТСга қарши курашиш куни муносабати билан жойларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи тадбирлар уюштирилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Самарқанд олий ҳарбий автомобиль муҳандислик қўмондонлик билим юртида ўтказилди. Унда вилоят ОИТС марказининг шифокор- мутахассислари, вилоят ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Шодиева, Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар қўмитаси раиси – ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўлимининг бошлиғи Ойнисо Нодирова, билим юрти маъсул ходими офицер Шуҳрат Юсупов иштирок этдилар.

– Ёшлар новда каби эгилувчан бўладилар, – дейди тадбирда сўзга чиққан Ойнисо Нодирова. – Улардаги қизиқиш чегара билмайди. Дунёни ташвишга солган бедаво касалликнинг оқибатларини уларга чуқурроқ англатишимиз зарур. Бу ерда бизни тинглаб турган йигитлардан кўнглим тўқ. Улар аллақачон келажакда ким бўлишлари ва қандай эзгу ҳам шарафли ишга бел боғлаганларини яхши англайдилар.

Мазкур тадбирнинг мақсади соғлом турмуш тарзини, сиз мисолингизда намунали ахлоқ меъёрларини тарғиб қилишдир. Соғлом муносабатлар, соғлом турмуш тарзи ҳар қандай кўнгилсизликнинг олдини олишга қодир эканлигини ҳар биригиз шахсий намуна кўрсатиб исботлашингизга шубҳам йўқ.

Шунингдек, тадбирда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Гулнора Шодиеванинг маърузаси ҳам тингланди. Маърузачи жамият тараққиёти ҳар томонлама соғлом оилаларга кўпроқ боғлиқлиги ҳақида алоҳида тўхталди. Бундан ташқари ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари дуч келадиган муаммоларни биргаликда бартараф этиш учун ҳамкорликдаги ишларни янада кенг йўлга қўйиш зарурлигини айтиб ўтди. Ва бу ишга вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамиша тайёрлигини билдирди.

Тадбир баҳс-мунозараларга бой, сермазмун ва қизиқарли ўтди.

Инобат НОДИРШОҲОВА.

3 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

«O'zbekiston» телерадиоканали. Ҳурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан душанба, 3 декабрь куни «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Таҳлилнома».
15.40 ТВ анонс.
15.45 «Ҳамон ёдимда»
16.25 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Шукрона».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.50 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили. «Ҳиммат».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал премьераси. (Туркия).
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Кўнгил риштаси».
Телесериал премьераси. (Корея).
22.55 ТВ анонс.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Рамаяна». Телесериал.
23.50 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ушалган орзулар».
00.30 «Мўйқалам сеҳри».
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 ТВ анонс.
01.35 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.30 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
03.50 «Ҳаёт манзаралари».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ анонс.
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
05.40 Тонги наволар.

ЁШЛАР

Халқаро ногиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш куни.
6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Янги тонг» ахборот-кўнгилочар дастури.
8.00 «Анжелика».
8.30 «Янги авлод-2007».
10.00 «Давр ҳафта ичида».
10.30 «Матонат».
10.45 Миллий кино: «Соғинч соҳили».
12.45 «Матонат».
13.00 «Давр» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
Илмий-маърифий дастур.
14.00 «Пуаро».
14.50 «О, ёшлигим...».
14.55 «Сув — ҳаёт манбаи».
15.00 «Янги кун» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «Давр» ахборот дастури.
16.10 «Мўъжизавий дунё». Маърифий сериал.
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Винни-Пух».
17.30 «Болалар табассуми».
17.35 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Мурувват».
17.45 «Матонат».
18.00 «Kinomaniya».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «UzEX хабарлари».
18.55 «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15 ёшда!»
19.00 «Давр» ахборот дастури.
19.30 «Ёмғир симфонияси».
20.05 «Ажойиботлар хазинаси».
20.10 «Спортлото».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Алия».
21.35 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида).
21.45 «ТВ-банк».
22.00 «Давр» ахборот дастури.
22.30 «Денгиз ўюкмдори».

ТОШКЕНТ

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм «Шуке ва Бэйта».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила».
19.20 «Тв юрист».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг» (рус.).
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
20.20 «Милагрос». Телесериал.
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Ўйларим».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Шоколад».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.30 «Детективы».
9.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
9.30 «Малахов+».
10.30 «Мониторинг».
10.50 Гандбол. Аёллар. Ўзбекистон чемпионати.
11.30 «Учрашув».
12.20 Баскетбол. Евролига. «ТАУ Керамика» (Испания) — ЦСКА (Россия).
13.00 Теннис. Кубок Дэвиса. Финал. Россия — США.
14.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Локомотив» — «Курувчи». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
18.00 «Полвонжон».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Жасорат».
19.35 «Футбол шарҳи».
20.00 «Жди меня».
20.50 «Сув париси». Синхрон сузиш бўйича халқаро турнир.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Бокс. С. Жаксон хотира турнири.
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Пахтакор».

4 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сарой жавоҳири».
7.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралигида».
7.55 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
9.05 «Болалар сайёраси».
10.10 «Одами эрсанг».
10.30 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон».
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Турмуш чорраҳаларида».
15.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралигида».
15.30 «Заковат».
16.20 «Бир кун».
16.45 «ИИВ хабарлари».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Агар Сиз».
17.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.55 «Ҳудудлар ҳаёти».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Сайлов-2007».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.15 «Рамаяна».
23.50 Тунги наволар.
24.00 Кўрсатувлар дастури.
24.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Фаёзтепа».
00.30 «Мўйқалам сеҳри».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.35 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.30 «Чемпион сирлари».
02.50 «Мисли гавҳар».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «Kinomaniya».
03.40 «Истеъдод».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Янги тонг» ахборот-кўнгилочар дастури.
8.00 «Анжелика».
8.30 «Жаҳон мумтоз мусиқаси».
8.40 «Мўйқалам сеҳри».
9.10 «Камолот» хабарлари.
9.30 «Ёмғир симфонияси».
9.55 «Ажойиботлар хазинаси».
10.00 «Давр» ахборот дастури.
10.10 «Интерфутбол».
11.40 «Куйла, дилкаш дуторим!»
12.00 «Алия».
12.40 «Таълим ва тараққиёт».
12.55 «Тошкент — 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти».
13.00 «Давр» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
Илмий-маърифий дастур.
14.00 «Пуаро».
14.55 «Сув — ҳаёт манбаи».
15.00 «Янги кун» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «Давр» ахборот дастури.
16.10 «Мўъжизавий дунё». Маърифий сериал.
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Винни-Пух». Мультсериал.
17.30 «Денгиз ҳукмдори».
18.40 «Ёшлик наволари».
18.55 «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15 ёшда!»
19.00 «Давр» ахборот дастури.
19.30 «Ёмғир симфонияси».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «Joker» телелотереяси.
20.20 «Автопатруль».
20.35 «Ажойиботлар хазинаси».
20.40 «Coscom»дан бахтли ўнталик».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Алия».
21.35 «Yoshlar» анкетаси.
21.40 «Сайлов-2007».
22.00 «Давр» ахборот дастури.
22.30 «Денгиз ҳукмдори».
23.45 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7 30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Аёл қалби».
9.55 «Ўйларим».
10.30 «Милагрос». Телесериал.
11.00 «Интервью» (рус.).
11.20 Кино: «Шоколад».
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Телесериал.
19.50 «Ҳимоя».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Милагрос». Телесериал.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Премьера».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
22.50 Кино: «Эрагон».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Каркасная церковь в Урнасе». Документальный фильм.
9.30 «Малахов+».
10.30 Гандбол. Аёллар. Ўзбекистон чемпионати.
11.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Андижон».
12.00 Теннис. Кубок Дэвиса. Финал. Россия — США.
18.00 Болалар спорти.
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
18.50 «Вокруг света».
19.35 Футбол. Чемпионлар лигаси кундалиги.
20.00 «Колесо фортуны». Сериал.
20.50 «Сув париси». Синхрон сузиш бўйича халқаро турнир.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Бокс. С. Жаксон хотира турнири.
22.40 «Игра по чужим правилам». Фильм.
00.40 Футбол. Европа чемпионлар лигаси «Милан» (Италия) — «Селтик» (Шотландия). Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Жаҳон спорти юлдузлари».

5 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сарой жавоҳири».
7.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралигида».
7.55 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
9.05 «Болалар сайёраси».
9.40 «Агар Сиз».
10.05 «Ягона оилада».
10.25 «Ҳудудлар ҳаёти».
10.40 «ИИВ хабарлари».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон».
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қиш».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Турмуш чорраҳаларида».
15.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралигида».
15.30 «Ўзбегим ўғлонлари».
16.20 «Ҳамкорлик ришталари».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
17.40 «Болалар сайёраси».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Рангин дунё».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Сайлов — демократия кўзгуси».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.15 «Рамаяна».
23.50 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Геологик қўриқхона».
00.25 «Мўйқалам сеҳри».
00.55 ТВ анонс.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.35 «Янги кун».
02.25 «Ватанпарвар».
03.25 «Рангин дунё».
03.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Китоб».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Янги тонг» ахборот-кўнгилочар дастури.
8.00 «Анжелика».
8.30 «Жаҳон мумтоз мусиқаси».
8.40 «Мўйқалам сеҳри».
9.15 «Мурувват».
9.25 «Ватаним!»
9.30 «Ёмғир симфонияси».
9.55 «Ажойиботлар хазинаси».
10.00 «Давр» ахборот дастури.
10.10 «Тошкент — 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти».
10.15 «Автопатруль».
10.30 «Ватанпарвар».
11.20 «Лангар». Видеофильм.
11.50 «Радиодан кўрсатамиз!»
12.00 «Алия».
12.40 «Чемпион сирлари».
13.00 «Давр» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
Илмий-маърифий дастур.
14.00 «Пуаро».
14.50 «О, ёшлигим...».
14.55 «Сув — ҳаёт манбаи».
15.00 «Янги кун» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «Давр» ахборот дастури.
16.10 «Мўъжизавий дунё». Маърифий сериал.
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Винни-Пух». Мультсериал.
17.30 «Денгиз ҳукмдори».
18.40 «Ёшлик наволари».
18.55 «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15 ёшда!»
19.00 «Давр» ахборот дастури.
19.30 «Ёмғир симфонияси».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «Joker» телелотереяси.
20.20 «Автопатруль».
20.35 «Ажойиботлар хазинаси».
20.40 «О, ёшлигим...»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Алия».
21.30 «Сайлов-2007».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.15 «Рамаяна».
23.50 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ғаррух ва Зумрад».
00.25 «Мўйқалам сеҳри».
00.55 ТВ анонс.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.35 «Янги кун».
02.25 «Ватанпарвар».
03.25 «Рангин дунё».
03.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Китоб».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ТОШКЕНТ

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7 30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Ҳимоя».
11.20 Кино: «Эрагон».
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Камила». Телесериал.
19.50 «Мукаддас қадамжолар».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Милагрос». Телесериал.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Эртамиз эгалари».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Воин севера».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Панама. 500 лет удачных сделок». Документальный фильм.
9.30 «Малахов+».
10.30 Гандбол. Аёллар. Ўзбекистон чемпионати.
11.10 Футбол. Англия чемпионати шарҳи.
11.55 Теннис. Кубок Дэвиса. Финал. Россия — США.
18.00 Мир детского спорта.
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Стенка на стенку».
19.15 «Халқ ўйинлари».
19.35 «Спортимиз маликалари».
20.00 «Колесо фортуны». Сериал.
20.50 Гимнастрада бўйича Республика фестивали.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Футбол мундиал.
22.10 «Ровесник».
22.30 Футбол. Европа чемпионлар лигаси. «Шахтёр» (Украина) — «Бенфика» (Португалия).
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

6 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сарой жавоҳири».
7.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралигида».
7.55 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Замин ғаройиботлари».
9.05 «Болалар сайёраси».
9.50 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
10.00 «Сайлов — демократия кўзгуси». (Такрор).
10.30 «Муқаддас қадамжолар».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Минг бир ривоят».
11.20 «Келин».
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 Эски альбом.
14.25 «Турмуш чорраҳаларида».
15.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралигида».
15.35 «Одамлардан бири».
16.00 «Оҳанрабо».
16.40 «Имконият».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Шифокор қабулида».
17.40 «Болалар сайёраси».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 Халқаро ўзбек тўқимачилик ярмаркаси.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Сайлов-2007».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.15 «Рамаяна».
23.50 «Uzbekistan».
00.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон замонавий миниатюраси».
00.25 «Мўйқалам сеҳри».
00.55 Эски альбом.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.35 «Янги кун».
02.25 «Назм ва наво».
02.55 ТВ анонс.
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «Ўзбегим ўғлонлари».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

ЁШЛАР

7.00 «Янги тонг».
8.00 «Анжелика».
8.30 «Жаҳон мумтоз мусиқаси».
8.40 «Мўйқалам сеҳри».
9.10 «Матонат».
9.25 «Ватаним!»
9.30 «Ёмғир симфонияси».
9.55 «Ажойиботлар хазинаси».
10.00 «Давр» ахборот дастури.
10.10 «Тошкент — 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти».
10.15 «Автопатруль».
10.30 «Ёш оилалар — давлат ҳимоясида».
10.50 «Марғилон». Видеофильм.
11.10 «Kinomaniya».
12.00 «Алия».
12.40 «Меъёр — соғлик гарови».
13.00 «Давр» ахборот дастури.
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
Илмий-маърифий дастур.
14.00 «Пуаро».
14.55 «Сув — ҳаёт манбаи».
15.00 «Янги кун» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.50 «Мулки мумтоз».
16.00 «Давр» ахборот дастури.
16.10 «Мўъжизавий дунё». Маърифий сериал.
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Винни-Пух». Мультсериал.
17.30 «Денгиз ҳукмдори».
18.40 «Ёшлик наволари».
18.55 «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15 ёшда!»
19.00 «Давр» ахборот дастури.
19.30 «Ёмғир симфонияси».
20.05 «Ажойиботлар хазинаси».
20.10 «Конституция менинг тақдиримда».
20.40 «О, ёшлигим...»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Алия».
21.35 «Yoshlar» анкетаси.
21.40 «Сайлов-2007».
22.00 «Давр» ахборот дастури.
22.30 «Денгиз ҳукмдори».
23.45 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Эртамиз эгалари».
9.55 «Интервью».
10.30 «Милагрос». Телесериал.
11.00 «Туризм ҳақида» (рус.).
11.40 Кино: «Воин севера».
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Камила». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю» (рус.).
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Милагрос». Телесериал.
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «O'zbektelefilm» маҳсулоти: «Кўхна Тошкент».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Остров сокровищ».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Сукра. Завещание Симона Боливара». Документальный фильм.
9.30 «Малахов+».
10.30 Гандбол. Аёллар. Ўзбекистон чемпионати.
11.10 Футбол. Испания чемпионати шарҳи.
18.00 Болалар спорти.
18.15 «Эфирда «Машъал».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Курувчи» — «Вобкент».
20.00 «Колесо фортуны». Сериал.
20.50 Гимнастрада бўйича Республика фестивали.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Большие гонки».
22.40 «Большой вальс». Художественный фильм.
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

7 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Чархпалак».
7.45 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Бизнинг кутубхона».
8.50 «Семурғ». Бадиий фильм.
10.00 «Сайлов — демократия кўзгуси». (Такрор).
10.30 «Бир кун».
10.55 ТВ анонс.
11.00 «Кеча келгумдир дебон». Муножат Йўлчиева куйлайди.
11.40 «Саломатлик сирлари».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 ТВ анонс.
13.05 «Осмондаги болалар». Бадиий фильм.
14.35 ТВ анонс.
14.40 «Осмондаги болалар-2». Бадиий фильм.
«Болалар сайёраси»:
16.05 «Ғаррух ва Зумрад». Мультфильм.
16.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» хазинасидан.
17.20 «Интеллектуал ринг».
18.05 «Одами эрсанг».
18.25 ТВ анонс.
18.30 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.00 «Сайлов-2007».
20.20 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ анонс.
21.50 «Денгиздан томчи».
22.20 «Оҳанрабо».
23.00 «Менинг сўнгги тангоим». Бадиий фильм.
00.35 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
00.45 Кўрсатувлар дастури.
00.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қиш».
01.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур (рус.).
01.30 ТВ анонс.
01.35 «Интеллектуал ринг».
02.20 «Оҳанрабо».
03.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
04.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур.
04.40 ТВ анонс.
04.45 «Қор қўйнида лола». Бадиий фильм.
05.50 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 Миллий кино: «Масхарабоз».
8.15 «О, ёшлигим...»
8.20 «Мулки мумтоз».
8.30 «Рўзғор мактаби».
9.00 «Якшанба нонуштаси».
9.20 «Сеними, тошмай тур!» Мультфильм.
9.30 «Болалар давраси».
10.00 «Ватанпарвар».
10.50 Ҳинд киноси: «Зиддият».
13.50 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
14.00 «Алия».
14.40 «Акс». Ток-шоу.
15.20 «Чемпион сирлари».
15.40 «Ринг қироллари».
16.20 «Journal» (инглиз тилида).
16.40 «Style.uz».
17.00 «Келажак овози-2007». («Халқлар дўстлиги» саройидан ёзиб олинган).
18.20 «О, ёшлигим...»
18.25 «Оқшом кўнғироқлари».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Yoshlar» анкетаси.
18.55 «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15 ёшда!»
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «Тошкент вернисажи».
19.55 «Yoshlar» анкетаси.
20.00 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
20.20 «Сайлов-2007».
20.40 «Бу азиз Ватан — барчамизники!»
20.45 «Тарашшум».
21.25 «Эълонлар».
21.30 «Kinomaniya».
22.00 Жаҳон киноси: «Ҳаёт лаззати».
23.45 «Тунги парвоз».
00.15 «Хайрли тун!»

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.45 «Интервью».
10.00 Кино: «Аловуддиннинг сеҳрли чироғи».
11.25 «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.
11.40 «Истеъдод».
12.25 «Милагрос». Телесериал.
13.05 Кино: «Превращаясь в Джейн».
16.45 «Жозиба».
17.10 «Саргузаштлар ороли».
17.35 Кино: «Нафратми ё муҳаббат?» Ҳиндистон. 1-2-серия лар.
19.50 «Мулоҳаза учун мавзу».
20.20 «Кинотақдим».
20.45 «Туризм ҳақида» (рус.).
21.15 «Мисли вслух».
21.20 «Анонс».

СПОРТ

8.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
8.20 «Қувноқ стартлар».
9.00 «Бодрое утро».
10.00 «Хабарлар» (рус тилида).
10.20 «Рақибингиз — гроссмейстер».
10.35 «Пока все дома».
11.25 «Фазенда».
12.00 «Юрмала-2007».
13.00 ПрофРИНГ.
14.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал. «Пахтакор» — «Қурувчи».
Тўғридан тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Тет-а-тет».
18.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
18.25 Еврофутбол. Англия чемпионати. «Миллсбро» — «Арсенал». Тўғридан тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Жаҳон спорти юлдузлари».
20.25 «Спорт уик-энд».
21.05 «Тайм-аут».
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.00 «Ледниковый период».
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

СКАНВОРД



Билимли одамлар ўзларини машаққатларга урадилар, билим билан маҳлиё бўлиб роҳатланадилар.
Юсуф Хос Ҳожиб

ГАЗЕТАНИНГ 47-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Адиба. Сурат. Низо. Ёл. Ис. Дарс. Садаф. Рекорд. Шоира. Ор. До. Алла. Шама. Исо. «Жаҳон». Нарвон. Ари. Лол. Динамометр. Ун. От. Иззат. Айб. Таом. Анри. «ЯК». Шом. Соч. Ош. Рнал. Кема. Ёки. Кез. Уран.

БЎЙИГА: Асар. Вали. Насаф. Али. Ирода. Африка. Ёр. Ер. Кашта. Ром. Сидра. Шоли. Даста. Жон. Ҳал. Оро. Нилуфар. Невада. Ёв. Муаттар. Онт. Той. За. Шер. Имо. Куз. Етакчилик. Низомнома. Она. Ниёз. Ракеш. Бастакор.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ДОИМ УСТУВОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўз-ўзидан аёнки, бу вазифанинг аҳамияти ва моҳияти 2007 йилнинг юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингани билангина боғлиқ эмас, албатта. Ушбу масаланинг муҳимлиги ва долзарблиги шундаки, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ҳар томонлама яхши тайёрланган, етарли даражада таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган, қудратли Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўла олади».

Мана, йил ҳам якунига етай деб қолди. Демак, сарҳисоб палласи ҳам келди. Ана шу сарҳисоб палласи яна бир тантанага – округ ташкил топган кунга тўғри келди. Шу куни М. Тошмуҳамедов номли драма театри ҳарбийлар ва уларни қутлашга келган меҳмонлар, фахрийлар билан гавжум бўлди. Тадбирда Мудофаа вазири Р. Мирзаев, Қашқадарё вилояти ҳокими Н. Зайниев, Сурхондарё вилояти ҳокими А. Эшмуродов, Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусенов, Навоий вилояти ҳокими Б. Рўзиев қатнашдилар. Жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликдан юксак натижаларга эришган, берилган вазифаларни сидқидилдан бажарган, хизмат жараёнида тиришқоқлиги, масъулиятлилиги билан ўзини кўрсатган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар хизматчилари, жамоалар муносиб тақдирландилар. Тадбирда сўзга чиққан Н. Зайниев ҳарбийларни қутларкан, хизматда алоҳида муваффақиятларга эришган бир гуруҳ Ватан ҳимоячиларини халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди.

Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамблининг хушовоз хонандалари, М. Тошмуҳамедов номли драма театрининг артистлари, «Мерос» болалар фольклор гуруҳининг чиқишлари йиғилганларга олам-олам завқ бағишлади.

Бугун амалга оширилган кўпдан кўп эзгу ишларда юқорида белгилаб берилган муҳим вазифаларнинг амалдаги ифодасини кўриш мумкин. Бу борада Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округида амалга оширилган ишлар айниқса таҳсинга сазовордир.

– Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун яратилган қулайликлардан дил қувнайди,– дейди Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар қўмитасининг раиси – ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўлимининг бошлиғи Ойнисо Нодирова. – Яна шуниси қувонарлики, фарзандларимизнинг ҳунар эгаллашлари, тил ўрганишлари учун аёлларимизнинг ўзлари ташаббус билан чиқдилар. Шаҳарчадаги қисқа бир даврда амалга оширилган кўпдан-кўп эзгу ишларда аёл-қизларимизнинг фидойиликлари, ташаббускорликлари таҳсинга сазовордир.

ШАҲАРЧА ТИББИЙ ХИЗМАТ ПУНКТИ

Тиббий хизмат пункти ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Дастлабки кунларданоқ мутахассис шифокорлар таркиби шаҳарча аҳолисига намунали хизмат кўрсата бошлади. Навбатчиликнинг йўлга қўйилганлиги тиббий пункт фаолиятининг узлуксизлигини таъминлайди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари билан мунтазам алоқалар жуда қўл келмоқда. Акушер-гинеколог Зиёда Жўраева шаҳардаги она ва бола скрининг марказига раҳбарлик қилади. У ўз мутахассислигидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий шаҳарча хотин-қизларининг яқин маслаҳатчисига айланди. Ҳарбий хизматчиларнинг оилалари яна бир шундай мутахассис шифокор Республика саломатлик институти вилоят филиали раҳбари Шоира Набиевадан ҳам чексиз миннатдордирлар. Улар иштирокида ўтказилган саломатлик тадбирлари, тиббий кўриклар касалликларни аниқлаш ва энг муҳими олдини олишга катта ҳисса қўшади.

Шунингдек, бу ерда ёш оналар мактабининг фаолият кўрсатаётганлиги ҳам диққатга сазовордир.

МОҲИР ҚЎЛЛАР

Болалар бизнинг келажагимиз деган сўзларда чуқур маъно-мазмун мужассам. Бизнинг барча ишларимиз замирида ёш авлодга ғамхўрлик қилиш, улар учун фаровон ва гўзал турмуш тарзини таъминлаш ётади.

Шаҳарчада ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун «Моҳир қўллар» тўгараги иш бошлади. Мазкур тўгарак уч йўналишда иш олиб боради. Тўгарак ишини олиб борадиган мутахассислар ҳам газетхонларни қизиқтириши табиий, албатта. Улар ҳам шу шаҳарчада яшашади. Буларга қараб туриб аёл бурч туйғусини нақадар теран англашини сезасиз. Чунки улар ўзлари ташаббус кўрсатиб, бировлари масъулиятли хизматдан бўш вақт топиб, яна бировлари уй ва бола ташвишидан ортиб болажонларга ҳунар ўргатишга аҳд қилишган.

Рассомчилик йўналишида Гулзора Алланиёзова болаларга сабоқ беради. У уйида кичкинтой фарзандлари тарбияси билан банд бўлса-да шаҳарча болалари учун ҳам вақт топиб, уларга рассомчилик сир-асрорларини ўргатмоқда. Яқинда нишонланадиган Конституция куни муносабати билан кичкинтойларнинг илк кўргазмаларини ташкил қилиш режалаштирилган.

Қуролли Кучлар хизматчиси Зулфия Турдиева сержантлар тайёрлаш мактабида хизмат қилади. Пластилин билан ишлашда унга тенг келадиган устани топиш маҳол. У мактабгача ёшдаги болаларга бу ҳунардан сабоқ беради.

Аппликация йўналиши ҳам ғоят қизиқарли бўлиб, уни ҳарбий қисм хотин-қизлар кенгашининг етакчиси Матлуба Юлдошева бошқаради.

АРЗАНДА ЭМАС, ПАЗАНДА БЎЛИНГ

Ташкил топганига кўп вақт бўлмаган пазандачилик асослари тўгараги ҳам тез орада қизлар ва ёш келинчакларнинг севимли масканларига айланиб улгурди. Қизлар бу ерда ўн уч ёшдан бошлаб қабул қилинадилар. Тўгаракка офицерлар уйи кутубхоначиси Ирина Волкова раҳбарлик қилмоқда. У миллий анъана ва урф одатларимизнинг пухта билимдони, машғулотларни ўзбек ва рус тилларида олиб боради.

Ҳар қандай билим ҳам амалиёт билан мустаҳкамланса, кутилган натижани беради. Бу ерда қизларимиз учун барча шароитлар яратилган. Ошхона мебеллари, турли ҳажмдаги идишлар, хуллас ошхона учун керакли барча анжомлар мавжуд. Қизлар ўз маҳоратларини кўрсатишлари учун махсус зал ажратилган. Унда миллий ва европа таомларини тайёрлаш ва дастурхонга тортиш намойиш этилади.

Керакли хоналар ва уларга мос мебеллар, газ плиталари, турли-туман идишлар билан таъминлаш – булар бирпасда, бунинг устига ўз-ўзидан бўлиб қоладиган ишлар эмас. Ҳарбий хизматчининг бирмунча мураккаб ҳаёти кўпчилигимизга таниш. Улар оилалари билан ҳар доим ҳам барча шароитлари бадастур жойларда истиқомат қилмайдилар. Қаерда бўлмасин, инсон шароитга қул бўлиб қолмаслиги керак. Биз хизмат сафарларида бўлганимизда оилалари истиқомат қиладиган шаҳарчада ҳашар йўли билан бир қатор масалаларни ўзаро ҳамжиҳатликда ҳал қилган, қилаётган фидойи ҳарбийларимизни ҳам учратамиз. Уларни ҳеч ким бундай ишларга мажбур қилмайди. Аммо қулай шароитлар яратиш имконияти бор экан, нега ундан фойдаланмаслик керак. Излаган имкон топади. Ҳарбий хизматчи яшаш даражаси билан ҳам намуна бўлмоғи керак.

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Ҳарбий шаҳарча аҳолисига беминнат хизмат кўрсатаётган дўкон барча учун байрам туҳфаси бўлди. Мазкур дўкон Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган эди. Айни кунда шаҳарча аҳолиси бу қулайликдан жуда мамнун. Чунки дўконда сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, маиший хизмат ашёлари бозор нархидан анча-мунча арзон. Бу ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун катта қулайлик туғдиради.

Ҳа, округда тарғиб қилишга арзийдиган яна кўплаб ишлар амалга оширилган, оширилмоқда. Қилинадиган ишлар ҳали бисёр. Шу кунларда шаҳарча аҳолисига яна бир қулайлик – тўйхона қуриб фойдаланишга топширилади. Халқимиз учун тўйлар кичик бир байрамдек. Бундан ҳарбийларимиз ҳам мустасно эмас.

ОЛТИН «МЕРОС»

Шаҳарчада олиб борилган баъзи ишларни бутун республикамиз бўйлаб ёйса арзийди. Ана шундай ибратли ишлардан бири «Мерос» фольклор гуруҳининг тузилганлигидир. Гуруҳнинг энг жажжи аъзоси беш ёшда. Бундай гуруҳ тузиш учун фольклорни чуқур тушунган, билимдон кишилар зарур. Қаранг, шундай кишилар орамизда бор. Фақат уларни қидириб топиш, ана шундай эзгу ишларга жалб қила билиш керак. Округ хотин-қизлар қўмитасининг раиси Тамара Маманова бунинг уддасидан чиқди. Бугун вилоятда анчагина танилиб қолган гуруҳнинг ташкил топишида бу инсоннинг фидокорона меҳнатлари бор.


Гуруҳ раҳбари Мухлиса Аҳмедова аслида уйида фарзандлари тарбияси билан банд эди. Фольклор гуруҳини бошқаришни ўз хоҳиши билан зиммасига олди. У бундан ҳеч қандай манфаат кўзлаган эмас. Шаҳарчада ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун беминнат хизмат қилишни зиммага олиш ҳақиқий фидойиларга хос. Фольклор мураккаб жанр. Уни чуқур билмасдан туриб бундай мураккаб ишга қўл уриш мумкин эмас.

Мухлиса ҳали ёш. Аммо унинг ёнида онаси, узоқ йиллар мактабгача тарбия муассасида фаолият юритган фольклор билимдони Раъно опа бор эди. Дадиллик билан бошланган эзгу иш тез орада ўз самарасини кўрсатди. Катта-кичик тадбирларда «Мерос»нинг халқона чиқишларини барча мамнуният билан кутиб олмоқда.

Гуруҳнинг энг кичик аъзоси беш яшар Маржона бойжелагини (бош кийим) ҳилпиратиб, рақс тушиб қўшиқ айтганида, Комилжон, Санжар, Самоиддинлар саҳнада кураш тушиб, жавонмард боболарининг ўлмас анъаналарини қувноқ ҳаракатлар билан намойиш этганларида миллий қадриятларимизнинг мангулигидан, гўзаллигидан ифтихор туясиз. Мен урчуқда мунис ўзбек аёлининг ўзи каби мунис, бетакрор, гўзал орзу-ўйларини кўраман. Урчуқда йигирилган иплар оддий иплар эмас, бу ҳамиша сирли-синоатли келажакнинг, умидли келажакнинг, орзули келажакнинг ўзбек аёли мунаввар ички олами яратган сеҳрли тилсимидир. Урчуқ кўтариб рақс тушган қизалоқлар, сиз миллатнинг гулисиз, митти қалбингиз қадим қадриятлардан нурафшон, ўзбек деган улуғ миллатнинг давомчиларисиз, куйчиларисиз!

Эзгу ишнинг қаноти бор, дейдилар. Амалга оширилган мазкур ибратли иш бошқа округларимиз учун намуна бўлишга арзийди. Истеъдодлар орамизда. Уларни топа билиш ҳар биримизнинг қўлимиздан келади. Мудофаа вазирлиги раҳбарияти ҳам «Мерос»нинг дастлабки муваффақиятларини юксак баҳолаб, ёш санъаткорларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга улкан эътибор қаратмоқда.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.



БАРҚАРОР ЎСАЁТГАН ИҚТИСОДИЁТИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Биз аниқ мақсадга қаратилган бозор ислоҳотларини, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқ ва корхоналарни янгилаш, техник қайта жиҳозлаш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан иқтисодий тараққиётга эришмоқдамиз», – дейди жумладан давлатимиз раҳбари.

Ватан равнақи, халқ фаровонлигидек устувор мақсад йўлидан дадил одимлаётганимизни маълумотлар ҳам исботлаб турибди. Масалан, статистик маълумотларнинг кўрсатишича, сўнгги тўрт йил мобайнида иқтисодиётимиздаги йиллик ўсиш суръати етти фоиздан ошган. Табиийки, бу барқарор ривожланаётганимиздан далолат. Хўш, буларнинг замирида нима ётади?

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аввало иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигини ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини шакл лантириш, давлатнинг назорат ва бошқарув ваколатини кескин камайтириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш борасида изчил сиёсат юритиш, бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш орқали бундайин ўсишга, ривожланишга эришмоқдамиз.

Қолаверса, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш йўлидаги ишларимиз ўз самарасини бермоқда. Натижада дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар тайёрлаяпмиз, замонавий технологиялар эвазига саноат тармоқларимиз етакчи ўринга чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳалари жадал суръатларда ривожланяпти. Буни рақамлар ҳам исботлаб турибди. Яъни, мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 11 фоиздан 25 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши эса 18 фоиздан 42 фоизга, бир сўз билан айтганда, икки баробардан зиёдроқ ошди.

Иқтисодиётимизни жадал ривожланиб боришида саноат корхоналаримизнинг ўзаро кооперация алоқаларини кучайтиришга эътибор ҳам муҳим ўрин тутади. Яқинда «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси буни яна бир бор исботлади.

Аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрда эълон қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимиз саноат корхоналари ўртасидаги кооперация алоқаларининг изчил шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Содда қилиб айтганда, бир неча корхона, ташкилотларнинг ягона бир компанияга бирлашуви – кооперацияси ишлаб чиқариш ҳажми, сифатини яхшиламоқда. Қолаверса, корхоналарнинг жадал модернизация қилиниши, техник қайта жиҳозланиши, юксак технологиялар асосида ишлашида кооперациянинг ҳам улкан аҳамиятини ҳис қиласиз. Бўлиб ўтган тадбир шу маънода ўзаро кооперация алоқаларининг янги-янги истиқболини белгилади. Буни иштирокчи корхоналар вакиларининг оммавий ахборот воситаларига берган интервьюлари орқали ҳам билиш мумкин.

– Ўзбекистон фармацевтика саноати корхоналари у аркибига кирувчи "Фарм Гласс" қўшма корхонаси "Ўзкимёсаноат" давлат акционерлик компанияси билан 6,5 миллиард сўмлик шартнома имзолади. Биржанинг яна бир ижобий жиҳати шундаки, у тармоқлараро кооперациядан ташқари тармоқ ичидаги ҳамкорлик ривожига ҳам янада кенг йўл очаётир. Қиймати беш миллиард сўмдан зиёд тайёр маҳсулотларимиз учун шартнома имзолашга муваффақ бўлдик. Экспортимиз ҳам изчил ўсиб, сўнгги ўн ой давомида 12 миллион АҚШ долларини ташкил қилди,– дейди "Ўзфармсаноат" давлат акционерлик концерни вакили Шожалил Шораҳмедов.

– «Компаниямизда икки йўналишда иш олиб борилмоқда. Биринчиси – энг зарур маҳсулотларни маҳаллийлаштириш, иккинчиси – тармоқлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш. Шу мақсадда "Андижонмаш" акционерлик жамияти, "Ўзметкомбинат" акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси каби корхоналар билан ҳамкорликда иш юритмоқдамиз. Бугунги кунда корхоналар, ташкилотлар, аҳоли тураржойлари замонавий электр ҳисоблаш ускуналари билан тўла жиҳозланаяпти. Бундай янги қурилмалар электр энергияси сарфини аниқ ҳисоблаш тизимини янада такомиллаштириш ва энергетика ресурсларини тежаш имконини беради. Саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси давомида ҳамкорларимиз билан жами ўттиз миллиард сўмлик шартномалар имзолашни мўлжалламоқдамиз»,– дейди "Ўзбекэнерго" давлат акционерлик компанияси вакили Равшан Ортиқов.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш борасидаги фаол сиёсатимиз мевасини беряпти. Бу эса эртанги кунимизга бўлган умидимиз, ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Шерзод ТОЛМАСОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ: ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



(Давоми. Боши 1-бетд.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Шу сабабли ушбу сўров долзарб аҳамиятга эга. Негаки, унинг натижалари жамиятимизни ривожлантиришнинг мавжуд йўналиши ва умумий ғояларини англаш учун жуда муҳимдир.

Ёшларнинг ҳаётий позицияси – Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига йўналтирилган янги, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда уларнинг ўз ўрнини англаши ва рўёбга чиқариши учун ўзига хос платформа ҳисобланади. Мустақиллик йилларида "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ёшлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижалари йигит-қизларнинг ватанпарварлик ва фуқаролик туйғуси барқарор ўсганини қайд этиш имконини беради. Масалан, ёшларнинг аксарияти ўзини ватанпарвар деб ҳисоблайди. Бу борада улар Ватанга садоқат, фидокорона хизмат қилиш ва эл-юртни ҳимоя қилиш, халқимиз довруғини дунёга ёйишда иштирок этишга интилиш каби шахсий фазилатларга катта эътибор бермоқда.

Ўзбекистон ёшлари фарзандларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, буюк аждодлар мероси ва жонажон юртимиз тарихини билиш, мамлакатимиз Президенти асарларини чуқур ўрганиш таълим-тарбиянийг асосий устувор вазифалари, деб ҳисоблайди.

Сўралганларнинг кўпчилиги учун оила (52,6), Ватанга хизмат қилиш ва жамиятга фойда келтириш (81,2 фоиз) муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, ёшлар диний экстремизмнинг хавфини тўлиқ англаган ҳолда, унга нисбатан салбий муносабатда эканини намоён этди. Уларнинг аксарияти – 95,1 фоизи ҳеч қандай диний экстремистик оқимни маъқулламайди. Тадқиқот шуни кўрсатдики, кўпчилик ёшлар террорчиларнинг ҳокимият учун кураш, Ўзбекистонни демократик ривожланиш йўлидан оғдиришга қаратилган ғаразли ниятларини қоралаб, терроризмга ўзининг салбий муносабатини билдирди.

Ўзбекистон ёшлари ўзининг ҳуқуқий маданияти даражасини холисона – яхши ва ўртача деб баҳолади. Олинган маълумотлар йигит-қизларимизнинг мамлакатимиз Конституцияси ва асосий ҳуқуқий кодексларини яхши билишидан далолатдир. Кўпчилигининг фикрича, таълим ва меҳнат ёшларнинг ўз ҳуқуқий маданиятини оширишдан манфаатдорлигининг ўсишига ёрдам берадиган омиллардир. Бундан ташқари, ёшларнинг Конституция, амалдаги қонунчиликнинг асосий қоидаларини чуқур ўрганиш, ҳуқуқий маълумот олишга интилиши қайд этилди. Сўров қатнашчилари махсус адабиёт ва телекўрсатувлар билан танишиш, даврий нашрларда чоп этилаётган ҳуқуқий мавзудаги материалларни мунтазам ўқиш ҳуқуқий маданиятни шакллантириш воситалари эканини кўрсатди. Ёшлар ўзларининг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларидан яхши хабардор эканлигини намоён этди (75,3 фоиз).

Ёшлар олий таълимнинг аҳамиятини юксак баҳолайди. Муайян мутахассисликка эга бўлиш ва моддий фаровонликка эришишни улар айнан олий маълумот билан боғлайди.

Аксарият йигит-қизлар ўз келажаги ҳақида ижобий тасаввурга эга – булар ўзи севган касби, таълим, шахсий ривожланиш билан боғлиқ режалардир.

Йигит-қизларнинг ижтимоий маънавий-руҳий стратегияси маълум даражада уларнинг ижтимоий йўналиши, ҳаётда айнан ким бўлиши, жамиятда қандай ўрин эгаллаши билан боғлиқдир. Сўров ёшларнинг меҳнатга иштиёқи юқорилигини кўрсатди. Кўпчилик сўров иштирокчилари ўз касбини ўзгартириб, янги иш бошлашга тайёр. Шуни таъкидлаш керакки, ўтказилган тадқиқотларга кўра, ёшлар орасида меҳнат қилишни истамайдиган "боқиманда" ёки "қўли ишга бормайдиганлар" ниҳоятда кам.

Улар ўз мақсадига эришиш борасидаги асосий вазифаларини ўзини ўзи моддий таъминлаш, олий ўқув юртига ўқишга кириш, яхши ишга жойлашишда, деб билади.

Шу муносабат билан жамоатчилик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонининг ниҳоятда долзарблигини қайд этади. Ушбу ҳужжат ёшларга меҳнат фаолиятини бошлаш, мустақил ҳаётга қадам қўйишда ҳар томонлама ёрдам бериш, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитини яхшилаш учун барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмларини яратишга қаратилган.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар таҳлили аксарият Ўзбекистон ёшлари келажакка ишонч билан қараши ва бу борада муайян режаларга эга эканлигидан далолат беради. Сўров қатнашчиларининг асосий қисми ўз келажагини билимини янада ошириш, оила қуриш, ўз юртига хизмат қилиши учун яхши мутахассис бўлиш билан боғлайди. Уларнинг аксарияти шифокор, ўқитувчи, тадбиркор, банкир, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос касбини эгаллаш ниятида.

Сўров натижалари шуни кўрсатадики, сифатли билим олиш ва ўз устида мунтазам ишлаш ёшларимизнинг асосий мақсадига айланган. Ҳар иккинчи сўров қатнашчиси шундай фикрда. Шуниси эътиборлики, ҳар учинчи йигит-қиз чет тилини ўрганишни хоҳлайди. Бу маълумотлар Ўзбекистон ёшларининг мустақиллиги ва ижтимоий етуклигидан яна бир далолатдир.

Ўтказилган тадқиқот натижалари мамлакатимиз ёшларининг жамиятдаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик шароитида ижтимоий кайфияти баландлигини кўрсатади. Ёшларнинг қарийб 80 фоизи ўз ҳаётидан мамнун. Бу мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши, билим ва касб эгаллаши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши ҳамда фарвонлиги учун барча шароитлар яратилганининг яққол исботидир.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида ЎзА мухбири Анна ИВАНОВА тайёрлади.

Обуна – 2008

БИЗ «ВАТАНПАРВАР»НИ ТАНЛАЙМИЗ



Мудофаа вазирлигининг қисм ва муассасаларида 2008 йилнинг I ярим йиллиги учун газета ва журналларга, шу жумладан, Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибдаги обуна бошланди.

«Ватанпарвар» газетаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларининг фаолияти ҳақида кенг кўламда ҳикоя қилувчи ягона нашрдир. «Ватанпарвар» газетаси саҳифаларида нафақат турли қўшин турларида хизмат қилувчи ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ўқув жараёни ҳақида, шунингдек, уларнинг турмуши, озиқ-овқат ва моддий таъминоти, маданий дам олишлари борасидаги ишлар, турли тоифадаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига берилаётган имтиёзлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар бериб борилади. Таҳририят журналистлари ва жамоатчи мухбирлари бўлажак Ватан ҳимоячиларининг ўсиб келаётган авлодини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратадилар. Ёшлар мавзуси – ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш мавзуси газетамизнинг энг асосий, устувор йўналишларидандир. Шу сабабдан ҳам республикамиздаги рангли даврий нашр бўлмиш «Ватанпарвар» газетаси газетхонларнинг кенг доираси учун қизиқиш уйғотиб келмоқда.

Обуна компаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибни ахборот билан таъминлаш, ўқитиш ва тарбиялаш ишида, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий ва ахлоқий-жанговар сифатларни, ватанпарварлик, уюшқоқлик ва интизомлиликни шакллантиришдаги улкан ва муҳим аҳамияти ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб боришлари зарур.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини офицерлар, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.


Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари шунингдек, чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, хизматни ўтаётган ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиш ишларини уюштиришлари зарур.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим. Ҳар бир минтақада обуна ишлари билан ўрта ҳисобда 2 тадан 5 тагача компания шуғулланаётганига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Обуна компаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.

СУВ – ҲАЁТ МАНБАИ



Бугун инсоният тараққиёт бобида анча илгарилаб кетди. Яшаш тарзида қулайликлар кўп. Аммо инсон табиати қизиқ-да, ҳар куни фойдаланиб келадиган нарсаларини унчалик ҳам қадрлайвермайди. Ана шундай «қадрсиз» нарсалардан бири бу сувдир. Шўро даври жўғрофия дарсликларида сувни битмас-туганмас ресурслар сифатида ўрганганимиз кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Эндиликда эса битмас-туганмас манбанинг ўзи йўқлиги дунё олимлари томонидан аниқ ҳисоб-китоблар орқали айтилмоқда. Ҳатто тугаб қолишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган мусаффо ҳавомизга ҳам даҳшатли «туйнуклар» яъни емирилаётган озон қатлами хавф солиб турибди.

Биз ривожланган оламда кўп муваффақиятларга эришдик. Аммо шунинг баробарида табиат билан уйғунликда яшаш маданиятидан йироқлашдик. Табиатга бўлган муносабатимиздан кўриниб турибдики, кўпчилигимиз маданият ҳақида жуда тор тушунчага эга эканмиз. Она табиат қўйнидан ёввойиларча юлиб олинаётган турфа гуллар, доривор гиёҳлар, беҳудага кўп исроф қиладиганимиз сув ҳам бизнинг маданиятлилик даражамизни белгилашини ҳамма билмаса керак. Ҳаёт манбаи бўлган сувни қандай қадрлашни унчалик ҳам «маданиятли» бўлмаган қарияларимиздан, кекса онахонларимиздан ўргансак арзийди. Ҳовлиларимиз олдидан шарқираб оқадиган ариқларнинг файзи бўлакча эди. Сувга тупуриш оғир гуноҳ эканлигини бобо-бувиларимиз уқтиришдан чарчамасдилар. Шундай бўлса-да бугунга келиб сувни қадрлаш борасида қилган ишларимиз билан унчалик ҳам мақтана олмаймиз. Қуйида сувнинг бебаҳо аҳамияти ҳақида яна бир бор сиз азиз ўқувчилар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Ер юзасининг учдан икки қисми сувликлардан ташкил топиб, унинг умумий миқдори 1,5–2,5 млд. км. кубга тенг. Шундай 93,96 фоизини океан ва денгиз сувлари, 1,65 фоизини музлик сувлари, 4,12 фоизини ер ости сувлари, қолганини эса кўл, дарё, канал ва атмосфера сувлари ташкил этади. Буларнинг ичида ичимлик чучук сувлари миқдори фақат 2–2,5 фоизга яқин миқдорни ташкил этади. Лекин чучук сувлар ер юзасида нотекис тарқалганлиги ва уларнинг ифлосланиши оқибатида дунёда 50 дан ортиқ мамлакатларда ичимлик суви четдан транспорт воситалари ҳамда сув узатиш қувурлари орқали келтирилмоқда. Шунинг учун ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири чучук ичимлик суви бўлиб келмоқда. Ичимлик сувининг танқислиги саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва аҳолининг кўпайиши оқибатида янада ортади. Чунки сув инсон ҳаёти учун энг зарурий компонентлардан ҳисобланиб, у нафақат чанқоқни қондиради, балки инсон ҳужайралари ичидаги биокимёвий жараёнларни ҳам таъминлайди. Жумладан, барча бўғинлар учун керакли суюқликларни ҳосил қилиш, организмдаги зарарли чиқиндиларнинг буйрак, ичаклар, тери ва ўпка орқали чиқиб кетишини таъминлайди. Мутахассисларнинг аниқлашича, инсон организмида сувнинг етишмаслиги бош оғриғи, ҳолсизланиш ва чарчаш аломатини келтириб чиқаради. Чунки миянинг 75 фоизи ҳам суюқликдан иборат бўлиб, суяк тўқималарида ҳам сув 20 фоизни ташкил этади.

Танамиздаги сувнинг 2 фоизини йўқотиш чанқоқликка, 6–8 фоизини йўқотиш эса ҳушсизликка, 10 фоизини йўқотиш талвасага олиб келади. Тана 10–20 фоиз сувсизлашганда мудҳиш оқибатларга олиб келади. Шунинг учун инсон ўзининг нормал фаолиятини сақлаб туриши учун бир кунда камида 2 литр сув ичиши зарур.

БМТнинг маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда дунё бўйича шаҳар аҳолисининг 23 фоизи, қишлоқ аҳолисининг 80 фоизи сифатли ичимлик суви билан таъминланмаган.

Республикамизда йилига 2,9 миллиард метр куб сув сарфланиб, шундан 92 фоизи қишлоқ хўжалигига, қолган 8 фоизи эса бошқа соҳаларга сарфланади. Бундан кўринадики, мамлакатимизда сувга бўлган эҳтиёж анча юқори. Мана шу манбаларнинг атиги 20 фоизи ўзимизда, қолгани эса четдан келтирилади. Лекин, бу сувларни аҳоли ёки саноат корхоналарининг эҳтиёжларига тўғридан-тўғри ишлатиш мумкин эмас. Сабаби дарё, кўл, канал ва сув омборларидан келтириладиган сувлар талаб даражасидаги сифатли сувлар ҳисобланмайди. Шунинг учун бундай сувларни ишлатишдан олдин уларнинг сифатини ошириш лозим. Сувларнинг сифатини оширишда қатор технологик жараёнлар қўлланилади. Жумладан: тиндириш – бунда сув таркибидаги заррачалар тиндириб тозаланади; чўктириш– бунда сувдаги коллоид ҳолидаги заррачалар кимёвий реагентлар ёрдамида чўктириб тозаланади; тузсизлантириш – бунда сув таркибидаги эрувчан кальций ва магний тузларнинг миқдори камайтирилади; фильтрлаш – сув таркибидаги жуда майда заррачалар фильтрла- ниб тозаланади; зарарсизлантириш – сув таркибидаги бактерия ва вируслар дезинфекция қилувчи модда – хлор ёрдамида зарарсизлантирилади.

Мана шу технологик жараёнлардан ўтказилган сув Давлат стандарти талабига жавоб беради ва у ичимлик суви ҳисобланади.

Ҳозирги кеча-кундузда республикамиз аҳолиси ва корхоналарига кунига 5 миллиард литр сув қайта ишланиб етказиб берилмоқда, чунончи, Тошкент шаҳри аҳолиси учун 2,3 миллион метр куб ичимлик суви етказиб берилмоқда.

Шу ерда ўринли савол туғилади: шунча миқдордаги сувни истеъмолга яроқли ҳолга келтириш учун қанча миқдорда сарф-харажат кетади? Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, 2,3 миллион метр куб сувни тозалаш учун тахминан 10 тонна аччиқтош, 2 тонна хлор, 820 минг киловатт-соат энергия сарфланиб, умумий харажат 40 миллион сўмни ташкил этади.

Энди, мана шундай сарф-харажатлар орқали етказиб берилаётган оби-ҳаётдан оқилона фойдаланаяпмизми, деган саволни ўзимизга бериб кўрайлик. Маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳри хонадонларида киши бошига бир суткалик ичимлик суви 300–700 литрни ташкил этади, шундан 4–10 литрни ичиш учун, қолгани маиший эҳтиёжлар ва беҳуда оқизишларга сарфланади. Жумладан, юз-қўлларни, тишларни тозалаш учун тахминан 20–30 литр, 40–50 минут душ тагида чўмилганда 500 литргача ичимлик суви сарфланар экан, бундан ташқари сантехник қурилмаларнинг ёмон ишлаши, экинларнинг ичимлик суви билан суғорилиши ҳам сувнинг беҳуда исроф бўлишига сабаб бўлмоқда.

Дунё бўйича ўтказилган синовлар натижасига кўра, маиший эҳтиёжлар учун жон бошига 130 литр сув етарли экан. Шунинг учун ҳар биримиз ичимлик сувини қийинчилик билан етказиб берилишини тушуниб, тежамкорлик билан иш тутишимиз шарт ва зарурдир.

Аслида, ичимлик сувини асраш ўзимизни сақлаш демакдир, шундагина бу бебаҳо неъматни келажак авлодга ҳам ўз ҳолича етказиб бериш имкони пайдо бўлади.

Миразим ТОЖИЕВ,
Ўктам ҒОЗИЕВ.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЭКОЛОГИЯ

Инсониятнинг узоқ йиллар давомида атроф-муҳитга бўлган эътиборсиз муносабати билан қатор минтақавий ва глобал экологик таҳдидларни юзага келтирди. Бу эса экологик хавфсизликни таъминлашни, кенг жамоатчиликни экологик вазият, мавжуд муаммо ва таҳдидлар тўғрисида мунтазам хабардор қилишни ҳамда атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишга аҳолининг барча қатламларини жалб этишни тақазо этади. Ушбу жараёнда бевосита оммавий ахборот воситаларининг (ОАВ) имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу муносабат билан «Экосан» халқаро ташкилоти ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида «Матбуот минтақавий ва глобал экологик таҳдидлар шароитида» мавзусида экологик медиа-форум ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, республика газеталари, давлат ва нодавлат радио, телевидение, ахборот агентликлари, интернет-нашриётлари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент ахборот технологиялари университетларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этдилар.

Тадбир аввалида сўзга чиққанлар оммавий ахборот воситаларида экология, атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларининг доимий равишда ёритиб борилиши келиб чиқаётган муаммолар ва касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда бош омил бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар. Шу билан бирга атроф-муҳит муҳофазасига оид материаллар тайёрланганда мавзуни ва мавжуд экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиш, бу муаммоларни ҳал қилишда журналист текширувларини олиб бориш, экологияга бағишланган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрлаш, ҳамда ахборот дастурларида экологик сюжетлар учун эфир вақтини кўпайтириш мақсадга мувофиқлиги ҳам айтиб ўтилди. Мазкур масалалар экомедия-форум иштирокчилари томонидан атрофлича таҳлил қилиниб, керакли тавсиялар қабул қилинди.

– Бугунги кунда ОАВда экологик мавзуларнинг ёритилишида учраётган камчиликлар, журналист-экологларни тайёрлаш масалалари экологик журналистиканинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади, – дейди Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов. – Шунинг учун журналистларнинг экологик билимларини янада юксалтириш, бу борада журналист ва экологларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш бизнинг олдимизда турган энг катта вазифалардан биридир. Бугунги экомедия-форум ҳам ана шу мақсад учун хизмат қилади. Ўйлаймизки, форумдан журналистлар ўзлари учун зарур барча маълумотларга эга бўлдилар.

Муслима ЎРОЛОВА.

Ҳарбий техника янгиликлари

ИЗЛАНИШЛАР, ТАДҚИҚОТЛАР, ЛОЙИҲАЛАР

«Локхид-Мартин» компанияси мутахассислари умумий номланиши MuLE (Multifunction –Logistics and Equipment) деб аталган масофадан бошқарилувчи машиналар оиласини яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Бир вақтнинг ўзида ерда ҳаракатланувчи кучларнинг жанговар ҳаракатларини таъминлаш учун мўлжалланган уч турдаги машиналар яратилмоқда. Булар: енгил автоматик қурол ва 4 та танкка қарши бошқарилувчи ракеталар билан жиҳозланган жанговар машина; миналарни топиш ва портлатиш ҳамда миналар майдонида йўл очиш учун мўлжалланган машина; иккита пиёдалар бўлинмаларига моддий-техник таъминот воситаларини етказиб берувчи транспорт машинаси. Учала модификациядаги машиналар 6 х 6 кўринишдаги ғилдираклар формуласига эга бўлади, уларда мустақил илгич ва ҳар бир ғилдиракка узатма бўлади. MuLE эни 1,5 м бўлган ўра, чуқурлиги 1,25 м.ли сув кечуви, баландлиги 1,5 м бўлган тўсиқлардан ўтиш қобилиятига эга бўлади. Дастлабки режаларга кўра, унинг биринчи намунаси қўшинларга 2010 йилнинг III кварталида, 17–19 та машинадан иборат бўлган партияси эса 2011 йилнинг ўрталарида етказиб берилиши кўзда тутилмоқда.

Исроилнинг FAR TECHNOLOGIES компанияси ABRA (Airborne Weapon Re-Arming System – ҳавода жанговар заҳирани тўлдириш ёки ҳаво арсенали) тизимини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бормоқда. Мазкур тизим тактик қирувчи самолётларга ўз жанговар заҳирасини бевосита ҳавода тўлдириш имкониятини беради. Ишлаб чиқувчи мутахассисларнинг маълумотига кўра, тизим қуйидагича ишлайди. Қирувчи самолёт учаётган арсеналга яқинлашган вақтда у ўз рампасини очади ва унинг ичидан узун балка–рельс чиқиб келади. Рельс акцептор қаноти остига яқинлаштирилгандан сўнг ўша рельс бўйлаб у томонга ракета ёки бомба жойлаштирилган масофадан бошқарилувчи аравача ҳаракатланиб келади ва эҳтиётлик билан пилон (илгич) остига келиб, юкни кўтаради ва қирувчига илади.



Тахминларга кўра, ABRA тизими қирувчининг узоқ муддат давомида ўз базасидан узоқликда жанговар вазифаларни бажариши вақтида «амалга ошириш» мумкин бўлган бомба юкламасини 2–3 баробарга ошириш имкониятига эга. Тадқиқотчиларнинг режаларига биноан, мазкур тизим турли типдаги жанговар машиналар – қирувчи ва штурмчи самолётлар, вертолётлар, шунингдек, жанговар учувчисиз учиш аппаратлари билан иш олиб боришга қодир бўлади.

М. САЙДИВАЛИЕВ.
(«Зарубежное военное обозрение» журнали асосида тайёрланган).

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Цена нефтяной «корзины»

Цена нефтяной «корзины» ОПЕК по состоянию официально составила 88,08 долларов за баррель. Цена «корзины» упала на 2 доллара 19 центов и впервые за девять календарных дней установилась ниже 90 долларов. Историческим максимумом для «корзины» ОПЕК является ценовая отметка 91,91 долларов за баррель, зарегистрированная 21 ноября 2007 года, сообщает РБК.



Подавлен мятеж

Бывшие филиппинские военные, захватившие фешенебельный отель «Peninsula» в деловом районе Манилы, сдались властям. Около 30 мятежников требовали отставки президента страны Глории Макапагал Арройо. В ходе штурма здания ранены были 2 человека. На Филиппинах после антиправительственного мятежа введен комендантский час.



Наводнения в Алжире

Десять алжирцев погибли в результате проливных дождей и наводнений, бушующих в этой североафриканской стране в последние дни, сообщает РИА Новости со ссылкой на АР. Руководство подразделений гражданской обороны заявило, что причиной гибели большинства людей стали обрушения домов и мостов. Только в столице Алжира спасатели насчитали 29 полностью разрушенных зданий



Вторая база ПРО

К востоку от японской столицы, в городе Нарасино, началось развертывание второй базы противоракетной обороны, оснащенной мобильными комплексами ПРО «Пэтриот» последней модификации ПАК-3. Туда были доставлены первые две такие установки американского производства, оснащенные 16 ракетами-перехватчиками. Они призваны прикрыть японскую столицу.



Высажен миллиард деревьев

В 2007 году Программа ООН по окружающей среде (ЮНЕП) выполнила поставленные задачи – по всей планете был высажен миллиард новых деревьев. В кампании приняли участие миллионы людей из различных уголков Земли. Об успехе было объявлено накануне конференции по проблемам изменения климата, которая пройдет на острове Бали, сообщает сайт CyberSecurity.



Беспилотный конвертоплан

В Южной Корее объявлено об успешных испытаниях прототипа беспилотного конвертоплана, что позволит стране приблизиться к мировым лидерам в деле разработки подобных технологий. Полномасштабный конвертоплан будет весить одну тонну, иметь фюзеляж длиной 5 метров с размахом крыла в 4 метра и обладать способностью держаться в воздухе не менее пяти часов. Такая машина сможет выполнять ряд задач, включая наблюдение, обследования с воздуха и разведку.



Искусственные плавники

Исследовательское подразделение Пентагона DARPA сообщило о создании принципиально нового вида экипировки для подводного плавания. С помощью искусственных плавников аквалангист будет имитировать под водой движения дельфина или пингвина, что позволит ему передвигаться на 150% быстрее, чем в традиционных ластах.



В атмосфере Венеры – молнии

Европейская межпланетная станция «Венера-экспресс» помогла разрешить споры, идущие уже почти 30 лет, по поводу загадочных ярких вспышек в атмосфере Венеры. Полученные с помощью магнитной антенны зонда данные подтвердили, что это – разряды молний, происходящие на высоте примерно 56 км от поверхности второй от Солнца планеты.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Герои IV Всемирных военных игр

«СЕРЕБРО» – НЕ ПРЕДЕЛ

Мастер спорта международного класса по борьбе дзюдо младший сержант из ЧВТКИУ Рамзиддин Саидов ехал в Хайдарабад на IV Всемирные военные игры не просто участником этого высшего спортивного форума, а фаворитом. Наверное, стоит напомнить, что у нашего армейского атлета богатый соревновательный опыт. Рамзиддин является неоднократным чемпионом страны, победителем международных турниров, бронзовым призером Азиатских игр по дзюдо, а также чемпионом мира по курашу.

Поэтому на главных стартах года в Хайдарабаде одним из основных претендентов на медаль в узбекистанской команде был именно младший сержант Р. Саидов.

– Конечно, я чувствовал моральную ответственность перед своими поклонниками и болельщиками, – говорит младший сержант Саидов. – И поэтому я просто не имел права выступить плохо, сделал все зависящее от меня и завоевал серебряную медаль.

Давайте «пролистаем» как развивались события на татами у Рамзиддина на пути к серебряной медали. Пять поединков провел представитель наших Вооруженных Сил, и каждый запомнился зрителям.

Но, однако, все по порядку. Прежде всего необходимо подчеркнуть, что на такие соревнования приезжают только опытные мастера.

Итак, первым соперником Рамзиддина был Батужиригела из Китая. Досрочная победа (10:0!) нашего соотечественника. Вторая встреча с Аялсайманом Сулом из Иордании вновь завершилась в пользу Саидова (10:0). И вновь досрочная и убедительная победа. С таким же счетом потерпели поражение от узбекистанца и вынуждены были занять место на скамье зрителей Андрей Кипцевич (Беларусь), Ильяс Баяков (Алжир).

И вот финальная встреча с олимпийским чемпионом Илиасом Илиадисом из Греции. Рамзиддин Саидов уже встречался с ним в прошлом году на международном турнире. Тогда счет поединка был ничейным 0:0. Теперь им предстояло «выяснять отношения», кто же сильнее и кто станет победителем.

К сожалению, в одной из своих атак Рамзиддин Саидов на миг расслабился. Этим тут же воспользовался олимпийский чемпион и взял выигрышный балл. Этого было достаточно, чтобы победа и золотая медаль досталась Илиасу Илиадису.

Но, как признается сам Рамзиддин Саидов, «серебро» – для него не предел. В декабре состоится Международный лицензионный турнир на Олимпиаду. Надеемся, что здесь Саидов проявит себя с лучшей стороны и наберет необходимые очки для участия на Олимпиаде-2008 в Пекине.

Майор Хайриддин ЗАЙНИЛОВ.



Гребля

НАГРАДЫ ДОСТАЛИСЬ СИЛЬНЕЙШИМ

В прошедших на Ташкентском море соревнованиях на Кубок Узбекистана по гребле на байдарках и каноэ за победу боролись свыше ста сильнейших спортсменов нашей страны.

В мужских одиночных состязаниях байдарочников многоопытный спортсмен Сергей Борзов финишировал первым на дистанциях 1000, 500 и 200 метров.

Среди женщин 200 и 500-метровые дистанции первой преодолела Екатерина Шубина, а на дистанции 1 километр лучшей стала Виктория Петришина.

В гонках двоек отличился Алексей Мачалов. Сначала он в паре с Алексеем Питяковым победил на дистанции 500 м, а вместе с Владимиром Осокиным на 200-метровой дистанции завоевал свою вторую золотую медаль. Дважды золотым медалистом стал и Владимир Осокин, выигравший в дуэте с Вячеславом Горном на дистанции 1000 м.

Екатерина Шубина первой преодолела дистанции 500 м и 200 м поочередно в паре с Ольгой Умаралиевой и Еленой Мишиной.

В поединке каноистов чемпион Азии Вадим Меньков не оставил соперникам шансов на дистанциях 200, 500 и 1000 метров и стал абсолютным чемпионом турнира. Кроме того, в состязаниях двоек Вадим Меньков завоевал первое место на 200-метровке, где выступал в паре с Сериком Мирбековым.

В остальных гонках дуэт Герасима Кочнева и Серика Мирбекова завоевал две золотые награды.

Картинг

СОБИР-РАХИМОВЦЫ – ПЕРВЫЕ

Завершились чемпионат и первенство столицы по картингу. В соревнованиях, проходивших в Ташкентской объединенной технической школе, за победу боролись более 60 спортсменов.

Первое место заняла команда учебно-спортивного технического клуба Сабир-Рахимовского района столицы. Вторыми стали члены Ангренской автошколы, третье место досталось спортсменам учебного спортивного технического клуба Хамзинского района.

В личном первенстве победу в своих направлениях одержали Элшод Камолов, Владислав Базин, Вадим Иванов, Жамол Мирхосилов, Альберт Шамгулов и Владимир Ушека.

Тяжелая атлетика

ОПРЕДЕЛИЛИСЬ ПОБЕДИТЕЛИ И ПРИЗЕРЫ

Около 160 штангистов из всех регионов республики приняли участие в завершившихся в Самарканде состязаниях на Кубок Узбекистана по тяжелой атлетике.

В весовой категории 56 кг победу одержал представитель Ташкентской области Руслан Макаров. В категории 62 кг первенствовал зарафшанец Руслан Алпанов. Наилучший результат в весовой категории 69 кг показал наманганец Суннат Музаффаров. В следующих двух весовых категориях – 77 кг и 85 кг – лучшими стали зарафшанцы Шерзод Юсупов и Мансур Чашимов. Гияс Ахмедов из Андижана победил в весовой категории 94 кг. А в самом тяжелом весе – 105 кг и выше – выиграли два атлета из Ферганской области Олимжон Ачильдыев и Андрей Мартемьянов.

Акробатика

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт мажмуида акробатика бўйича Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган мусобақада эллик нафардан зиёд сортчи ғолиблик учун ўзаро куч синашди.

Эркаклар ўртасидаги жуфтлик беллашувларида Сергей Каспарян ва Мурод Кулиевга етадигани топилмаган бўлса, хотин-қизлар баҳсида Мадина Набиева ҳамда Мухлиса Раззоқова дуэти шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Аралаш жуфтликлар ўртасида мусобақа олтин медали Акром Абдуллаев ва Ирина Хванга насиб этди.

Гуруҳ беллашувларида қатнашган Наргиза Қодирова, Евгения Строганова ҳамда Нозима Ҳожиакбарова хотин-қизлар баҳсида биринчи ўринга сазовор бўлди. Эркаклар ўртасида эса Умид Эшматов, Дилмурод Исроилов, Давлат Мерганов ва Зиёдулла Турғуновдан иборат тур ғолиб деб топилди.

З. ХАЙРИТДИНОВ.

Футбол

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ БЎЛДИ

2010 йилда ўтказиладиган футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатига мезбонлик қиладиган Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида навбатдаги босқич саралаш учрашувларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Футбол бўйича энг нуфузли ҳисобланган мазкур мусобақанинг финал босқичида дунёнинг 208 давлати терма жамоалари ўртасида ўтказиладиган бир неча босқичли саралаш баҳсларидан муваффақиятли ўтган 32 та мамлакат футболчиларигина олий соврин учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Халқаро Футбол уюшмаси – ФИФАнинг қарорига кўра, жаҳон чемпионати йўлланмалари қуйидагича тақсимланган: Европа қитъасига – 13, Африкага – 5, Осиё ва Жанубий Америкага – 4,5 тадан, КОНКАКАФга – 3,5 та, Океанияга – 0,5 та йўлланма. Шуни таъкидлаш керакки, саралаш босқичлари якунида Осиёда бешинчи ўринни эгаллаган терма жамоа Океания вакили билан, Жанубий Америкада 5-ўринда бўлган давлат жамоаси эса КОНКАКАФда тўртинчи ўринни эгаллаган терма жамоа билан уй-сафар тизимида баҳс олиб бориб, қолган икки йўлланма тақдирини ҳал қилишади. Фақат мусобақа мезбони – ЖАР футболчилари финал босқичида тўғридан-тўғри иштирок этадилар.

Осиё қитъасига келсак, октябрь ойида 41 давлат терма жамоалари ўртасида биринчи босқич саралаш ўйинлари ўтказилиб, улардан ғолиб чиққан 20 жамоа баҳсларни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритганди. Улар қаторида икки ўйин натижасига кўра (9:0, 2:0) Хитой Тайпейи футболчиларидан устун келган Ўзбекистон терма жамоаси ҳам бор.

Куни-кеча ўтказилган қуръа натижаларига кўра, қитъамиз жамоалари тўрттадан 5 гуруҳга бўлиниб, кейинги босқичга бериладиган ўнта йўлланма учун баҳс олиб борадилар. Ўзбекистон терма жамоаси мусобақанинг **IV гуруҳи**дан жой эгаллади. Унда ҳамюртларимиз уй-сафар тизими асосида Саудия Арабистони, Сингапур ва Ливан футболчиларига қарши майдонга чиқадилар. Мазкур босқич саралаш учрашувлари 2008 йилнинг 6 февралидан бошланади.

Осиё минтақасининг қолган гуруҳларидан қуйидаги жамоалар ўрин олган:

I гуруҳ: Австралия, Хитой, Ироқ, Қатар.

II гуруҳ: Япония, Баҳрайн, Уммон, Таиланд.

III гуруҳ: Жанубий Корея, КХДР, Иордания, Туркманистон.

V гуруҳ: Эрон, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Сурия.

Мусобақа низомига кўра, ўз гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар кейинги босқич йўлланмасига эга бўлади. Унда иштирокчилар бештадан икки гуруҳга бўлиниб, жаҳон чемпионатига йўл оладиган тўртта кучли жамоани аниқлашади. Икки гуруҳда учинчи ўринлар соҳиби бўлган жамоалар ўртасида ўтказиладиган қўшимча баҳс ғолиби эса Океания минтақаси ғолиби билан куч синашиб, яна бир йўлланма тақдирини ҳал қилади.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

РЕКОРД ҲИСОБ БИЛАН

Миллий ва олимпия терма жамоаларимиз учрашувлари билан боғлиқ юзага келган қисқа танаффусдан сўнг олий лига жамоалари 27-тур учрашувларини ўтказишди. Мазкур турда энг кутилмаган натижа Зарафшонда қайд этилди. Мавсум давомида совринли ўринлар учун курашиб келган маҳаллий «Қизилқум» жамоаси пешқадам «Пахтакор»ни қабул қилиб, республика чемпионатларидаги энг йирик натижа – 0:11 ҳисобида мағлубиятга учради. Пахтакорчилардан З. Тожиев ва И. Уче «хет-трик» соҳибига айланишди.

Қолган ўйинлар эса қуйидаги натижалар билан якунланди: «Металлург» – «Насаф» – 2:1, «Навбаҳор» – «Шўртан» – 2:1, «Самарқанд-Д» – «Бухоро» – 2:1, «Машъал» – «Тўпаланг» – 3:0, «Вобкент» – «Нефтчи» – 1:4, «Локомотив» – «Андижон» – 0:1, «Трактор» – «Қурувчи» – 0:3.

С. ПЎЛАТОВ.

Шахматы

СОХРАНЯЕТСЯ РАВНОВЕСИЕ

В российском городе Ханты-Мансийске проходит Кубок мира по шахматам. В нем участвуют 128 сильнейших шахматистов мира.

По решению Международной шахматной федерации (ФИДЕ) соревнования интеллектуалов будут проходить до 18 декабря в семь этапов.

Спортивную честь Узбекистана защищают победитель XVIII чемпионата мира Рустам Касымжанов и молодой перспективный шахматист Антон Филиппов.

Рустам Касымжанов в первом раунде встретился с индийским шахматистом Г. Гопалом и на 96-м ходу стал известен ничейный результат.

Наш молодой соотечественник Антон Филиппов «схлестнулся» с одним из именитых в мире шахматистов Владимиром Акопяном, и в двух партиях зафиксирован результат – 1:1.

Теперь Рустам Касымжанов и Антон Филиппов со своими соперниками встретятся в тай-бреке. Победители выйдут в следующий этап соревнований.

НА ПЬЕДЕСТАЛЕ – ЛУЧШИЕ

В шахматно-шашечном клубе Ташкента состоялось первенство столицы по шахматам среди юношей и девушек 1990 года рождения и младше.

Сто двадцать юных дарований съехались на эти соревнования. Но по правилам только победители своих подгрупп становились счастливыми обладателями путевок на участие в первенстве Узбекистана.

В течение недели юные шахматисты оспаривали первенство. По итогам 9 туров самыми лучшими в своих возрастных категориях зарекомендовали себя Нозима Орипова (12 лет) и Ортик Нигматов (7 лет), который составил серьезную конкуренцию десятилетним Шаваршу Бадаляну, и Арону Каспарову.

Также победительницами первенства города стали Камила Собирова, Диера Ортикова, Полина Вербова, Анастасия Кияткина, Сахобат Зайнуддинова. Среди юношей почетное первое место заняли Иззат Султанов, Шаварш Бадалян, Илья Дмитриев, Роман Голубев, Никита Хасанов и Улугбек Тураев.

Все победители и призеры соревнований были награждены организаторами первенства ценными призами и дипломами соответствующих степеней.

Соб.инф.

Атлетический клуб будущего воина

РАЗВИВАЕМ БИЦЕПСЫ СГИБОВ РУК СТОЯ (со штангой или гантелями)

Сгибы рук стоя способствуют построению бицепсов, плечелучевых и других мышц предплечий.

Выполнение сгибов рук. Встаньте прямо. Руки опустите вниз. Возьмите штангу захватом снизу, а ладонями от себя. Локти держите по бокам. Медленно сгибайте руки со штангой по направлению к груди. Затем опустите отягощение в исходное положение.


Сгибы рук со штангами могут выполняться с одновременным их подъемом или поочередным: то левой рукой, то правой. Также вы можете делать сгибы в положении сидя на скамейке или стоя вытягивать эспандер на тренажере.

Примечание. Существуют также штанги с EZ-перекладиной, с характерным изгибом примерно на ширине плеч от центра перекладины. Преимущество такой штанги в том, что дискомфорт для запястий минимален. Недостаток EZ-штанги в том, что из-за отсутствия поворота запястий существенно снижается потенциал для прямой нагрузки на бицепсы.











СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Машҳур авиаконструктор Сергей Королев совриниучун Москва шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси, Осиё чемпионати ғолиби Азамат Эргашев шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Азамат 69 кг вазнда рингга чиқиб, Германия, Беларусь, Украина вакилларини, ҳал қилувчи баҳсда эса россиялик боксчини мағлубиятга учратди. Яна бир вакилимиз Азамат Саидов ҳам 60 кг вазнда турнир ғолиби бўлди.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси сув саройида синхрон сузиш бўйича VIII «Сув париси» очиқ халқаро турнири бошланди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур мусобақада Словакия, Россия, Қозоғистон ва мамлакатимиз вилоятларидан келган қизлар иштирок этишмоқда.

Мусобақа доирасида иккинчи «Гимнастрада» фестивали ҳам бўлиб ўтади. Гимнастрада спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, акробатика, трамполин, аэробика, айни пайтда фольклор, замонавий рақслар ҳамда фитнесни ўз ичига олади. Бу спорт тури билан нафақат соғлом, балки ногирон инсонлар ҳам бирдай шуғулланишлари мумкин. Уларнинг ёши эса чегараланмаган. Жорий йилнинг июль ойида Австралиянинг Дорэнбрн шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон фестивалида мамлакатимиз вакиллари «Миллий жамоа» номинацияси ғолиби бўлишган эди.

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт мажмуасида таэквондо ИТФ бўйича 14–17 ёшли «қора белбоғ» соҳиблари ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

2008 йилнинг апрель ойида Алмати(Қозоғистон) шаҳрида бўлиб ўтадиган катталар ва ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатига саралаш вазифасини ўтаган мазкур турнирда барча вилоятлардан келган 200 нафарга яқин ёшлар иштирок этишди. Чемпионатдаги асосий совринли ўринлар Тошкент шаҳри, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Жиззах ва Фарғона вилоятлари спортчиларига насиб этди.

Шунингдек, таэквондонинг мазкур йўналиши бўйича Сочи шаҳрида бўлиб ўтган очиқ халқаро турнирда андижонлик Азиза Назарова «Қора денгиз соҳили» кубогини қўлга киритди. Энди Азиза декабрь ойида Лос-Анжелес (АҚШ) шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этади.

Қаршининг «Севинч» жамоаси футболчи қизлари иккинчи бор Ўзбекистон кубогини қўлга киритишди.

«Қибрай» спорт мажмуасида аёллар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон кубоги баҳсларининг финал учрашувида Қашқадарё вилояти вакиллари «Андижанка» жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларини боғловчи шосседа бўлиб ўтган велоспорт бўйича халқаро мусобақада Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбойжон шарафини ҳимоя қилган элликдан ортиқ спортчилар иштирок этишди. Мусобақа дастурига 60 км масофага критериум (еттита оралиқ марра билан) ҳамда 60 ва 99 км.га гуруҳ пойгалари киритилган эди.

Критериум – пойгада республикамиз вакиллари В. Шайхов, В. Тўйчиев ва Р. Каримовлар 1–3 ўринларни эгаллашди. 60 км масофага ўтказилган пойгада Тошкент Олимпия резервлари коллежи тарбияланувчиси Т. Муҳаммедов қозоғистонлик рақибларини ортда қолдириб, мусобақа ғолибига айланди. 99 км.га ўтказилган баҳсда эса яна В. Шайхов маҳорат кўрсатиб шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой эгаллади.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Новые традиции

НАГЛЯДНЫЙ ПРИМЕР



Ставшие уже традиционными показы вооружения и военной техники для военнослужащих срочной службы, проведенные во всех военных округах, преследуют не только ознакомительные цели. Одной из главных задач здесь является создание боевого настроя, гордости за принадлежность к армейскому коллективу, закладывание основ ответственности за свою профессию защитника Родины. Увидев в деле наших военных профессионалов, они теперь будут стремиться и сами достигать высот мастерства.

Одновременно и сами организаторы этого мероприятия еще раз проверили в деле уровень боевой выучки личного состава, методическое мастерство офицеров и сержантов.

Как известно, 2007 – 2008 учебный год будет проходить в войсках Министерства обороны под девизом: **«Быть активным проводником военных реформ, надежно защищать мир и спокойствие граждан, неприкосновенность рубежей Родины, совершенствовать навыки и профессиональные знания по эффективному применению военной техники и вооружения, сбережение военно-технического имущества – долг каждого военнослужащего».** Добрый пример профессионального отношения к военной технике и вооружению, который преподали опытные сослуживцы, безусловно, будет вдохновлять вновь призванных воинов на первые успехи в ратном труде.

В этом плане проведенный и в Ташкентском военном округе показ вооружения и военной техники для военнослужащих срочной службы достиг поставленной цели. Например, уже более десяти лет служит в подразделении обеспечения учебного процесса ЧВТКИУ младший сержант Абдурашид Уралбеков. Старшему механику-водителю танка доставило огромное удовольствие рассказывать новобранцам о тактико-технических характеристиках своей боевой машины, наблюдать в глазах слушателей живой интерес.

Курсанту третьего курса ТВОКУ Хамиду Умурзакову вскоре придется в качестве командира группы проводить подобное занятие с личным составом. Поэтому для будущего офицера очень важно уже сейчас в ходе представления БТР-80 отработать на практике все вопросы методически верного доведения до аудитории особенностей изучаемой темы.

Впрочем, не только танки и бронетранспортеры привлекли в этот день внимание воинов. Здесь все зависело от умения рассказчика представить свой вид вооружения. Убедиться в этом помог капитан Дильшод Умурзаков, увлекательно и интересно рассказывавший о полевых радиостанциях.

– Понравилось то, что нам показали приборы наблюдения, стрелковое оружие, снайперские винтовки, – делится своими впечатлениями рядовой Ахрор Мансуров, уроженец Наманганской области. – Мне предстоит проходить службу в десантном подразделении, поэтому хочется на самом серьезном уровне освоить свою воинскую профессию.

Достойным наставником воинов можно по праву назвать подполковника Нодира Худайбердиева. Опытный офицер не только довел до слушателей тактико-технические характеристики автоматов, пулеметов, снайперских винтовок, но и успевал за короткий промежуток времени, отведенный для каждой группы военнослужащих, заложить в них азы основ культуры обращения с оружием. А это очень важно.

– Мне предстоит служить в подразделении связи, – говорит рядовой Феруз Эргашев, прибывший на службу из Бухарской области. – Узнав об этом, думал, что помимо радиостанций и другой аппаратуры связи в армии ничего не увижу. Отрадно, что уже в первый месяц службы меня и моих сослуживцев и новых друзей так приятно удивили, познакомив с основой боевой мощи наших Вооруженных Сил.

Одним из важных акцентов, поставленных на данном показе, стало и то, что внимание участников показа было особо заострено на вопросах бережливости и рачительного использования военного имущества. Сержанту Холику Агаеву удалось увлекательно рассказать о правилах хранения горючесмазочных материалов, о вкладе воинов в сбережение ГСМ, о противопожарной безопасности.

Рядового Максета Сеилбекова из Нукуса покорили мощные артиллерийские системы, о которых рассказывал капитан Фирдавс Умаров.

Для проведения показательного занятия командованием военного округа были привлечены самые квалифицированные специалисты. Достаточно сказать, что преподаватель Школы подготовки сержантов подполковник Тулкин Эргашев минувшим летом за участие в показе инженерного вооружения был удостоен Памятного знака начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил. Быстроходные траншейные машины, тяжелые механические мосты или войсковые экскаваторы и на этот раз были представлены самым лучшим образом. Рядовой Рустам Амонов, призванный из Самаркандской области, подчеркнул, что впечатляющая мощь нашей инженерной техники просто поразила его.

С большим подъемом комментировал действия военнослужащих во время показательных боевых стрельб представитель округа офицер Видадий Рахматов. И здесь были задействованы самые лучшие методисты и специалисты военного дела. Например, офицер Олег Син – заслуженный наставник молодежи Республики Узбекистан. И подчиненные не подвели его: отлично отстрелялись младшие сержанты Юнус Абдуллаев и Джура Донишев, курсанты Рашид Матъякубов и Алишер Исмоилов.

Впрочем, и курсанты ТВОКУ смотрелись ничуть не хуже, порадовав высоким огневым мастерством. Например, в стрельбе из ручного пулемета, снайперской винтовки и подствольного гранатомета отличились курсанты Руфат Ахмедов, Фаррух Абруев и Дониер Мухаммадиев, а младший сержант Махди Алимов проявил истинный профессионализм в стрельбе из вооружения БТР.

Одобрительных аплодисментов в этот день удостоились не только курсанты, но и военные профессионалы из частей округа. Например, в стрельбе из зенитных установок отличились младшие сержанты Фарход Исматов, Бунед Мирсаидов и рядовой по контракту Одил Курбанов. Меткий огонь показали также подчиненные старшего лейтенанта Бабура Улканова, поразив мишени первыми выстрелами.

– Участие в данном показательном занятии произвело на меня самое неизгладимое впечатление, – говорит рядовой Джахонгир Бозоров, призванный из Кашкадарьинской области. – Хочется выразить искреннюю признательность, и это мнение всех нас, кто сегодня был на полигоне, его организаторам за большой труд. И заверить, со своей стороны, что мы тоже постараемся приложить все усилия для качественного освоения наших воинских специальностей.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Юлии ХРАМОВОЙ.**

Илмий-техникавий анжуман

САМОЛАРНИ КЎЗЛАР ЛОЧИНЛАР

Жиззах олий ҳарбий авиация ҳамда Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари ва Тошкент давлат авиация институти (ТДАИ) талабаларининг авиация ва коинот соҳасидаги билимларни ўрганиш борасидаги изланишлари юзасидан илмий техникавий анжуман бўлиб ўтди. Мавжуд ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва ўзаро тажриба алмашиш каби мақсадларни кўзлаб ташкил этилган мазкур тадбирда шунингдек, соҳада фаолият юритиб келаётган ҳарбий ва фуқаро мутахассислар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳунар мактабларида таҳсил олаётган курсантлар ва бошқа меҳмонлар иштирок этишди. Тадбир аввалида сўзга чиққан офицер М. Джанабаев бугунги кунда юртимизда Президентимиз бошчилигида халқ хўжалигининг турли соҳалари, шу жумладан Қуролли Кучларимизда ҳам олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, таълим ва тарбиянинг такомиллаштирилаётгани, ўзгаришу янгиланишлар ҳамда ҳарбий ва фуқаролик соҳалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани натижасида қўлга киритилаётган муваффақиятли кўрсаткичлар ҳақида қисқача тўхталиб, анжуманда ўз маърузалари билан иштирок этаётган бўлажак мутахассисларга омадлар тилади.

Шундан сўнг самоларни забт этишни кўзлаган ёш лочинлар йиғилганлар эътиборига турли мавзулардаги чиқишларини ҳавола эта бошладилар. Маърузачиларнинг анжуманга пухта тайёргарлик кўришгани мавзу юзасидан электрон кўргазмали воситалар ҳам тайёрлашгани ва билдирилаётган фикрларига мос равишда саҳнада ўрнатилган улкан мониторда тасвирлар акс этаётганидан ҳам яққол билиниб турарди.

Анжуман иштирокчилари курсантлар, талаба ва магистрларнинг замонавий учар аппаратлар, шу жумладан жанговар учоқлар ва уларда қўлланиладиган қурол – аслаҳа, портловчи воситалар, қурол ва техникаларнинг хусусиятлари, авиация ҳамда коинот соҳасидаги янгиликлар ҳақидаги қизиқарли маълумотларидан баҳраманд бўлишди. Йиғилганларга курсантлар – А.Бобожонов, М.Абибуллаев, Э.Абдурайимов, Б.Юлдашев ва С.Эркиновларнинг маърузалари ҳамда ТДАИ магистрлари А.Турдиев, И.Савченко, талабалар – Д.Тожиев, Д.Тўхтаев, С.Нуримов ва И.Ярулиннинг чиқишлари ғоят манзур бўлди. Айниқса, талаба И.Ярулиннинг «Учувчисиз бошқариладиган учар аппаратлар ва унинг тараққиёт истиқболидаги мавқеи» номли маърузаси мутахассислар томонидан ҳам юксак баҳоланди. Анжуман давомида маърузачи ва қатнашчилар ўртасида қизғин савол-жавоблар бўлди.


– Бундай илмий тадбирларни кўпроқ ўтказиб туриш эртамиз давомчилари бўлган ёшларимиз учун ҳар жиҳатдан фойдалидир, – дейди Тошкент давлат авиация институти ректорининг илмий ишлар бўйича муовини, техника фанлари доктори профессор З. Шамсиев. – Чунки эгалланган малака ва кўникмалар яна мустаҳкамланади, билимлар чархланади. Ўзаро фикрлар алмашиниб, тажрибалар ўртоқлашилади. Шу боис тез кунларда ушбу тадбирнинг иккинчи қисмини ҳам ўтказамиз, деб ўйлайман. Мана, бу гал анжуман Жиззахда ўтаяпти. Насиб этса, навбатдагисига Тошкентда биз мезбонлик қиламиз ва албатта, унда курсантларнинг ҳам иштирок этишини истаймиз.

– Бугунги анжуманни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, талаба ва курсантларимизнинг авиация ва коинот соҳасига оид билимларни кенгроқ тадқиқ этишларига кўмаклашишдан иборатдир, – дейди офицер А. Шарипов. – Бу борада кучимиз ҳам, имкониятларимиз ҳам етарли. Соҳа илмини мукаммал эгаллашга бел боғлаган ёшларимиз ҳам ғайрат-шижоатда ҳеч кимдан кам эмас. Бу ҳол етакчи сифатида бизни беҳад қувонтиради. Уларга бундан кейинги ишларида ҳам омадлар ёр бўлишини истайман.

Тадбирнинг илмий қисми ниҳоясига етиш арафасида курсант ва талаба ёшлар ўзаро дўст-қадрдонлик рамзи сифатида бир-бирларига эсдалик совғалари улашишди. Йиғин давомида сўзга чиққан иштирокчилар ҳам бундай ҳамкорлик алоқаларининг бардавом бўлишини тиладилар. Шунингдек, билим юрти курсантлари томонидан тайёрланган бадиий чиқиш ҳам намойиш этилди.

Танаффусдан сўнг меҳмонларга билим юрти ҳаёти, курсантларнинг яшаш ва ўқишлари учун барпо этилган шарт-шароитлар ҳамда турли хил тўгараклар ҳақида маълумотлар берилиб, билим юрти бўйлаб экскурсия уюштирилди.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.





Қизлар ҳақида гапирилганда гўзал, лобар, латофатли деган сўзлар кўп бор тилга олинади. Саҳифамизнинг бу галги меҳмони Дилафруз Нуралиева ҳам лобар ва латофатли қизлар сирасига киради. Дилафруз Миробод темир йўл касб-ҳунар коллежини тамомлаган. Ҳозирда эса Мудофаа вазирлиги санитария-эпидемиология назорат марказида иш юритувчи вазифасида фаолият олиб бормоқда. У бўш вақтларида ўзбек миллий таомларини ва турли пиширикдар пиширишни яхши кўради. Ҳар бир инсон орзу қилиб яшайди, деганларидек Дилафрузнинг ҳам орзулари бисёр. Шулардан энг асосийси, олий маълумотли мутахассис сифатида ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиш.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Ўнта бармоғинг кечасию кундузи хизматингга тайёр ўнта дастёрингдир! Дарвоқе, «дастёр» сўзининг «даст» қисми «қўл» дегани, бундан чиқди, қўлинг ёрингдир! Демак, қўлинг халоскорингдир. Фаровон яшаш учун мана шу имкониятнинг ўзи етади. Бу бармоқлар билан тош устида гул ундириш мумкин, дастурхонга ризқ тўлдириш мумкин. Қўл – мурувват, қўл – меҳр, қўл – мўъжиза, қўл – сеҳр! Шу бармоқлар ила бу ёруғ дунёни дутор қилиб чалса бўлади. Қизим, аёл ўзининг беқиёс, беандоза аёллик салтанатини мана шу қўллари билан бунёд этади ва асраб келади.

ТАЪЛИМНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТИ

Ёшларни ватанпарварлик, она юртга, халққа садоқат руҳида тарбиялашда бошқа омиллар қатори умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг ўқитилиши муҳим аҳамиятга эга. Нафақат олий ҳарбий билим юртларида ўқиш ва Қуролли Кучларимиз сафларида ҳизмат қилишни истовчилар, балки барча ёшлар ушбу фан машғулотлари жараёнида ҳарбий хизмат, тарихан бой ҳарбий анъаналаримиз, Умумҳарбий низомлар, Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти ҳақидаги ва бошқа кўплаб тегишли маълумотларга эга бўладилар, ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб топадилар.

Чақириқ ва чақириққача бўлган ёшдаги ўсмирлар билан ишлаш кўп қиррали ва ўзига хос жараёндир. Чунки ёшларнинг барчасида ҳам дунёқараш, характер барқарорлашмаган бўлади. Шунинг учун ҳам уларнинг қалбларига эзгу анъаналарни, ахлоқий тамойилларни, садоқат ва инсонийлик туйғуларини сингдириб борадиган яқин дўсти, маслаҳатчиси, моҳир ва тажрибали устози бўлиши керак. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси зиммасидаги масъулиятли вазифалардан бири ҳам ўқувчи, талаба ишончига кира олиш ҳамда унинг билим ва иқтидорини тўғри йўналтиришдир.

Таъкидлаш жоизки, чинакам ватанпарвар, ўз ишининг малакали мутахассислари, профессионаллардан иборат миллий армияга, ҳарбийликка ёшлардаги қизиқишнинг шаклланиши, бу борада зарур билим ва маълумотларнинг берилиши каби мақсадларга хизмат қилувчи чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини ўқув, услубий қўлланма ва адабиётлар билан бойитиш, машғулотларни ўтиш жараёнига янги педагогик воситаларни жорий этишни тақозо қилади.

Юсуф АБДУКАРИМОВ,
Тошкент давлат педагогика университети 3-курс талабаси.

ИҚТИДОР СОҲИБАЛАРИ БАҲСИ

Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар орасидан истеъдодли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ана шу юксак эътиборнинг ёрқин далилидир.

Мазкур мукофотга номзодлар танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўзига хос байрам тусини олди. Беш йўналиш бўйича ўтказилган тадбирда шаҳар ва туманларда ғолиб чиққан 25 нафар қиз ўз маҳорат ва истеъдодини намойиш этди.

– Бу йилги танловнинг қамрови ҳар йилгидан кенгроқ бўлди,– дейди Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси котибияти мудири Раъно Қаландарова.– Танловда қатнашган қизлар орасидан энг истеъдодлиларини аниқлашга танлов ҳайъати аъзолари катта масъулият ва холислик билан ёндашдилар. Бунда иштирокчиларнинг билими, фаоллиги, ижодий маҳорати алоҳида эътиборга олинди.Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этадилар.

– Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев иштирок этди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН
В начале недели нежелательно позволять себе расслабляться, стремление переложить ответственность на партнеров может привести к конфликтным ситуациям. Постарайтесь выкроить достаточно времени для решения проблем близких людей.

ТЕЛЕЦ
Для творчества вам необходимо почувствовать свое своеобразие. Вероятны конфликты на работе. Защищайте и отстаивайте свои интересы. О новых идеях лучше пока никому не рассказывать.

БЛИЗНЕЦЫ
Приятно ощущать себя значимым человеком. Уважение придает уверенность в собственных силах. Для вас будет важен любой положительный результат. Будьте внимательнее ко всем поступающим предложениям.

РАК
Неделя способствует интеллектуальной деятельности и раздумьям о высоких материях. Встреча со старыми друзьями откроет перед вами новые перспективы. Выходные стоит посвятить общению с близкими людьми.

ЛЕВ
Не делайте на этой неделе скоропалительных выводов и не торопитесь с однозначными оценками. В середине недели возможен спад активности в интеллектуальной сфере. Возможны разногласия с родственниками.

ДЕВА
Ваши дела пойдут в гору, если вы не будете критиковать коллег. Напрасная суета вокруг вас может вызвать некоторое раздражение, постарайтесь расслабиться. Вам неожиданно помогут родственники, от которых вы ничего не ждете.

ВЕСЫ
На этой неделе, возможно, вас пригласят участвовать в многообещающем проекте. Лучше долго не раскачиваться. Не планируйте серьезных мероприятий. Выходные будут располагать к уединению.

СКОРПИОН
На этой неделе вас может заинтересовать оригинальный проект. Могут появиться новые достижения в делах. В середине недели необходимо выделить время для общения с друзьями. Это удачное время для поездок.

СТРЕЛЕЦ
Наступающая неделя предрасполагает к изменению стиля жизни. Вам будет предложено несколько шансов на выбор. Желательно вести себя скромно. В выходные кто-то из родственников может обратиться к вам за помощью.

КОЗЕРОГ
Ваша проницательность будет способствовать деловому или профессиональному успеху.Вероятны некоторые сбои в планах. Проявите мудрость и сострадание по отношению к окружающим.

ВОДОЛЕЙ
Возможно повышение по службе, которое вы ждали. Желательно не проявлять переполняющие вас чувства. Постарайтесь не провоцировать сплетни и не злоупотреблять хорошим отношением родственников.

РЫБЫ
На этой неделе дел у вас будет невпроворот. Чтобы справиться с ними и всюду успеть, придется потрудиться. У вас может появиться желание решить все одним махом, но лучше адекватно рассчитывать свои силы.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

«САНЪАТ – ФИДОЙИЛИК ДЕМАК»

МУНАВВАР АБДУЛЛАЕВА ЎНГИДА ГУЛНОРА ҲОЖИМУРОДОВА



Мунаввар Абдуллаевани барча ёру дўстлари, шогирдлари ўз касбининг жонкуяр фидойиси, деб тилга олишади, эъзозлашади. Чунки бу ижодкор узоқ йиллардан буён актёрлик ва театр режиссураси соҳасида салмоқли ижод қилиб, ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган биринчи ўзбек аёл режиссёрларидан биридир. Буни тўла ҳис этиш учун санъаткорнинг сермашаққат ва серқирра ҳаёт йўлига назар солиш, санъатга илк қадам қўйган йилларидан тортиб, то бугунги даврдаги фаолияти билан яқиндан танишиш лозим.

Мунаввар Абдуллаева Марғилон шаҳрида туғилиб вояга етди. Уларнинг оиласи косиблар оиласи бўлиб, атлас тўқиш билан шуғулланарди. Санъатга мутлақо алоқадор бўлмаган хонадонда ўсиб улғайган жиккаккина қиз бир кун келиб катта санъаткор бўлиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди.

– Баъзан кичкина бир сабаб ҳам инсоннинг ҳаётида катта ўзгариш ясаши мумкин экан. Мен бу ҳақиқатнинг исботини ўз ҳаётим мисолида кўрдим,– дейди Мунаввар Абдуллаева. – Адашмасам, саккиз ёшда эдим. Бир куни дадам уйга телевизор олиб келди. Бу воқеа биз учун жуда катта янгилик эди. Шу кундан бошлаб кеч бўлди, дегунча телевизор кўришга ошиқамиз. Телевизорда ҳар чоршанба куни концерт ва спектакллар бериларди. Мен концертдан ҳам кўра спектакларни берилиб томоша қилардим. Шу боис концертнинг тезроқ тугаб, спектаклнинг бошланишини интизорлик билан кутаман. Спектакллардан шунақаям таъсирланардимки, ўзимни актёрлар билан роль ўйнаётгандек тасаввур қилардим. То томоша охиригача қилт этмай, қаҳрамонлар билан бирга ҳаяжонланардим, бирга йиғлаб, бирга кулардим. Шу сабаб бўлди-ю, хаёлим спектаклларда, ўй-фикрим артистларда бўлиб қолди. Вақт ўтган сари ўзимда ҳам актёрликка қизиқиш ва интилишни ҳис эта бошладим. Мактабни тамомлагунимча бу қизиқиш орзуга айланганди...

Мунаввар мактабни битириб Марғилон шаҳридаги савдо техникумига ўқишга кирди. Билим юртида уч йил таҳсил олди. Мана шу вақт мобайнида ҳам унинг қалбини актриса бўлишдек улкан орзу тарк этмади. Бу орзу уни оҳанрабодек ўзига тортарди. Шу боис, дарсдан бўш вақтларида шаҳар маданият уйига қатнай бошлади. У ердаги репетиция жараёнларини ва спектакларни қолдирмай томоша қиладиган бўлди. Мунаввариинг қизиқишини кўрган бадиий раҳбар унга ҳам кичик-кичик ролларни бера бошлади. Шундай қилиб у ҳам театр жамоаси билан бир саҳнада роль ўйнай бошлади. Билим юртини тамомлаган Мунаввар барибир савдо соҳасида ишлолмаслигини билди. Бунинг сабаби маълум. Энди у актриса бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди ва мана шу мақсадига етиш учун Марғилондан Тошкентга, Маннон Уйғур номидаги санъат институтида ўқиш учун келди. Мунавварнинг имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиши ўзи севган касб сари қўйилган илк қадам бўлди.

Ўзбек театр ва кино санъатида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган Ўзбекистон халқ артисти, профессор Назира Алиева, профессор Арсен Исмоилов ва Иосиф Радун каби ўз ишининг моҳир усталари бўлажак санъаткор учун катта тажриба мактаби бўлди...

Мана шу даргоҳда тўрт йил ўқиб маълум билим ва кўникмага эга бўлган ёш актриса дастлабки иш фаолиятини Гулистон шаҳридаги Олим Хўжаев номли мусиқа, драма ва комедия театрида бошлади. Жуда ҳаракатчан, мақсад сари интилувчан санъаткор ўз қобилиятини намойиш қилиб, илк бор мустақил равишда профессионал саҳнада роль ижро эта бошлади ва қисқа фурсат ичида жамоада ўз ўрнига эга бўлди.

Унинг Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб «Муҳаббат» спектаклида яратган Марғуба образи томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Дастлабки муваффақият кейинги ролларни яратишда актрисага катта мадад берди.

Ўз устида мунтазам шуғулланадиган Мунаввар, ҳали тажриба, малака ва билимини мукаммаллаштириши лозимлигини тушунди. Шу боис, Москва давлат театр санъати институтининг малака ошириш курсида икки йил таҳсил олди ва театр санъатининг сирли оламига чуқурроқ кириб борди. Таҳсилни якунлаб Тошкентга қайтган Мунаввар ўзи ўқиган институтда талабаларга сабоқ бера бошлади. Лекин театр саҳнасида роль ижро этишни ҳам канда қилмади. Энди у ҳар бир спектаклни ўз нуқтаи назари билан таҳлил эта бошлади. Ҳар бир ролга алоҳида муносабат ва асарлар талқини уни режиссёр сифатида ҳам ишлашга ундади. Чунки Мунавварда режиссёрлик фаолият учун зарур бўлган хусусиятлардан бири – ажойиб ташкилотчилик қобилияти бор эди. Йиллар ўтиб, ўқиш, изланишлар натижасида унда драматик асарларнинг саҳнавий талқинини кўра олиш ва уни рўёбга чиқариш қобилияти ҳам шаклланганди. Мустақил равишда спектакл қўйиш орзусида юрган Мунавварга ўша пайтда институтда курс раҳбари бўлиб ишлаш билан бирга Миллий театрда ҳам фаолият олиб бораётган машҳур санъаткор Турғун Азизов катта ёрдам берди.Шундай қилиб бу икки ижодкор ҳамкорликда пофессионал режиссурага қўл уришди ва Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Эркин Хушвақтовнинг «Машраб», «Чимилдиқ», Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек», Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» асарларининг саҳнавий талқинини яратишди. Бу эса ёш режиссёрнинг кейинчалик ўзи ҳам мустақил равишда саҳна асарларини яратишига зарур кўникмаларни берди.

Шундан сўнг режиссёр сифатида анча тажрибага эга бўлган Мунаввар Абдуллаева «Чегарадаги уй», «Аҳмад Фарғоний», «Эски муҳаббат», «Бир қанотлилар», «Аяжонларим», «Қирмизи олма», «Андишали келинчак», «Дадажон демайман», Мирзо театрида эса «Гап йўқ», «Сен бопмен боп», «Ҳай-ҳай дўст» каби асарларни саҳнага олиб чиқди. Институтнинг ўқув театрида эса ўн бешга яқин спектаклларни саҳналаштирди. Унинг барча спектакллари томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. «Қирмизи олма» спектакли Туркия, Қозоғистон, Арабистон, Россия ва Украинада бўлиб ўтган фестивалларда энг зўр спектакл сифатида эътироф этилди ва олий мукофот – гран-прини қўлга киритди. «Чимилдиқ» спектакли эса Мисрда бўлиб ўтган театр фестивалида муваффақиятли қатнашиб, «Халқлар дўстлиги» ордени билан тақдирланди. Бу эътирофлар санъаткорнинг ижодига берилган юксак мукофотдир.

Бу санъаткор фақатгина театрда эмас, балки кинофильмларда ҳам кўплаб дилга яқин образларни яратган. «Оқ бино оқшомлари»даги Она, «Қалдирғоч»да Хотин, «Домла»да Хадичахон, «Кичкина табиб»да Хайринисо, «Аёл зоти»да Чиннигул, «Осмондаги болалар»да Она каби роллар кўпчиликнинг ёдида қолган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мунаввар Абдуллаеванинг ижодий фаолиятида педагоглик ҳам асосий ўринда туради, деб айтиш мумкин. Мунаввар опа талабалар билан ишлашга кўп вақт ажратади. Чунки уни театр санъатининг келажаги ҳақида қайғуриш, ўз соҳасининг устаси бўлган санъаткорларни етиштириш ҳисси ҳамиша безовта қилиб туради. Шунинг учун ҳам ҳар бир талабанинг ўй-фикрлари, орзу-умидлари билан қизиқади. Истеъдодли ёшларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун ўз хизмати ва меҳнатини аямайди.

– Санъат – бу фидойилик демак. Агар мана шу касбга хиёнат қилмасангиз, касбингиз сизни улуғлайди, – дейди Мунаввар Абдуллаева. – Мен буни ўз фаолиятим мисолида тўлиқ тушуниб етдим. Биласизми, санъаткор бўлиш учун ҳам кучли матонат, сабр-бардош ва сабот керак бўлади. Мана, салкам эллик йилдан буён шу соҳада фаолият олиб бораман. Шу вақт мобайнида қанчақанча спектакларни саҳнага олиб чиқдим, қанча шогирдлар етиштирдим. Булар менинг ҳаётимдаги энг катта ютуғим, деб ўйлайман. Чунки инсон ҳаёти кўз очиб юмгунчалик қисқа вақтда ўтиб кетади. Шу давр мобайнида ҳар ким ўзидан яхши ном ва эзгу ишлар қолдиришга ҳаракат қилиши керак.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

Ғулом КАРИМ

НАРШАХ ҚАЛЪАСИ

(тарихий романдан парча)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Боғийнинг остидаги от терлаганидан биқинида кир кўпиклар ҳосил бўлган, Наим ўз оти бошини гоҳ у, гоҳ бу ён буриб, зарба беришга қулай фурсат пойларди. У тўсатдан олдинга интилиб, Боғийга найза санчишга чоғланганида, от эгасини зарбадан олиб қочиш учун олд оёқларини кўтарди. Зарб билан урилган найза Боғийнинг қалқонига сирғалиб тушиб, отнинг ўмровига санчилди. Унинг ўткир учи жониворнинг нақ суягига қадалганди. От жон ҳолатда қаттиқ кишнади ва силтаниб ён томонга икки-уч қадам юрди. Наимнинг қўлидан чиқиб кетган найза унинг кўкрагида диркиллаб турарди.

От мункиб, гурсиллаб йиқилганда, Боғий сакраб тушишга улгурган эди. Бироқ ҳавода каманд шувиллаб, унинг сиртмоғи сардорнинг қоқ белига тушди. У бир онда жипс тортилган сиртмоқ ҳалқасидан қўлларини чиқариб ололди, холос. Эпчил Наим сиртмоқни ғаниминг бўйнига ҳам тушира оларди-ю, тортиб кетаётганида боши узилиб, жасади ярим йўлда қолиб кетишини мулоҳаза қилди. Ёғий саркардасини жанггоҳ ўртасидан ҳаммага кўрсатиб ўтиб, волий олдига олиб борса, бу унинг номини шон-шуҳратга буркаб, жасорати довруғи Бағдодгача етиши тайин. Наим камандинг нариги учини эгар суянчиғига боғлашга бир неча сонияда улгурди. Шу аснода Боғий чап қўли билан каманд арқонини ушлаб, ўнг қўли билан белидаги қиндан пичоқни олди. Суяк сопли пичоқ ҳавода йилт этдию, отига қамчи уришга чоғланган Наимнинг икки қураги орасига санчилди. Унинг қамчиси қўлидан тушиб, юзтубан отдан қулади. Шу яқинда жанг қилаётган, навбатдаги рақибини яралаб чекинтирган Эрназар отдан сакраб, Наимнинг отини тизгинидан ушлаб, сиртмоқдан ўзини халос қилган Боғийга қамти қилди:

– Мининг, жаноби сардор, ўлжангиз қутли бўлсин!

–Тангри мададкоринг бўлсин, йигит, – деди Боғий узангига оёғини қўйиб отга минаркан. Оғир юкдан от ларзонланди-ю, сўнг олға чираниб чопиб кетди. Бир дақиқа кўринмай қолган сардор арабий отда яна сафлар оралаб, гулдураган овозда жанговар хитоблар қила бошлагач, оқ кийимлилар бир кучларига ўн куч қўшилиб, савашда давом этдилар.

Бухорхудот жанг бошидаёқ содиқ юзбошиларига қандай йўл тутишни шипшитиб қўйди. Жанггоҳнинг бу қисмида тутзор ва толзорлар борлиги ҳам унга қўл келди. Бухорхудот навкарлари баланд сурон кўтарардилар-у, исёнчилар устига қаттиқ ёпирилмасдилар. Яхши қуролланган отлиқлар ғанимнинг пиёда бўлукини тезда яксон қилиш имконига эга эди. Лекин улар боғлаб қўйилгандек суст ҳаракат қилар, юзбошилар ҳам унча жангга ундамас, «ёвнинг ҳамласига бардош бериб, тўхтатиб турсак бас», деб уқтиришарди. Тўғри, бу ерда ҳам сафлар тўқнашган, одамлар ҳалок бўлар, аммо кучлар нисбати яққол устунлигига қарамай бухорхудот бўлуки оқ кийимлиларни унча сиқувга олмасди.

Жанг арафасидаёқ бош сардор ҳаким жанггоҳни кузатишга қулай тепалик устига чиқиб олди. Ҳашвий ҳам ёнида. Ҳар иккаласи кежимлик отларда диққат билан жанггоҳни кузатишар, гап орасида ҳам нигоҳларини олишув қизғин бораётган жойлардан узишмасди. Ҳакимнинг ўнг, Ҳашвийнинг чап тарафида, сал орқароқда отлиқ яроқбардорлар найза, гурзи ва камонларни лозим бўлганида сардорларга етказиш учун шай туришарди. Икки яроқбардор ўртасида оқ отга минган туғбардор оппоқ туғни адл кўтариб турар, жанггоҳнинг турли қисмларига вазиятни яқиндан кўриб-билишга юборилган чопарлар йўлдан адашмай, туғни қора тортиб келишарди.

Тепалик орқасида ва ёнбағирда Ҳашвийнинг отлиқ бўлуки буйруққа маҳтал бўлиб турибди. Аскарлар қилич дастасини маҳкам чангаллашар, қачон жангга бошларкин, дегандек дам-бадам тепаликдаги сардорларига қараб қўйишарди.

Ёнбағирда турганларнинг олдинги сафлари жанг майдонидан кўз узмайди. Жанггоҳдан тез-тез эгасиз отлар шаталоқлаб чиқар, саф тортган суворийлардан чўчиб, бошқа тарафга қочиб қоларди. Баъзи отлар бир оёғи узангидан чиқмай ерга осилиб қолган, қон ва лойга беланган суворий жасадини судраб ўтар, аскарларнинг кўксидан беихтиёр «ўҳ» деган нидо отилиб чиқарди.

Жанггоҳда қирпичоқ қанчалик зўраймасин, Ҳаким ўзини хотиржам тутишга интилар, ора-сира Ҳашвий билан маслаҳатлашиб оларди. Жанггоҳ ўртасида жанг садоси ва сурон бўғилиб, пасайгандек: жанг қиладиганлару сурон кўтарадиганларнинг сони кескин камайган, оёқда турганлари ҳам ҳолдан тойган. Улар икки қўллаб бўлса-да, сўнгги кучлари билан қуролларини кўтариб, зарба беришга интилади. Акс ҳолда ғаним зарбаси батамом оёқдан қулатиши тайин.

– Жанггоҳ улкан матою, бўёқчилар уни қизилга бўяшаётгандай, – деди Ҳаким майдонидан нигоҳ узмасдан. – Лекин бу қадар қиммат бўёқ ҳеч қачон бунчалик шафқатсизлик билан исроф қилинмаган бўлса керак.

–Ғалаба сўзи шунақа бўёқ билан ёзиладиган бўлса, на илож, – деди Ҳашвий.

Жанггоҳнинг турли қисмларига юборилган кузатувчи-чопарлардан омон қайтганлари маълумотига кўра ўнг ва сўл қанотларда аҳвол марказдагидек танг эмас. Афтидан, ғаним марказда эҳтиёт кучларни ишга солган бўлса керак, жанг сурони яна кучая бошлади.

Боғий бўлуки сон жиҳатдан устун душман томонидан қирилиб, тутдай тўкилаётганини кўрган Ҳаким эҳтиёт кучларни ишга солишга ошиқди. Кўнглида Ҳашвий бўлукини иккига бўлиб, ярмини Ғирдакка, ярмини Боғийга мададга юбориш фикри туғилди-ю, аммо дарҳол бундан воз кечди: «Шу дамда ёғийга қақшатғич зарба бериш зарур. Куч иккига бўлинса, зарбанинг залвори камаяди. Ғанимнинг ўнг қаноти тўзғиса, Боғийнинг ҳам аҳволи енгиллашур».

Бош сардор жанг бошланганидан бери илк бор нигоҳини жанггоҳдан узиб, Ҳашвийга қаради ва хиёл ҳаяжонли овозда хитоб қилди:

– Биз умидланган ва она заминга қонимиз билан ёзмоқчи бўлган ғалабага ёғий ҳам тиш-тирноғи билан ёпишган. Кимнинг панжаси кучли бўлса, ўша юлиб олур зафарни. Фурсат етди, ўз бўлукингни ғанимнинг ўнг қаноти устига жангга бошла!

–Бош устига!



Ҳашвий кўз очиб-юмгунча ўз бўлуки олдида пайдо бўлди. Яроқбардори соя каби ундан ажралмасди. Сардорнинг: «Жангга шунқорларим! қонга қон, жонга жон!» деган даъватига жангчиларнинг жанговар ҳайқириқлари уланиб кетди. Чавандозлар депсиниб турган арғумоқларнинг жиловини қўйиб юборишди ва бўлук қор кўчкиси янглиғ залвор билан жанггоҳ сари инди. Ҳашвий отлиқлари Ғирдак тўпига қўшилгач, сурон кўтариб, қаттиқ олишувдан чарчаган ва бўшашган ёв майманасига ташландилар.

Айни пайтда Ҳусайн олдиндан ғалаба нашидасини сура бошлади. У Боғийнинг ҳар бир ҳаракатидан кўз узмасди. Волийга оқ кийимлилар қўшинининг ярим қудрати Боғий билагига жамланган-дай туюлди ва ўта қалтис топшириқларни бажаришга шай юз найзабардорга буюрди:

– Боғийга ташланингиз, у маҳв қилинмас экан, кофирларни матонат тарк этмайдур.

(Давоми бор).

Марказий офицерлар саройида

ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Ҳавас қилиб бўлсада, ёшлигида шеър ёзмаган, ички кечинмаларини назмий кўринишда баён қилмаганлар орамизда кам бўлса керак. Тўғри, балки ўша сатрлар шеърият қонун-қоидаларига мутлақо зид ёхуд ҳақиқий маънодаги шеърга фақатгина шаклан хосдир. Лекин сизу бизни қўлга қалам олишга, айнан тилсиз сирдош – қоғоз билан дардлашишга нима ундаган? Масалан, шоир Бобур Бобомурод ижодининг илк дамлари ҳақида сўз юритаркан, шундай дейди:

– Шеър ёзишимга қалбимдаги кечинмалар туртки бўлган. Қолаверса, воқеа-ҳодисалардан кучли таъсирланиш, илҳомланиш, руҳланиш...

Юқорида бежизга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзосининг фикрини келтирмадик. Чунки Бобур ака Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида дам олиш кунлари ўтказилувчи маънавий-маърифий тадбирлар доирасида ташкил этилган ижодий учрашув меҳмони бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ҳарбий санъаткорлар, хусусан, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансанбли вакиллари билан узоқ йиллар мобайнида ижодий ҳамкорликда бўлаётган шоир учун Ватан ҳимоячилари билан бевосита мулоқот, дийдорлашув ниҳоятда мароқли бўлди.

Тадбир аввалида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, офицерлар – Шуҳрат Дадажонов ижросидаги «Икки ёр», Марат Ҳакимовнинг «Она юрт» қўшиқлари янграши ҳам бежиз эмас. Зеро ушбу хоним, шунингдек, халқимизнинг кўплаб севимли хонандалари томонидан ижро этилаётган қўшиқлар матни муаллифи айнан Бобур Бобомуроддир.

Ижодий учрашувдаги бевосита мулоқотда фаол иштирок этган Ватан ҳимоячилари ва ҳарбийларнинг оила аъзолари савол-жавоблар орқали шу пайтга қадар ўн битта шеърий тўпламини ўз мухлисларига тақдим этган таниқли шоирнинг ижоди, келгуси режалари ҳақидаги қизиқарли маълумотларга эга бўлдилар. Шубҳасизки, ижодкорнинг фикр-мулоҳазаларидан барча таъсирланди. Гўзал кую қўшиқлар эса тадбирни янада безади.

Самимий ва кўтаринки руҳда кечган тадбир сўнггида дилдан суҳбати учун Бобур Бобомуродга миннатдорчилик билдирилиб, унга Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат марказининг Фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғаси тантанали равишда топширилди.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, Обид СУЛТОНХЎЖАЕВ суратга олган.



Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Азимбек Низомович УСМОНОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Владимир Кузнецов** ва **Роберт Ислакаев** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лантева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-4344. **Адади** 23600.